

В.Т. Ражапов  
И.Т. Мамажонов

МАНГАВИЙ  
БАРКАМОЛЛИК  
ЙУЛИДА



Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги

Наманган вилояти халқ таълими бοшкадармаси

Вилоят педагог кадрларни ўайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти

*В. Т. Ражапов*

*И. Т. Мамажонов*

# МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

(Илмий-услубий, изотди-оммабон китоб)

“Наманган” нашриёти  
2009

Мазкур илмий-услубий, изоҳли-оммабоп китоб вилоят методика маркази ўқув-методик қенгашининг 2009 йил 23 январдаги 1/2-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**Масъул мұхаррир:** Тарих фанлари доктори,  
профессор А. А. Маврулов

**Тақризчилар:** Фалсафа фанлари номзоди О. Маматов

**ВПҚҚТМОИ** ижтимоий фанлар  
ва маънавият асослари кафедраси  
катта ўқитувчиси Б. Абдураҳмонова

Ушбу илмий-услубий, изоҳли-оммабоп китоб Президентимиз И. А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан фойдаланган ҳолда тайёрлаған. Бу китобдан умумтәlim мактаби ўқувчилари, ўқитувчилар, қенг жамоатчилик вакиллари фойдаланишлари мүмкін.

НГ 753-1867,5-1423750 2009  
754-(7,5)-(10)

ISBN- 978-9943-344-97-06

© “Наманган” нашприёти, 2009.  
© В. Т. Ражапов  
И. Т. Мамажонов



И. А. Каримов

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон миллий мустақиллигининг тарихан қиска даврида ҳукукий, демократик ва фуқаролик жамиятигининг асослари яратилди. Ўзбекистон давлати жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб ўрин эгаллади. Энг муҳими - ҳалқимизнинг минглаб йиллар давомида тўплаган маънавий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Маънавиятимиз орқали биз ўзлигимизни, миллат қадри, шон-шавкатини англадик, тилимизга, динимизга, имону эътиқодимизга эга бўлдик. “Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар ҳалқимизнинг қон-қонига ва суяк-суятига сингиб кеттан. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан согомон асраб келмоқда”<sup>1</sup>. Маълумки, Ватанимиз тарихининг буюклиги, аввало ҳалқимиз маънавияти ва маърифатининг юксалиши билан борлик. Ўзбек замини тарихи, унинг буюк тараққиёт йўли, истеъоди билан жаҳонни ҳайратта солган буюк даҳолари, олим-у уламолари, шоиру жаҳонгирлари, самога буй чўзган маҳобатли асори-атиқалари билан оламга машхур.

Ал-Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Имом-ал-Бухорий, ат-Термизий, Марғононий, Замаҳшарий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига, инсоният тараққиёттига қўшган ҳиссалари, уларнинг бемисл қашфиётлари, яратган асар ва обидалари бутунги кунда ҳам ҳалқимиз даҳоси сифатида бутун жаҳонни ҳайратта солмоқда.

Юртбошимиз таъбирлари билан айтадиган бўлсак: “...Ўзбек ҳалқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз - бой тарих, юксак маданият, буюк

<sup>1</sup>И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгиллас жуч” -Т.: “Маънавият”, 2008, 7-бет.

маънавият ворисларимиз”<sup>2</sup>. Лекин минг афсуски, биз юртимиз, аждодларимиз тарихини яхши билмаймиз. Ватанимизни эгаллаб олган босқынчилар юртимизнинг бой тарихи, маданияти, юксак маънавиятини кўриб лол қолишган. Бу ўлка халқини енгишнинг ягона йўли, уни тилидан, динидан, юксак маънавиятидан маҳрум этишда деб билишган.

Чингиз Айтматовнинг манкуртга айлантирилган Жуло-мони ҳақидаги ривоятини эсланг. Ўзининг кимлигини, аждодлар ёдени унугтган, на онасини, на унинг сехрли алласини, севгая ёри ва диёрини эслашдан маҳрум, маънавий таназузлга учраган йигит ҳеч иккиланмай онасини ўлдиради.

Ҳа, она халқининг меросини, ўтмишини, тарихини, тилини, динини унугтган, ўз аждодлари, урф-одатларидан кўз юмган халқни енгиш, уни кулликда ушлаб туриш осонлигини мустамлакачилар тўғри фахм этишган.

Ушбу жараён “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида илмий жиҳатдан атрофлича таҳлил этиб берилган “Маълумки, биз бошимиздан кечирган собиқ мустабабид тузум миллий маънавиятимизни мутлақо ривожлантиришга йўл қўймаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мағкуруни ҳар қандай йўллар, зўравонлия билан жорий этишга ҳаракат қилинган.

Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунларида ноқ бу соҳадаги ағзорни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қиливчи вазифалардан бирига айланди”<sup>3</sup>. Мустакилликка эринганимиздан сўнг мамлакатимизда аждодлар ёди, азалий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз билан биргаликда бебаҳо миллий маънавиятимизнинг асоси бўлган тарих ва тарихий файларнинг ривожи ва уларни ўрганишга бўлган муносабат ҳам ўзарди.

Янги замон дарсларидан Ўзбекистон уйлонини даврининг Европа маданиятининг вужудга келишидаги аҳамияти, бунда буюк сиймоларимиз кашфиётларининг тутган ўрни ва мавқеи, кўхна тарихимиз, муқаддас қадриятларимизнинг асл моҳияти ҳаққоний ёритилди.

Бироқ, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимиз ҳаммага ҳам бир хилда ёқаётгани

<sup>2</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. -Т.: “Маънавият”, 2008, 163-бет

<sup>3</sup> И.А.Каримов.“Юксак маънавият – енгилмас куч”.-Т.: “Маънавият”, 2008, 4-5 бетлар.

йўқ. Бу эса айни пайтда мутаассиб радикал кучларнинг юртимизга юявий, мафкуравий, информацион хуружларининг кучайишига олиб келмоқда. “Минг афсуски мана шундай тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет алдаги баъзи сиёсатчи рақиблар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда”<sup>4</sup>.

Улар бугунги глобаллашув жараёнидан ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Чунки, глобаллашув жараёни бу дунёда ҳеч қандай сирни колдирмади.

Ҳар қандай воқеа ёки ҳодисани дунёнинг у четидан бу четига бир зумда етказиш имкони ахборотлар билан бирга ёвуз тояларнинг ҳам элдан элга, юртдан юртга ўтишига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз – “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асрар учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўралса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чукурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга даҳлдорлик туйгуси билан яшashi зарур деб жавоб берган бўлардим”<sup>5</sup>- дея бежиз таъкидламадилар.

Шунинг учун ҳам асарда миллий маънавиятимизни тиклаш, ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳдил этиш, баҳолаш, устувор йўналишларни аҳоли турли қатламларига етказиш, миллий манбаатларимизга зид бўлган заарли юя ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш энг муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланганлиги бежиз эмас.

Бу эса, ўз навбатида, ёшлиаримизнинг баркамол инсан сифатида камолга етишида асардан ўринли ва самарали фойдаланиш, улар онгига тарбия, таълим жараёнларининг

<sup>4</sup> И.А.Каримов. “Юқсан маънавият-енгилмас куч”-Т.: “Маънавият”, 2008, 11- бет.

<sup>5</sup> И.А.Каримов. “Юқсан маънавият-енгилмас куч”-Т.: “Маънавият”, 2008, 17- бет.

барча турлари ва босқичларида асарда илгари сурилган  
гояларни чукур сингдиришни талаб этади.

Айниқса, таълим жараёнларида машгулотдан ташқари  
үтказиладиган тадбирларда асадан самарали фойдаланиш  
кутилган самараларни беришни ҳамиша ёдда тутиш лозим.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун эса асарни  
тинимсиз ўқиши-ўрганиш, ўқитиши-ўргатиш, унинг можияти-  
ни дарс ва аудиториядан ташқари тадбирларда, таълизим,  
тарбия жараённанда, мустақил алоқаларни таъминлашда  
амалга ошириш зарур. Айни замонда асар биздан – ота-  
оналар, устоз-мураббийлардан ҳушёрликни йўқотмасликни,  
ఁшлар тарбиясида асло бепарво бўлмасликни талаб қиласди.

## И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг мазмун - можиати ва таркибий қисмлари.

Асарда инсониятнинг энг муҳим ва буюк бойлиги бўлган маънавиятнинг куйидаги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган:

1. Асарда маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, назарий ва амалий томонлари таҳлил этиб берилган.

2. Айни пайтда истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш, ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, бу соҳадаги мақсад ва вазифалар ҳақида фикр юритилган.

3. Бугунги глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келган муаммолар, ҳалиқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, фарзандлар қалби ва онгини заарли гоя ва мағкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилган.

Асар муқаддимасида муаллиф маънавият инсоният тарихининг барча даврларида ҳаљқ ва миллат тақдирида ҳал қилувчи омил бўлиб, уни улуг мақсадлар йўлида бирлаштирган бунёдкор куч, одамзодининг юксак фазилатларини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлик эканлигини таъкидлайди.

Шу билан биргаликда асарда ўз тарихи, маънавий-маътирий мероси, азалий урф-одат ва қадриятларига эътиборсиз бўлган давлат таназзулга юз тутиши мукарарларигини курсатиш билан биргаликда, маънавиятта таъниб, уни асраб, бойитиб авлодларга етказган жамиятини ҳар томонлама тараққий эта олини таъкидланган.

Асарда бугунги мураккаб ва зиддиятли даврда жуда катта молиявий ресурсларга ва имкониятларга эга бўлган, турли никоблар ва юялар пардаси ортида, ўзининг гаралли мақсадларини амалга оширишини ўйлаб юрган кучларнинг асл ниятлари очиб берилган. Бундай хуружларнинг пировард оқибати эса одамни юрти ва ҳалқидан тониш, ватанларварлик туйғуларидан маҳрум этиш, ҳамма нарсага лоқайд шахсга айлантиришдан иборатлиги курсатилган.

Айни пайтда асарда бундай хатолардан сақланиш, маънавиятимизни асраш учун ҳар қайси инсон ўзлигини англапи, тарихимиз, маданиятимиз, улуг аждодларимиз меросини ўлаштириши, ҳаёт воқеалитига оғли караб, мустақил фикрларни ва барча ўзгаришларга дажлдорлик

туйгуси билан яшашы зарурлуги таъкидланган.

Китобнинг “Маънавият – инсоннинг улгайиш ва куч-қудрат манбаидир” деб номланган биринчи бобида маънавиятни англаш, унинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳётидаги ўрни ва ёҳамияти, назарий ва амалий томонлари таҳлил этиб берилган.

Маънавиятнинг одам, жамият, миллат ва халқ ҳётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутиши кўрсатиб берилган. Шунингдек, маънавиятнинг алоҳида хусусиятлари, уни шакллантирадиган асосий мезонлар, унга таъсир ўtkазадиган омиллар, тарихомиздаги беназир сиймаларнинг мавжудлиги ўзига хос бир феномен – ўта нообходиса эканлиги ифодаланган.

Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳётидаги можияти ва аҳамияти, уларнинг тараққиётida мoddий ва маънавий асослар қандай ўрин тутиши, бу икки муҳим омил ўзаро уйгунлашган тақдирдагина инсон, давлат ва жамият ҳётида ўсиш, ўзариш, юксалиш жараёнлари содир бўлиши исботлаб берилган.

Китобнинг “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш” деб номланган иккинчи бобида истикъол йилларидаги тараққиёт, жамият ҳётини эркинлаштириш ва янгилаш, модернизация жараённида маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатилган. Барқарор тараққиёт ва фаровон ҳётта эришиш, барча орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови тинчлик ва осойишталик эканлиги, Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқлиги таъкидланган.

Шу билан бирга мамлакатимизда маънавият ва жамият ҳётидаги янгилиниш, ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезонлари, эркин бозор муносабатларига асосланган ҳукукий давлат, демократик жамият барпо этиши жараёнлари, ислоҳотларнинг маъно-можияти аниқ, равshan тушунтириб берилган.

“Маънавиятта таҳдид – ўзалигимизга ва келажагимизга таҳдид” деб номланган бобда бугунги глобаллашув жараёнлари, маънавий таҳдидлар орқали миллий қадрияларимизга ёт юя ва қарашлар кириб келаётгани, улар эртага қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мукинлиги баён этилган.

Шунингдек, глобаллашув феномени, унинг мазмун-можияти, ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этиш

билин бирга, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан иккى жил мақсадда: зазулил ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Зоро, башарият тарихи ҳамиша эзгу юя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли юялар ўргасидаги курашдан иборат бўлиб келган, бу кураш бугун ҳам давом этмоқда. Кучайло бораётган бундай хатарга қарши доимо сергакт, оғож ва хушёр бўлиш, чукур ўйланган, илмий ташкил этилган узлуксиз маънавий тарбия билан фикрга қарши фикр, юяга қарши юя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги белгилаб берилган.

Асардаги “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” номли бобда инсон ва жамият ҳётидаги бекиёс қудрат манбай юксак маънавият – енгиллас куч эканлиги таъкидланган.

Инсон қалбига йўл очадиган омиллар: таълим-тарбия, маҳалла, оила, адабиёт, маданият, матбуот, телевидение, театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат соҳаларининг мағкуравий тазилиқдан холос этилгани, эркин ижод учун зарур шароитлар яратилгани ҳақида сўз юритилган.

Муаллиф шу заминда яшаёттан барча инсонлар Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, асори-атиқаларни ҳалқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, унинг юксак маънавиятгига кўйилган муаззам ҳайкаллар деб қабул қилишларини эътироф этади. Айни пайтда барча ўлмас обидалар, улуғ қашфиёт ва ихтиrolар, мумтоз адабиёт, санъат дурданалари, қаҳрамонлик намуналари одамзоданинг маънавий жасорати маҳсулидир, деб таъкидлайди.

Асарнинг хотима қисмида маънавий юксалишга эришиш – бу бир йиллик ёки беш-үн йиллик иш эмаслиги, ҳалқ ўз маънавиятгини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб бориши ҳақида сўз юритилган.

Бугунги кунда аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ициларимизнинг амалий натижалари эвазига дунё ҳамжамиятида ўзимизга муносаб ўринга эга бўлганимиз миллатимиз қалбидаги ишончни янада мутаҳкамлаётгани эътироф этилган.

Шу билан бирга асар хотимасида “... Маънавият қотиб қолган ақидалар йигиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳёт

олдига күйиладиган талабиар ҳам муттасип пайдо бўлаве-  
ради", деб тарькидланган.

Асарда мазкур сожала амалга оширилини дозим бўлган  
кўйидаги вазифалар ҳам белгилаб берилган:

- маънавият билди боллиқ жараёнларнинг илмий-назар-  
ий асосларини мухаммал очиб бериш;

- бу жараёсларни ўкувчилар, педагогик жамоалар ва  
ахолининг барча қатламдарига тушунтириш;

- бутуни мағфуралавий жараёнларни илмий-амалий жи-  
ҳатдан таҳдид этиш;

- миллӣ манбаётларини кече, ҳайт тарзимизга зид бўл-  
ган зарарли ҳоялар ва мағфуралавий хуружларнинг моҳи-  
ятини очиб бериш;

- фуқароларимиз қалбида миллӣ тафаккур ва соглом  
дунёкараш асосларини мустаҳкамлаш;

- мағфуралавий таҳдидларнинг кимга ва нимага қарши  
қаратилганини аниқлани ва уларнинг ахоли турли қатламла-  
рига тъсирини ўргаклиш;

- энг мужими, маънавий бойликни, маънавиятни  
юксалтиришга долимой интилиш.

---

\* И.А.Каримов "Юқсан маънавият-енгизилмас куч"-Т.: "Маънавият",  
2008, 171-бет.

Умумий таълим мактаблари, иктисаодалик мактаб-интернатларида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовининг  
“Юксак маънавият – сенгилмас куч” асарини ўрганиш бўйича  
факультатив курс

### ЎҚУВ ДАСТУРИ

9-11- синфлар учун ўқув режаси

	Бўлимлар ва мавзулар	Ажратилган соат	
		Назарий	Амалий
1	Маънавият - инсоннинг улгайиш ва куч-кудрат манбаидир.		
	Маънавиятни англаш. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар.	1	
2	Маънавий ва моддий хаёт уйғулиги.	1	
	Мустақиллик –маънавий тикланиш ва юксалиш.		
3	Миллий фоя ва маънавий ҳаёт. Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши.	1	
4	Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони.	1	
	Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид		
5	Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар.	1	
6	Фикрға қарши фикр, фояга қарши фоя Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори	1	
7	Инсон қалбига йўл	1	
8	Энг буюк жасорат	1	
9-10	Ўтилган мавзулар юзасидан давра сұхбатлари ва амалий машгулотлар	2	
	- музейларга, галереяларга, хотира майдонларига, тарихий обидаларга, зиёраттоҳларга саёҳат;		
	- олимлар, шоирлар, ёзувчилар, меҳнат фахрийлари, сиёsat арбоблари билан учрашувлар;		
	- маънавият йўналишидаги слайдлар, фильмлар, фотосуратларни томоша ва муҳокама килиш;		
	- миллий ва маҳаллий урф-одат намуналари билан танишиш, уларда иштирок этиш;		

**Мавзу: Маънавият – инсоннинг улгайиш ва  
куч-кудрат манбаидир**

**Маънавиятии англаш  
(2 соат)**

**1-дарс: Маънавият – бекиёс куч**

**Маънавиятии шакллантирадиган асосий мезонлар  
(1 соат)**

Истиқлюл ва маънавий янгилиниш зарурати. Тарихий хотириасиз келажак йўқ. Халқимизнинг бетакор турмуш ва тафаккур тарзи. Олижаноб фазилатлар, комиллик белгилари. Ислом дини – халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятигининг таркибий қисми. Инсоният тарихи. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-кудрат манбаи. Оила тарбияси – маънавий камолот пойдевори. Маҳалла – маънавият ва тарбия ўчоги. Таълим-тарбия бирлиги – шарқона ҳаёт фалсафаси.

**2-дарс: Маънавий ва моддий ҳаёт уйгунилиги  
(1 соат)**

Моддий ва маънавий олам – инсоннинг қўш қаноти. Рухий ва моддий олам. Халқимизнинг асрий орзулари. Иқтисодий тараққиёт ва маънавий юксалиши жараёнлари-нинг уйғун ривожланиши. Мустақиллик нафақат иқтисодий, балки маънавий имкониятлар манбаи. Ҳалоллик, поклик, мардлик, саховат, камтарлик, инсоф-диёнат фазилатлари. Лоқайдлик, бепарволик, манфаатпарастлик, хиёнат ва сотқинлик ишлатлари. Бир-бирини инкор қиласидиган икки жил ҳаётий қарааш, миллый ўзлик. Виждан поклиги ва бедорлиги, инсонни англаш ва тушуниши.

**Мавзу: Мустақиллик – маънавий тикланиши ва юксалиши  
(2 соат)**

**3-дарс: Миллый гоя ва маънавий ҳаёт.**

**Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши.  
(1 соат)**

Миллый гоянинг узвий-таркибий қисмларини ташкил қиласидиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик. Миллый гоянинг теран мазмуни. Маънавий тикланиши ва янгилиниш

эжтиёжи. Тил - маънавият кўзгуси. Ватанга мұхаббат - мұқаддас туйгу. Она тили - мильтат рұхи. "Даылат тилем ҳакида"ги қонун.

#### **4-дарс: Ислоҳотлар ва уларниң маънавий мезони.** (1 соат)

Инсон манфаатлари - устувор пировард мақсад. Ислоҳотлар - көнт қарновли янгиланиш ва ўзгаришилар асоси. Ислоҳотлар инсон ва унинг фаровонлигига қаратилған сиёсат. Демократия, аввало, маънавий мезонлар асосида бошқари-ладиган, кучли, хукуқий давлат, кучли фуқаролик жамияті демакдир. Мустақилликнинг босқичма-босқич ривожланиш йўлидаги афзаллиги. Ижтимоий соҳага давлатнинг асосий эътибори.

#### **Мавзуу: Маънавиятта таҳдид - ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид** (2 соат)

#### **5-дарс: Глобаллашув жараёнлари, мағкуравий таҳдидлар.** (1 соат)

Глобаллашув феномени ва мағкура полигонлари. Ўзбекистон маърифий дунё билан ҳамкорлик, тинчлик ва эркин, фаровон ҳаёт тарафдори. "Оммавий маданият" тушниси, "Оммавий маданият" - замон воқелиги, "Оммавий маданият" таҳдиidi. Ахлоқсизлик - маданият эмас. Орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифрат - юксак ахлоқий туйгулар. Отоҳлик ва хүшёрлик - маънавиятнинг курдатли кучи. Инсон маънавиятининг юқсалыши унинг иродасини мустаҳкамлайди.

#### **6- дарс: Бугунги кунда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя** (1 соат).

Бугунги кунда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатта қарши маърифат билан курашишнинг ҳар қачонгидан кўра мухим аҳамият касб этиши. Мағкуравий иммунитет, мустаҳкам ирова ва соғлом дунёқараш. Аҳиллик, ҳавас ва хайриҳолик фазилатлари. Ирова - мустаҳкам ишонч Соғлом дунёқарашнинг аҳамияти, инсон ҳамда фуқароларнинг жамият тараққиёти ва унни

янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва маъсулиятини айнан ана шу асосида аниклаб олиш зарур.

**Мавзу: Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори (2 соат).**

**7- дарс: Инсон қалбига йўл (1 соат).**

Мактаб – улуғ даргоҳ, устоз – буюк зот. Маънавиятни кудратли кучга айлантириш вазифаси. Инсон қалбига йўл, аввало таълим-тарбиядан бошланади. Дунё иморатлари ичida энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичida энг шарафлиси ўқитувчиллик ва мураббийликдир. Оммавий ахборот воситалари маънавий-маърифий Ҳинебар. Адабиёт – сўз санъати, ҳалқ қалбининг ифодачиси. Санъат – кучли тарбия воситаси ва руҳий камолот манбаи. Тасвирий ва монументал санъат асарлари – маънавий янгиланиш тимсоллари.

**8-дарс: Энг буюк жасорат (1 соат).  
Маънавий жасорат – энг буюк жасорат.**

Фидоийлик – буюк қалб ва метин ирода далили. Маънавият – узлуксиз жараён. Фидоий инсонлар – ҳалқ фахри ва гурури, маънавий жасорат ҳисси билан яшаш. Мустақиллик ҳалқимизнинг энг буюк маънавий жасорати, маънавий юксалишнинг давомли йўли. Маънавий юксалиш сари доимий интилиш. Ҳалқ – улуғ ва шарафли йўлдаги карвон. Ҳалқимизнинг умрбокий фазилатларига ишонч.

**Ўтилган мавзулар юзасидан давра сухбати  
ва амалий машгулотлар (2 соат).**

Ҳалқ – бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Ҳалқнинг қалбида не-не авлодларга мерос енгилмас куч – маънавият.

## И. А. Каримонинг “Юксак маъманит – сийаллас куч” асари юзасидан ўтказиладиги дарслар учун маърузалар.

### 1. МУҚАДДИМА

Биз бугун – халқимиз демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улсан натижаларга эришаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Бизнинг озод, эркин ва фаровон ҳаёт берло этиш йўлида эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамоҳамият тан олмоқда. Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биаздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этар эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи бекиёс аҳамиятта эга.

Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгиорликини, қатъият ва маъсулиятимизни йўқотсан маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, ўзимиз интилган тараққиёт йўлидан четта чиқиб қолишсимиз мумкин.

Кўп асрлик тарихимиз давомида бундай хатарларни кўп кўриб, жабрини тортганмиз. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз хавф остида қолганлигини унутмаслигимиз зарур. Чунки, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугланган миллатнинг келажаги йўқ.

Собиқ мустабид тузум милллий маънавиятни ривожлантиришга йўл қўймаган, халқимиз табиатига ёт мағкурани зўравонлик билан жорий этишга харакат қылган.

Халқимизнинг табиатига хос бўлган юксак маънавияти неча асрлар давомида бизни не-не бало-қазолардан, тўфон, бўронлардан асраб келмоқда.

Ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшаган.

Ҳеч қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожига аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади.

Масалан, Шарқ оламида, Ўрта Осиё шароитига жамоа бўлиб яшаш туйғуси юят мухим аҳамиятта эга. Бу худудда аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари бўйида яшаб келган, атрофи чўл-саҳролар билан ўралган минтақа шароити ана шу миллат ва эзлатларнинг бир-бирига мослашиб, яқин елқадош бўлиб яшашини тақозо этган.

Ота-боболаримиз ичча асрлар мобайнида шу бешеён мисстакада қандай ҳамсақиат бўлиб яшаб келган бўлса, бутун ҳам тарихий шароитнинг ўзи Ўрга Осиё халқтарини айлан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик рухида ҳаёт кечтиришига даъват этмоқда.

Гарб оламида эса одамларнинг ҳаёт тарзидаги жамоатийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устун туради.

Мана шундай тарихий ҳақиқатни англамайдиган ва англапни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи, арбоблар нафақат сиёсат ва иқтисод, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишига уринмоқда.

Бундай кучларнинг гаразли мақсади аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилган. Улар халқимизни қадимий бебаҳо бойликтан жудо қилиш учун зўр бериб уринмоқдалар.

Негаки, дунёдаги зўравон кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қўймоқчи бўлса, аввало, уни куролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги - маънавиятидан жудо қилишга уринади.

Бу дунёда табиатда ҳам, жамоатда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қайдадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қиласди.

Хозирги кунда ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уриниб, ўзининг қаралми мақсадларини амалга оширишни ўйлаганлар кўп.

Шу ўринда Президентимизнинг таъбири билан айтганда: “Хозирги кунда ғоявий музоилифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар ахолимишга, айниқса ёшлиаримизга нисбатан ахборот хурумлари уюштиришга, “оммавий маданият” шаклидаги пухта никобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказинга уринмоқда.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакси, “ахборот асли” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамоатига ўзини тёмир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, ахвол шундай экан, деб қўйл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак”<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> И.А.Каримов. “Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини ажес этириш”. – Т., 2009, 13- бет.

Шунинг учун ҳам бу Шарқ ёки Гарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъяси бўладими, маънавиятига қарши таҳдид пайдо бўлса, ҳар бир ҳалқ ташвишга тушиши табиий. Мухим ижтимоий-сиёсий аҳамиятта эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда дунёning барча мамлакат ва ҳалқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мәқсадга мувофиқдир.

Маънавий таҳдид – аввало тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маъниода эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан ружий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, юявий ва информацион хуружлардир.

Бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришни, улардан бизни бутунлай узиб ташлашни кўзлайди.

Агар биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида кураш масак, турли заарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб киради. Ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетиши оқибатида улар фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худдисанд кимсаларга айланниб қолиши мумкин.

Хозирги кунда маънавиятимизни асрани учун ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, аждодлар меросини ўзлаштириши, мустақил фикрлаши, дахлдорлик туйгуси билан яшани зарур.

## 2. МАЪНАВИЯТНИ АНГЛАШ

Маънавият тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки oddiy тилда ифодаланган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Бу масала бўйича бир-биридан фарқ қиласидиган фикр-мулоҳазаларни учратганда уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёкараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринли.

Маънавият тушунчасининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида четараланиб қолмайди. Бу тушунча ҳар қайси одам, миллат ва ҳалқ ҳаётидаги алоҳида ўрин тутади.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш қалбани улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги юявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоҳий қараш-

ларни ўазида тұла мужассам этады.

Маънавиятнинг негизи ва маъно - мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар:

1. Инсоннинг рухан покланиши ва қалбан улгайиши;
2. Одамнинг ички дүнёси ва иродасини бакувват, иймон-этиқодини бутун килиши.

Одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон:

Оллюжнинг ўзи бизга буюргандек комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби фазилатларни англаш, уларга эга бўлиш ва амал килиб яшаш.

### 3. МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНГИРАДИГАН АСОСИЙ МЕЗОНЛАР

Халқ ёки миллатнинг маънавиятини, унинг тарихи, урф-одатлари ва анъамалари, ҳаёттй қадриятларидан айри ҳолда тассаввур этиб бўлмайди. Бу борада энг муҳим омиллар маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарисий ёдгорликлар ҳисобланади.

Бу кўхна тупроқда милодгача ва ундан кейин курилган мураккаб сув иштоотлари, ҳали-хануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори-атиқаларимиз ўлкамизда қадимдан дехончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксаклигидан далолат беради. Мамлакатдаги тўрт мингдан айёд моддий-маънавий обида умумжоҳон мероси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Аждодлар даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки исходи намуналари, минг-минглаб кўлёзмалар, қимматбахо асарлар буюк маънавий меросимиздир.

Бундан қаридуб уч минг йил аввал Хоразм воҳасида яратилган «Авесто» олис ота-боболаримизнинг акл-заковати, қалб кўри намунасидир. «Авесто» бу кўхна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик беради. Унинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «эзгу фикр, эзгу сўя, эзгу амал» тамойили бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан ҳам узвий борлиқ.

Халқ оғзаки исходининг ноёб дурдонаси «Алпомиши» дostonи миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган қаҳрамонлик кўшигидир. Алпомишининг 7 ёшда биринчдан ясалган 14 ботмонлик ёйдан ўқ отиб алғи номига эга

бўлишида кўп асрлик миллӣ давлатчиликимизнинг бадиий ифодаси бор. Ота-боболаримиз ўқ-ёйни ҳокимият нишони деб ҳисоблаганлар. Алп дегани ҳокимият эгаси эканлигини билдирган.

Наврӯз<sup>8</sup> байрами ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз саховати кўп минг йиллик миллӣ киёфамиз, олижаноб урф - одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда. Наврӯз фалсафаси аждодларимиз маънавий камолининг яна бир тасдиғидир.

Муқаддас динимиз маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ мезонлардан бири. Дин азалдан инсон маънавиятининг тарқибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган роя ва қарашларнинг олий бир тизимицир.

Буюк мутафаккир ва алломаларимиз ислом маданиятини ривожлантиришга бетакрор ҳисса кўшиб келишган.

Имом Бухорий мусулмон оламида “муҳадислар султони” дея улсан шуҳрат қозонган, унинг энг ишончли ҳадислар тўплами “Ал-жомъе-ас-сахих”<sup>9</sup> иштоби ислом динида Куръони каримдан кейинги иккичи маңба ҳисобланади.

Абу Ило Муҳаммад иби Ило Термизийнинг маънавий мероси “Суннани Термизий”<sup>10</sup> асари ҳам мусулмон оламида юксак қадрланади.

Имом Мотуридий ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга муяссар бўлган. У асос солган мотуридия мактаби роялари ислом динимиз асосини тўрилил, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарашлари билан ҳамоҳанг эди.

Ислом ҳукуқшунослигининг улкан намояндаси Бурхониддин Маргиноний Шарқ оламида “Дин ва миллатнинг ҳужжати” узвонига сазовор бўлган. Унинг 57 китобдан

<sup>8</sup> В.Т.Ражапов. “XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда маданият соҳасидаги ўзгаришлар ва музаммалар” т.ф.м., дисс -Н.: 2006, 57- бет.

<sup>9</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгизмас куч”-Т.: “Маънавият”, 2008, 38- бет.

<sup>10</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енеизмас куч”-Т.: “Маънавият”, 2008, 39- бет.

иборат “Хидоя – тўғри йўл” номли асари саккиз асрдан бўён энг мукаммал ҳуқуқий маңба бўлиб келмоқда.

Баҳовуддин Нақшбандга ота-боболар чин дилдан ихлос қўйиб, уни “Баҳовуддин балогардон” деб таърифлашган. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деган ҳикматида динимизнинг олижаноб маъно-моҳияти ифодаланган.

Муҳаммад Мусо Хоразмий ўнлик саноқ системасини, алгоритм, алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фанг яхорий этди.

Аҳмад Фарғоний Европада Аль-Фраганус номи билан машҳур бўлган XVI асардан бери Ойдаги кратерлардан бири ана шу машҳур аллома юрдошимиз номи билан аталиб келинмоқда.

Абу Райхон Беруний фаолиятига баҳр берар экан, Америка фан тарихчиси Сартон XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди.

Абу али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлардан бери Европанинг энг нуфузли олий даргоҳларида асосий тиббиёт дарслиги сифатида (Туркия Жумхуриятининг Анқара шаҳрида Ибн Сино тиббиёт маркази ҳозирги кунда ҳам фаолият юритиб келмоқда) ўқитиб келинмоқда.

Махмуд-аз-Замаҳшарий жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига сафар қылган, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиқкан.

Соҳибқирон Амир Темур буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ҳам амалий, ҳам назарий мерос юлдириди. Темур тузуклари бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятта эга.

Мирзо Улугбек 40 йил Мовароуннаҳри бошқарди, бу даврда тинчлик, тотувлик, илм-фан, маданият ривожига катта ҳисса кўшиди, унинг «Зижи Кўрагоний» жадвалида минглаб юлдузлар ҳакида илмий маълумотлар берилди. Бу маълумотларнинг тўғрилигини бугунги замонавий асбоблар ҳам тасдиқламоқда.

Алишер Навоий ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланисига тоғтаришни кечирсанда таъсир кўрсатди. Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккурида, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврии ташкил этадиган буюк шахс, миславатимизнинг турори, шаъну шарафи.

Бирон бир халқимизнинг маънавиятига хос қадриятларининг бошқа халқлар томонидан таъсириниши ана шу халқ тарихига нисбатан чукур хурмат ифодасидир. Хорижий элларда буюк аждодларимизнинг сўннисига даҳосига кўрсатилаётган

хурмат - эҳтиром, турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир эълон қилинаётган илмий ва бадиий асарлар, улар хотирасига барпо этилаётган ёдгорликлар мисолида ҳам ўз ифодасини топмокда.

Шулар қаторида Бельгияда Иби Синога, Латвияда Мирзо Улугбекка, Москва, Токио, Боку шаҳарларида Алишер Навоийга, Миср пойтахти Коҳира шаҳрида Аҳмад Фарғоний хотирасига қўйилган муҳташам ҳайкалларни эслаш жоиз. Тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму фан, юксак маънавиятта интилиш ҳеч қачон тұхтамаган.

Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат тоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Ибрат, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарварларнинг эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.

Ана шу ажоддларимиз илмий - изходий мероси диёримизда Кори Ниёай, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Обид Содиков, Собир Юнусов, Яхе Фуломов, Бўрибой Аҳмедов, Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаждор, Зўлфия, Саид Аҳмад, Озод Шарофиддинов, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Олим Ҳужаев, Разоқ Ҳамроев сингари номлари дунёга машкур илм, фан, адабиёт, маданият, санъат арбобларининг еттишиб чиқишига замин бўлиб хизмат қилди.

Тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги ўзига жос бир феномен - яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, айни пайтда, эртаниги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, ҳалқимизга куч-куват ва мадад бериши муқаррар.

Оиланинг ўрни ва таъсири ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантиришида ва юксалтиришида бекиёсdir. Чунки, инсоннинг энг соғ ва покиза туйгулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оила бағрида шаклланади. Маънавий мезон ва қараашлар-яхшилик, эзгулик, олижаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади.

Оиладаги мухит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлийди. “Күш уясида қўрганини қиллади”, дёган мақол мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради. Бу ёруг дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб атальмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан

жайди. Мухтасар қылым бўлиб айтганда, ҳаммамизга аёи бўлиши табиийки, оила соғлом экан, жамият мустаҳкам. Жамият мустаҳкам экан, мамлакат баркарордир.

Мажаллалар азалдан чинакам миллий қадриялар маснами бўлиб келди. Ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тутувлик, эътиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирлар бошни силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни бамаслаҳат утказиш, яхши - ёмон кунларда бирга бўлини ҳаби ҳалқимизга хос урф-одатлар, ачъеналар мазалла<sup>11</sup> мудитида шаклланган.

Давлатимиз тарихида мажалла тушунчалик Конституциямига киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва маҳоми белгилаб қўйилди. Айни пайтда у «Кучли давлатдан кучли жамият сари» дегани тамойилланинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни мустаҳкамлаш ёки авлодимизниң онги-тағасиурини замонавий асосда шакллантириш борасида мухим ахамият касб этмоқда.

Таълим-тарбия тирами маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир киладиган яна бир мухим ҳаётний омил бўлиб ҳисобланади. Илму маърифат, таълим-тарбия инсон ҳамроҳи ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови бўлган. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонуниимида белгилаб кўйилган. Шу билан бирга бу кенг жамоатчилик, бутун ҳал-қумининг иштироки ва қўллаб - кувватлашини талаб киладиган умуммиллий масаладир.

Таълим-тарбия соҳасида кейинги йилларда амалга оширилган улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу-ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ҳалиқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди.

<sup>11</sup> Ш. Жалилов. "Кучли давлатдан-кучли жамият сари"-Т.: "Ўзбекистон", 2001, 123-156- бетлар.

## **4. МАЬНАВИЙ ВА МОДДИЙ ҲАЁТ УЙГУНЛИГИ.**

Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда одам ҳаёти ва фаолиятидаги моддий ва маънавий асослар бир-бираға нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, зиддиятли қарашлар мавжуд бўлганлиги ва бундай тортищувлар ҳозиргача давом этаёттанилигига эътиборни қаратиш лозим.

Ана шундай тушунча, тасаввурлар асосида материализм ва идеализм каби таълимотлар майдонга чиқди. Таракқиётнинг турли даврларида бундай баҳслар соғ назарий доирадан чиқиб, маълум бир тузум ёки давлатнинг расмий мағкураси мақомини олди.

Биз яшаётган ҳаёт ягона яхлит бир воқеликдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарши кўйиш, улардан бирини устун кўйиб, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш бир ёқлама қараш ифодаси, деб айтсак хато бўлмайди.

Одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккинчи ўринга кўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётини инқирозга олиб келиши муқаррар әканлиги тарихда кўп марта исботланган.

Шунинг учун ҳам инсонга хос орзу-ингилишларни рӯёбга чиқариш учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламини бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслаш мумкин. Қачонки, ана шу мужим икки омил умумлашса, қуш қанотига айланса, шундагина инсон жамият, давлат ҳаётида юксалиш жараёни бўлади.

## **5. МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАЬНАВИЙ ҲАЁТ.**

Миллий давлат қуришга азму қарор қилган халқ эски ижтимоий тузумдан янги тузумга ўтища ягона мақсад – миллий ғояни таянч ва суюнч деб билади.

Миллий ғоя – аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзоолаб келинаётган, шу юртда яшаёттан ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжига ва ҳаёт талабига айланаб кетсан, миллатнинг энг эзгу орзу-ингилишлари ва умид-мақсадларидир.

Истиқлюнинг илк кунларидан бошлиб биз миллий ғоямизнинг энг асосий тамойилларини белгилаб олдик. Миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг оликаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам

этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий гоямизнинг узвий таркибий қисмларини тацкил қиласидан комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларни маънавий-маърифий ишларнинг марказига кўйиш, уларни янги босқичта кўтариш ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқарааш эгалари этиб тарбиялашдан иборат.

- |                     |                            |
|---------------------|----------------------------|
| 1. Юрт тинчлиги     | 5. Ижтимоий ҳамкорлик      |
| 2. Ватан равнақи    | 6. Миллатлараро тотувлик.  |
| 3. Халқ фаровонлиги | 7. Динлараро бағрикенглик. |
| 4. Комил инсон      |                            |

## 6. МАЪНАВИЯТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

Янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш жараёни юртимизда ўта мураккаб шароитда - мустабид ўро тизими барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди.

Мана шундай қалтис даврда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида 1990 йил 24 марта куни Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида СССР худудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб, президентлик бошқаруви жорий этилди.

Ўша сессия мажлисига айнан маънавият масаласига алоҳида тўхталиб, миллий қадрияtlар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтиргани таъкидланди.

Бу борадаги асосий ишларимиз биринчи наебатда миллий маданиятимиз, халқнинг маънавий бойлиги илдизларига эътибор бериш, эътиқод эркинлигини таъмилаш, маърифат ва маданиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий тарбиясига жавобгарлик ҳисси билан ёндошиш, маънавий бурчимизни оқлаш зарурлиги айтилган эди.

Бу сўалар ҳали истиқлолимиадан бир йилу тўрт ой олдин, Олий Кенгаш минбаридан, айнан она тилимизда айтилган, миллатимиз, халқимизнинг келажаги, унинг маънавий ҳаётини бойитиш масаласи ана ўша даврдаёқ белгилаб берилган эди.

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси,

авлодлар ўргасидаги рухий-маънавий боялислик тил орқали намоён бўлади. 1989 йилнинг 19 октябрь куни бир яром асрлик қарамликтан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди.

1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Узбекистон конституциясида давлат тилининг маъкоми ҳукукӣ жижатдан аниқ белгилаб мустаҳкамлаб кўйилди.

1993 йил 2 октябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўрисида»ги Конун қабул қилинди. Ҳозирги кунда бу имло ҳётимизнинг ажралмае ҳиссига айланыб бормокда.

Инсон ўалигини англагани, насл-насабини чукурроқ билгани сари Ватанга мухаббат туйгуси ултая боради. Дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда онъ юртимиз, Узбекистонимиз яксаю ягона. Мана шу улуу туйгу ҳёт мазмунига айланиси керак. Ватан туйгусини яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, ҳоразмий, фароналик, сурхондарёлик ўргасида ҳеч қандай миллатий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди.

Бугунги кунда ёшлиаримиз ўзбекча ном ва шиорларни, лавҳаларни куриб, уларни одатий ҳол деб тасаввур қиласиди. Ваҳделанки, яхши тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишда эди. Жой номлари юртимиз тарихи, ҳёти, маданиятига алоқадор бўлмаган исмлар билан аталар эди. Совет мағкураси одамаотни тарихий хотира, Ватан туйгусидан жудо қилишга қаретилтади.

Аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар, кишлоқлар номларини танлангга катта эътибор беришган. Масалан: Тошкентнинг 12 дарвозасига кўйилган Самарқанд, Бешёюч, Кўкча, Чиннатой, Сағон, Лабаак, Тахтапул, Корасарой, Камолон, Кўймас, Кўлон, Каашар деган номлар ўзининг аниқ тарихий-географик маъноси билан ажралиб туради.

Бугун биз демократик дунёвий давлат барпо этмоқдамиз. Бу давлат аввало дунёвий тараққиётта, унинг илор ютуқ ва натижаларига таянади.

Айни пайтда, дунёвийлик бу даҳрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод рад этиладиган ҳёт қандай гайри инсоний кўринишга эга эканлигини биз кечаги тарихимиз мисолидан яхши биламиз. Шу билан бирга жаҳонда ўз ўринини топишга интиладиган ҳар қандай миллат ва халқ умушибашарий тараққиёт ютуқларини жар томонлама чукур ва пухта эгаллаши шарт.

Агар ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чукур ўзлаштирумасак, факат тарихимиз,

олис аждодларимизнинг қашфиётлари билан мағтаниб, уларга маҳлиё бўлиб, замон билан ҳамқадам юрмасак, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади. Бу масалага ёндашувда ҳадиси шарифда айтилган «Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унумтанд» деган сўзларни эсдан чиқармаслитимиз зарур.

Миллий урф-одатларимиз халқимиз маънавиятини юксалтиришда тобора муҳим аҳамият кассб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланаб кетган ҳашар одати истиқбол даврида умуммиллий одат тусини олди. Наврӯз ва мустақиллик байрамлари арафасида ўtkазиладиган умумхалқ ҳашарлари бунинг тасдиғидир.

Тарихий хотира туйгуси халқ босиб ўтган йўл, унинг муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари холис ва ҳаққоний ўрганилганда чинакам тарих бўлади. 1937-53 йиллардаги мудҳиш қатагонлар даврида Узбекистон бўйича 100 минг киши қатагонга учраб, уларнинг 15 минг нафари отиб ташланди.

Бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абади ўлаштириш учун 2000 йили Юнусобод туманида халқимизнинг минглаб фарзандлари қатл этилиб, кўмиб тацланган Бўёсув соҳилидаги Алвости кўпприк деб ном олган жарлик ўрнида шахидлар хотираси ҳиёбони, шуномда музей ва жамгарма ташкил қилинди.

2001 йилдан 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш куни, 9 май Хотира ва қадрлани куни сифатида нишонлана бошланди.

Жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узоқ ва уалуксиз давом этадиган жараён. Айни вактда, биз жамият тафаккурини янгилашнинг инқулобий усуllibарига, бу жараённи сунъий равишда четдан туриб зўравонлик йўли билан тезлаштиришга қаратилган уринишинга қаршимиз.

Биз барча соҳаларда, жумладан, маънавий соҳада ҳам тарихий-эволюцион ислоҳотлар тарафдоримиз ва бунга катъий амал қиласиз.

## 7. ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕЗОНИ.

Биз ўз мустақилларимизни кўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг, янги, эркин бозор муносабатларига асосланган хукуқий давлат, демократик жамият барпо этишга киришдик.

Бу борада халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва

қадриятларимизни, ахолиминг руҳи ва кайфиятгини хисобга олган ҳолда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олингани тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Унинг асосий тамойиллари: иктиносидининг сиёсатдан ҳоли эканлиги, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларнинг тадрижий, босқичча-босқич амалга ошириш тушунчалари барномаига яхши аёй.

Бизнинг ислохотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо ҳал қўлувчи омил бўлиб келди. Муреккаб ўтиш даврида ҳалқимизнинг бугунги ва эртаги ҳаёти, унинг маънавий оламига зарар етишига, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан, ахолиминг бир қисми ўта бойиб, ақарияти ўта қашноқликка юз тутишига йўл қўймаслик доим диккат марказида турди. Ислохотлар давомида моддий фаровонликка, айни пайтда, маънавий юксалишга ҳам эришишини асосий мезон деб билганимиз учун жамият ҳаётида мувозанат ва барқарорлик таъминланди.

## 8. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЕНИЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Бу давр турлича таърифланиб, ҳар ким номлар билан аталмоқда. Кимdir уни юксак технологиялар даври деса, кимdir тағаррӯж асри, яна бирор ахборотлашув даври сифатида изоҳланмоқда.

Аммо кўпчилликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тарикасида таассурот ўйнотмоқда. Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай воея юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топлади. Глобаллашув феномени ҳақида гапиргандা, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий ҳаётий тушунча сифатида жуда кепт мавзуси англатилини таъкидлаш лозим.

Глобаллашув жараенининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мағкуравий таъсир ўтказилининг видоитда ўткир куролига айланниб, бугунги замонда мағкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучта эга бўлмоқда.

Мана шундай вазиятда одам ўзи мустақил фикрлашга, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соглом негизади шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса ҳар турли маънавий таҳдидларни бардош бериши амри-маҳол.

Тобора кучайиб бораётган бундай хатарнага доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшанимиз

Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур уйланган, илмий асосда ташкил этилган ғузлуксиз ва мунтазам олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.

## 9. ФИКРГА ҚАРШИ ФИКР, ФОЯГА ҚАРШИ ФОЯ

Хозирги вактда дунёнинг геополитик, иқтисодий, ижтиомий, ахборот-коммуникация манзарасидаги чукур ўзгаришлар рўй берадиган, турли мағкуралар тортишуви кескин тус олаёттан бир вактда Президентимизнинг “Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодимизни турли тажовузлардан асрарда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бугунгий кунда ҳар қачонгидан ҳам чукур мазмун ва аҳамият касб этмоқда”<sup>12</sup> деган фикрларида маъно кўп. Маълумки, касалликнинг олдини олини учун организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни Ватанга муҳаббат, бой тарижимизга, муқаддас динимизга садоқат руҳида тарбиялаш учун аввало уларнинг қалби ва онгиди иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлок, одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Еши авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳакида гапирганда, эски замонлардан қолиб келаётган номаъкул одатлар: ҳудбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уругчilik, ва мажаллийчilik, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятни ҳалос қилиш ҳакида очик сўз юритишимиш зарур.

Шундай салбий иллатларнинг энг хунук кўринишни ҳасад. Ҳасад туйуси аввало бошқаларни кўра олмаслик, уларнинг ютуғидан кувониш ўрнига қандайдир кўйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади. Муборак ҳадисларда: «Бирорга ҳасад қилишдан сакланинг, чунки олов ўти қандай кўйидирса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларигигаини шундай кўйидириб тутатади», деб айтганинг бекизз бемас.

<sup>12</sup> И.А.Каримов “Энг асосий мезон - ҳайт ғафиқатини асс этти-риш”. - Т.: 2009, 11-бет.

Маънавий ҳаётимиизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат бу сотқинликдир. Эзгулик ва ҳақиқатта садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўркинчлидир. Иккита одам, иккита мамлакат ўртасидаги урушини ҳам шундай одамлар бошлиб беради.

Агар биз аҳил бўлсак, эл юрт манфаати йўлида бир тан, бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзек халқини ҳеч ким, ҳеч қаҷон енга олмайди.

Инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради. Ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бакувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ўз зиммасига олишдан кўркмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга таяниш мумкин.

Лекин бирорининг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўрқиши керак. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар, ҳатто, ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бёгона одамдек қарайди. Бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир.

Ҳар бир инсон ҳаётидаги мухим аҳамиятта эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз, мураббий, раҳбар, раҳнамо сифатидаги, шу юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимииздир.

## 10. ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ.

Инсон ва жамиятнинг маънавий дунёси одамни онгли яшашга, етукликка чорлайдиган, бундай бекиёс қудрат манбайнинг ҳаётимииздаги ўрни ва аҳамиятини чукур ва атрофлича таҳлил қилиш мухим бир ҳақиқатни, яъни юксак маънавият – енгилмас куч эканини англатади ва тасдиқлайди.

Маънавиятни чиндан ҳам шундай кучга айлантириш учун биз биринчи галда қандай массалаларга эътибор беришимиз, қандай ишларни амалга оширишимиз керак?

Маънавиятни жамият онига сингдириш учун бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этиш зарур.

Шу боис «Маънавий тарбия соҳасидаги ишларимизга янги туртки бериш учун юқоридаги номлари зикр этилган улуғ сиймоларнинг ҳар бири ҳақида кенг оммага, биринчи навбатда ёшларга мўлжалланган алоҳида маърифий кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, газеталаримизда маҳсус руқнилар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Таъкидлаш керакки, айниқса телевидение ва радиода бундай мавзудаги кўрсатув ва эшиттирицлар онда-сонда эмас, пухта ўйланган тизимли асосда тайёрланиши лозим. Бунда энг замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, ёшларнинг онгиға мос, уларнинг қизикиш ва интилишларига ҳамоҳанг бўлган, уларни ўзига тортадиган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак»<sup>13</sup>-лиги таъкидланган.

Таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, санъат, мусиқа, рассомчилик, жайкалтарошлиқ санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон таъблари асосида янада кучайтиришимиз керак.

Одамларнинг дунёқарашини бойитиш учун меҳнат қиласётган фидоий инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин, катта куч, билим ва тажриба талаб қиласдитан интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг кўллаб-куватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим.

Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачон бу ҳақда гап кетса, ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз. Биз юргимиизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига сунянимиз.

Янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳалларимиз, маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йигинларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири ортиб бормоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафкуравий таъзиқдан бутунлай халос бўлди. Ҳар қандай ижод намунаси синфий бўлиши ва қандайдир тояга хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг сермазмун ҳётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди.

<sup>13</sup> И.А.Каримов. «Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш». – Т.: 2009, 19- бет.

## 11. ЭНГ БҮЮК ЖАСОРАТ.

Ватанимиздаги бебаҳо бойликлар, ёдгорликлар, осори-атикаларни шу заминда яшаёттак барча инсонлар аввало халиқимиз дахосининг ёрқин намунаси, унинг юксак маънавиятига кўйилган муazzам ҳайкаллар деб қабул қилали. Барча ўлмас обидалар одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсули. Шунинг учун ҳам энг буюк жасорат нима деган саволга энг буюк жасорат маънавий жасорат деб жавоб берсак янгишмаган бўламиз.

Жаҳон тарихига назар ташласак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси нишоятда кучли инсонларнинг ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин.

Масалан: Платон, Сократ, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Махатма Ганди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Яхё Гуломов, Озод Шарофиддинов ва бошқалар.


## 12. ХОТИМА.

Маънавият қотиб қолган акыдалар йигиндиси эмас, аксинча доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, маънавий ҳаёт олдига кўйиладиган янги талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади.


Халқ шарафли йўлдан илгарилаб бораёттган улкан карвон. Уни йўлдан чалгитувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган ва бундан кейин ҳам бўлишиб мумкин. Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқни ҳеч қандай куч ортга қайтара олмайди. Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч - маънавият бор.


## Асарниң үрганиши юзасидан күргазмали чынбалар


1-шакл























### Ислоқотлар за уларнинг мезони

Иктисолий соҳада

Иктисолининг сиёсатдан ҳоли  
эзаклиги

Давлатнинг бош ислоқотчи  
бўлиши

Коқук устуворлиги

Кучли иктимойи сиёсат

Ислоқотларниг эволюцияси  
(Тадрижийлиги)

Маънавий соҳада

Ислоқотларнинг маънавий  
моҳиятини одаларга  
тушигтириш

Жамият аъзоларида ишонч  
уйғотиш

Уларни бунёдкорлик сари  
сафарбар этиш

Халқнинг маънавий, руҳий  
карасларидаги янгиланиш  
жараёйларини юнсалтириш

Халқнинг онгу тафаккурини  
тараққий этириш

**Президентимиз асарларидаги номлари қайд этилган  
танимда шахслар**

**Аристотель (Арасту)**

(Милоддан аввал 384/383 й. – Стагира шаҳри 322/321 й. Афинада) Қадимги юонон фалсафаси ва фани тараҳиётидаги янги даер яратган мутафаккир.

Юонистошимиг буюк файласуфи, 20 йил мобайнида Афинадаги Платон академиясидаги таълим олади. Мил. ав 343 йилда Александр Македонскийнинг тарбиячиси. 335 йилда Афинада ўз мактабини ташкил этади. Унинг асарлари иштимоий-сийёсий тарихий асарларидан кўра 7 гурӯжга бўлинади.

- 1) Мантиқса оид
- 2) Физикага оид
- 3) Биологияга оид
- 4) Фалсафага оид
- 5) Этикага оид
- 6) Ижтимоий-сийёсий тарихий асарлар
- 7) Санъат, поэзияга оид

Аристотель жадон илми тарихидага ахлоқ, фани – этика асос солган.

Жуда бой фалсафий мерос колдирган. Улардан энг маориғлари: “Политика”, “Фоялар ҳакида”, “Фаровонлик ҳакида”, “Биринчи аналитика”, “Метафизика”, “Этика” асарларидир.

**Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн  
Мусо Хоразмий  
(780 й. Хива – 850 й. Баеводд)**

Ўрта осиёлик машҳур ўзбек математиги, файласуфи ва астрономи, ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқкан. Ўша даврда катта илмий ва маданий марказ ҳисобланган Багдодга таслоғ этилган. Бу ерда унинг илмий фаолияти “Байт ул-хикма” (Хикмат уйи, яъни донолар йигилган уй)да фаол давом этган. Хоразмий математикада абстракция тушиғасини кенгайтирди. Индукция, дедукция йўли билан турли масусий масалаларни ечди. Хоразмий номини тарихда

қолдирған асарларидан бири “Ал-жабр ва-л-муқобала” (Тиклаш ва қиёслаш амаллари) кейинчалик бу асар алгебра ва алгоритм фанларига асос бўлди. Унинг яна бир машҳур китоби “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” (Ҳинд арифметикаси) деб аталган. Асар ўнлик рақам тизимига бағишиланган. Бу тизимнинг, яъни ўнлик саноқ тизимининг кашф этилиши улардан фойдаланиб ва нол рақами ёрдамида энг катта сонларни ёзиш Европага араблардан кириб келди. Шунингдек унинг “Китоб сурат ал-арз” (Ернинг сурати) географияга оид асари, астрономик жадваллари, ер меридиан бир градусининг (112 км) ўлчаниши жадон фанита кўшилган улкан ҳиссалар бўлиб ҳисобланади.

У “Устурлаб ҳақида рисола”, “Қуёш соатлари тўғрисида рисола”, “Гарих рисоласи”, “Мусиқа рисоласи” каби асарлар ҳам яратган.

*Абулаббос Аҳмад ибн  
Касир Фарғоний  
(861 йилда вафот этган)*

Буюк астроном, математик ва географ. Шарқда “Хосиб” (математик) номи билан шуҳрат қозонди. Илм йўлида Бағдодга кетиб қолади ва шу ерда яшайди. Халифа ал-Маъмун (813-833) даврида Бағдодда Шамосия деган жойда ва Дамашққа яқин Касиён тогидаги расадхоналар Аҳмад ибн касир раҳбарлигига курилган. Бағдод расадхонасида кўпгина қашфиётлар қилди, 812 йилги куёш тутилишини олдиндан билди, ернинг думаюқлигини исботлади. У халифа Мутаваккил замонидаги (846-862) Нил дарёси сувими ўлчайдиган янги асбоб “миёс жадид”ни яратди. Унинг “Аз-зиж ал-Маъмун ал-мумтахана” (ал-Маъмуннинг текширилган жадваллари) номли асари араб тилидаги дастлабки астрономик асар бўлиб, Ўрта асрларда Оврўпага тарқалган.

Унинг “Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жомеъ илм ан-нужум” (Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб), “Китоб ал-комил фи-л-устурлаб” (Астрология ҳақида мукаммал китоб), “Рисолат фи маърифат ал-авқат аллати якуну қамар фикха фавқал аразу ва таҳтиқа”(Ой Ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вакъларни ўрганиш ҳақида рисола) асарларидир.

**Абу Наср Форобий**  
**Мухаммад ибн Мұхаммад**  
**ибн Үзлүк Тархон Форобий**  
**(873-950)**

Ўрта Осиёлик машқур файласуф, комусий олим, жағдай маданиятiga катта хисса құштандырылғанда учун улугланиб Форобийни Иккінчи муаллим (Муаллими соний) деб аташади. Фороб шаҳрида туркий қабилалардан бұлған ҳарбий хизматчи оиласыда туғылған. Тошкент, Самарқанд, Бухоро мадрасаларыда ўқиди. Ўз маълумотини ошириши учун Бағдад, Исфахон, Ҳамадон, Райдә бўлди. 941 йилдан Дамашқда яшади. Юнон тилини, фалсафасини, табобат, мантиқ илмини ўрганди. 70 дан ортиқ тилни ўргаиган. Форобий Ўрта асрлар даври табиий, илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. Булардан 119 таси бизгача етиб келган.

Унинг “Китоб сиёсат ал-мадина” (Шаҳарни бошқариш китоби), “Китоб мабодиу ором аҳли мадинат ал-ғазила” (Фозил шаҳар аҳолисининг бошланғич қарашлари жақида китоб), “Китоб фи ижтимоий-ил мадина” (Шаҳар жамоалари жақида китоб) асарлари машқур.

**Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар**  
**Наршайий**  
**(899 й.-959 й.)**

Ўрта осиёлик тарихчи олим, Бухоронинг Наршох қишлоғида туғылған. Марказий Осиё тарихнавислигининг илес қалыптасып дурданаларидан бири бўлмиш “Тарихи Бужоро” (Бужоро тарихи) асарини 943-944 йилларда араб тилида ёзғац. Асарини Сомонийлар давлати ҳукмдори Амири Ҳамид, яъни Абу Мұхаммад Нұҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943-954) га бағишилаган. “Бужоро тарихи”нинг араб тилида ёзилған асл нусхаси бизгача етиб келмаган.

Асарининг сүзбошисида айтгалишича, 1129 йили асли ҳозирги Куба шаҳридан бўлған Абу Наср Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Наср ал-Қубовий Наршайийнинг китобини дўстларининг илтимосига биноан араб тилидан форсий таржима қылған ва бунда у асарининг баъзи жойларини қисқартирган; аммо, шу билан бирга айрим кўшимчаларни ҳам кирифтган. Шундан яром аср ўтгач, мазкур форсий таржима яна қайтадан таҳрирга учраган, 1178-1179 йиллар

давомида Мухаммад ибн Зуфар ибн Умар асарни ишқинчи марта кискартириб бўён этган. Асардан 1178 йилдан кейинги, то 1220 йилтеча бўлаб ўтган таризий воқеалар ҳақида ҳам киска-киска маълумотларни олиш мумкин.

Наршахийнинг "Бухоро таризи" китоби биргина Бухоро тарикини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарикини ўрганиш учун қимматли таризий асардир.

Марказий Осиё халқларининг VIII-XII асрларга бағишланган илмий тадқиқотларида Наршахий маълумотлари ва унинг ҳаммуаллифи, тарисимони ва муҳаррири Абу Наср Ахмад Кубовийнг қўшимчалари XIX асрданоқ кенг фойдаланиб келинмоқда, асарниот нусхалари дунё кўлёзмалар хазиналарида кўплаб учрайди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтига 20 дан ортиқ нусхаси сақланмоқда. Асарнинг форсий матни 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бучорода (Когон), 1939 йили Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр қилинган. "Бужоро тарихи"нинг Н. Лиқошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йили Тошкентда, Р. Фрайнинг илмий изоҳлари билан бойитилган инглиζча таржимаси 1954 йили Кембриджда, Насруллоҳ Тарозийнинг араб тилига илмий изоҳли таржимаси Мисрда чоп этилди. Бир неча кўлёзма ва нашрлар матни солиштирилиб, тафовутлар кайд этилган илмий изоҳли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йили Тошкентда А. Расулов ва А. Ўрикбоевлар томонидан нашр этилган.

*Абулқосим Фирдавсий  
(940-1030 й.й.)*

Фирдавсий Тус шаҳрида ер эгаси оиласида туғилган. Ўрта Осиё, Эрон, Юнонистон, Хиндистон олимлари асарларидан хабардор бўлган. Араб, пахлавий тилларини мукаммал билган. Шоир ҳақида маълумот берувчи асосий манба унинг "Шоҳнома"сидир. У асар устида 35 йил ишлаган. Шоир асарни Маҳмуд Газнавийга тортиқ қилган. "Шоҳнома" Эрон, Ўрта Осиё халқларининг 4 минг йиллик тарикини ўз ичига олган. Асар 55 минг байтдан ташкил топиб, шартли равишда 3 қисмга бўлинади: 1) Афсонавий; 2)- Каҳрамонлик; 3) Тарихий;

"Шоҳнома"да муаллиф уруш қилмасликка, барча келишимовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишига ундаиди.

### *Абу Райҳон Беруний*

(973 й. 04.09.-Хоразмнинг қадимий пойтахти

Кат шаҳри-1048 й.11.12. Газна шаҳри)

Олим, астроном, физика, математика, геометрия,  
география, геодезия, геология, минералогия каби ўз  
замонасининг ҳамма фанларини эгаллаб олган.

Берунийнинг насл-насабини унинг нисбатига қараб аниқласак, “Берун” сўзи ташки шаҳар, «Беруний» эса ташки шаҳарда яшовчи киши маъносини билдиради. У Абу Наср Ибн Ирок Мансур кўлида таълим олади. Шарқнинг фан-маданияти билан, қадимги юонон клаcсик илми билан ҳам шугулланади. Араб, форс, сўгдий, сурёний, юонон ва қадимги яхудий тилларини, қейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади. Ундан 160 дан ортиқ таржималар, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум. “Осор ал-бокия ан ал-курун ал-холия” (“Қадимдан ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”), “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Маъданшунослик”, “Масъуд қонуни”, “Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар”, “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб” (“Сайдана”) асарлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима этилган. Унинг глобус, телескоп каби ихтиrolари, географик кашифиётлари жаҳон маданияти ва фанига қўшилган улкан ва салмоқли ҳисса бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда кўчалар, институтларга унинг номи берилган. Фан соҳасида Беруний номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

### *Абу Али ибн Сино*

(980 й. август - Бухородаги Афшона қишлоғи -

1037 й. 18.06. Исфахон шаҳри)

Олим, табиатшунос, файласуф, астроном,  
математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос,  
филолог, ёзувчи ва шоир.

Бухоро вилоятининг Вобкент тумани худудидаги Афшона қишлоғида амалдор оиласида туғилади. Ислим Ҳусайн. Отаси Абдулла, онаси Ситорабону. 986 йилда оила Бухорага кўчади. Унинг ёшлик ва йигитлик даври Сомонийлар хукмронлиги даврига тўғри келади. У истеъододли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илmlарни тездан эгаллаган. 10 ёшида Куръони каримни бошдан-оёқ ёд ўкир, математика, мантик, хукук,

фалсафа билан шугулланар эди. Қадимги юон табиими-илмий фалсафасини, Аристотель, Евклид, Птоломей, Голен, Гиппократ, Пифагор, Порфирий асарларини қунт билан ўқиди. 16-17 ёшида машкур табиб бўлиб танилди. 1000 йилда Бухородан чиқиб кетиб, маданият марказларидан Хоразмга борди, у ерда Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун саройидаги олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Иби Сино асарларининг ҳаммаси 450 дан зиёд лекин бизгача 160 га яхин асари етиб келган. У Шарқ ва Европада “Шайх-ур-раис”, “Олимлар бошлиғи”, “Табиблар подшохи” каби номларга сазовор бўлди.

Иби Синонинг “Китоб ал-қонун фит-тиб”, “Китоб ун-нахжот”, “Китоб ул-инсоф” каби машкур асарлари, геометрия, астрономия, ўсимлик, жайвонот олами, мантиқка оид рисолалари, “Хайй ибн Яқзон” фалсафий киссаси, тиббиёт соҳасидаги асарларидан “Китоб ал-қонун фит-тиб” (“Тиб қонунлари”), “Китоб ул-куланж” (“Ичак санчиқлари”), “Китоб ун-набз” (“Томир кўриш ҳақида китоб”), “Фуж ул-таббийа жориа фи мажлисих” (“Тиб ҳақида ҳикматли сўзлар”), “Тадбир ул-манзил” (“Туарар жойининг тузилиши”), “Фил-хиндубо” (“Сачратки ўсимлиги ҳақида”), “Рисола фи-дастур ит-тиббий” (“Тиббий кўрсатмалар ҳақида”) каби асарларини ёзиб қолдирган.

Унинг асарлари Европа ва лотин тилларига таржима қилинди. “Тиб қонунлари” асарининг ўзи 30 марта лотин тилида нашр этилган.

*Аҳмад Яссавий*  
(Сайрам шаҳрида 1041 йилда  
Шайх Иброҳим оиласида тувишган,  
1166/67 йилда вафот этган)

Тасаввуфчи олим, шоир. Дастлабки таълимни Ясида машкур олим Шаҳобиддин Исфисжобийдан олади. Бобоси Арслонбоб кўрсатмаси билан Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Сўнг ўз юрти Туркистонга қайтиб, ўз таълимотини тарғиб этиб, шогирд, муридлар тайёрлай бошлайди.

Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “Туркистон муслимининг улуғ Шайх-ул-маҷойиҳи” Ҳазрати Ҳожа Аҳмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган.

"Яссави" тарикаттинг барча ақидалари Ахмад Яссавийнинг асосий асари бўлмаси "Хокмат"да баён этилган.

Хона Ахмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тарикат - "Яссави"нинг асосчиси, нафакат Хуресон ва Мовароончар, балки туркоззабон халқлариминг маънаний тарикати кенг маълум бўлган, мутасаввиф донишшамад, инсонларвар шумр хисобланади.

У 63 ёши (Пайтамбар ёши)да ер остига хужра ясатиб, "чилли"га кирган, колган умрини тоат-ибодат қилиб, кизматли юниматлар ёзиб ўтказган.

*Абулқосим Махмуд ибн Умар  
аз-Замаҳирий жоруљлоҳ  
(1074 й. Замаҳири шаҳри - 1144 й Уразиҷ)*

Ўзек одоми, муфассир, тиљшунос, ёзуви ва шумир. Отаси Умар Иби Ахмад ўқилюнлини киши бўлиб, дастлабки теззимни ўлтига ўзи беради. Урганч мадрасаларида ўқитади. Урганч мадрасаларида сўнг Бухоро, Хуресон, Исфаконда теззом олаб, Хоразмга қайтади. Кеттиқ касал бўлиб, солайтак Бандодга жўнайди, у ердан Максакга ўтади. Иккиси йиқдан кейин ватанига қайтиб, бирор қанча вақт илмий тадбирот билан шутукланади.

Ҳаёттозиг сўнгти Йилларидаги Шомга ва яна Максакга беради. Максакда тафсирга оид "Ал-қапшиф" (Онкор қалуучи) асарини тутегатди, сўнг Хоразмга қайтиб 538/1144 йили вафот этади.

Унинг "Ал-қапшиф" энг машкур тафсiri, "Асос ал-балоға" (Балогат асослари) асари араб лугатшунослиги, "Ал-фоиқ фи гаріб-иля-хадис" (Хадисдаги иотаниш сўзларни ўзлаштирувчи) китоби хадис ва адабий асарларда учрайдиган, маъносини англаш кўрин бўлган сўзларга багишланган.

*Абулқасим Бурҳониддин Али ибн  
Абу Бакр Маргиноний  
Тўсилган ўмили санъи эмас. таҳжихрий 510(мид 1116-  
1117), ҳизмрий 593 (мид.1197) ўмили вафот этсан.*

Ватандонимиз Бурҳониддин Маргиноний шариат конун-коидаларимни ишлаб чиқсан, уларниң ҳаётта тадбиқ этилшинга оид йўл-йўриклирни кўрсатиб берган буюк алломадир. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил

олган, фикъга оид рисолалар ёзган.

У шариат асосларини машхур фахихлар Абу Ҳафс Нажмуддин ан-Насафий ас-Самарқандий, Ҳисомуддин ибн Маоз, Абу Умар Үсмон ас-Саражий ал-Пайкандий кабилардан, ҳадис илмини буюк мұхаддис Абу Ийсо ат-Термизий тұплаган ҳадислардан үрганған.

Бурхониддин Маргиной "Наим ал-мазҳаб" (Мазҳаб-нинг тарқалиши), "Китоб ат-тажнис ва-л-мазид" (Тажнис ва зиёда қилиш), "Китоб маносих ал-хаж" (Хаж қонуналари ҳақида китоб), "Мазид фуруъ ил-ханафийя" (Ханафийя шохобчаларыға құшымча), "Мұхтор ал-фатво" (Танланған фатволар) каби асарлар ёзіб қолдирған.

Уннинг "Хидоя"си мусулман хукуқий тизими ва хукуқий жекеметі нафақат аңынавий ҳанафия мазҳаби учуж, балки суннит Ислом тарқалған барча мамлакатлар учун ягни қомусий қонунға айланған асар. Асар түрттә катта жиһидден изборат.

"Хидоя"нинг қадимги күләзмалари дүйнөнінг Імрик кутубхоналарыда, ҰзРФА Шарқшунуслик институтыда эса Маргиной асарларининг бир неча нодир күләзма нұсқалари сакланыпқоды.

Мустақиллик туғайли буюк алломанинг ҳәти ва изходий меросини үрганған, Бурхониддин Маргиной таваллуддининг, хоккрай сана бүйінчә, 910 йиллігінің нишоюлаш мұносабати билан бутун республикамында изгөбий мішлар амалға оширилди.

*Абулқосим Носируддин Мұхаммад  
ибн Юсуф ас-Самарқандий ал-Мадиний  
(Түсілген үили намағын - соғботи 1258)*

Фикъшунос олим Ал-Мадиний нисбаси уннинг Мадинада ҳам яшаганидан далолат беради. Фикъ масалаларига багишланған "Ал-жомеъ ал-кабир" ("Катта мажмұа") асары фикъ фатволари тұпламасы хисобланади. Бу асардан зерт мұхымлари олиніб, "Китоб ал-мулоқат фил фатово ал-ханафия" ("Ханафия мазҳабига оид фатволар китоби") деган қысқартмасини ёзіб, у "Мулақати Носирий" номи билан Шарқда кең тарқалған ва мадрасаларда үкітілген.

*Аҳмад Қозизода Румий  
(XIV -XV асрлар)*

Йирик математик ва астроном, таҳминан 1360 йилда Кичик Осиёдаги Бруссо (хозирги Туркияning Бурса) шаҳрида туғилган. Ҳурсон ва Мовароуннахрда билим олган. Таҳминан 1400 йилларда талаба илм ва илмий фаолиятини давом эттириш учун Самарқандга келади. Темурнинг Туркията қилган юришларида асир олиб келингандеган маълумотлар ҳам бор. Қозизода Румий 1436-1437 йили Самарқандда вафот этган.

Темур саройидаги бош астроном Мавлоно Аҳмаддан таълим олган. Улугбекнинг аниқ фанларга қизиқишига таъсир кўрсатган ва унга устозлик қилган. Улугбек астрономик мактабининг яратилишида Қозизода Румийнинг хизмати жуда катта бўлган. Унинг ташаббуси билан Гиёсиддин Жамшид Кошӣ ва бошқа олимлар Самарқандга таклиф қилингандар. Улугбек мадрасасида математика ва астрономиядан маърузалар қилган ва “Афлотуни замон” номини олган. Улугбек унинг дарсларида иштирок этган. Қозизода Румий Улугбек мадрасаси ва расадхоналари курилишининг раҳбарларидан бири, Кошӣ вафотидан сўнг мадрасанинг бошқарувчиси бўлган. Улугбекнинг барча илмий тадбирларида, жумладан, “Зиски Кўрагоний”ни тузишда иштирок этган.

Унинг илм-фанга доир 13 та асари маълум.

*Абдураззоқ Самарқандий Ибн Исҳоқ  
(1413 й. – 1482 й. Ҳирот)  
Машҳур саёҳт, элчи ва тарихнавис олим.*

Тафсир, ҳадис, тарих, тил ва адабиёт фанларини пухта эгаллаган. Абдураззоқ 24 ёшида темурийлар саройига хизматта киради. «Рисолаи Азудия» номли араб тили грамматикасига шарҳ ёзиб, уни Шоҳруҳга багишлайди. Шоҳруҳ саройига хизмат қилиб, дипломатик ёзишмаларни олиб борицда қатнашади. Элчилар бошлиги бўлиб 1442-44 йиллари Жанубий Хиндистонга боради. У 50 ёшидан давлат ишларида қатнашишдан воз кечиб Шоҳруҳ хонақоҳида шайхлик қиласди.

Абдураззоқ Самарқандий Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XV-XIX асрлар тарихига оид “Достони сафари Хиндистон, шарҳи гаройиб ва баёни ажойиби он” («Хиндистон сафари достони, у ер гаройибларининг шарҳи ва ажойиботларининг баёни») ҳамда

"Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" («Икки саодатли юлдузниң чиқиши ва иккى деңгизниң кўшилиши») асарларини ёзган. "Матлаи саъдайн ва матлаи баҳрайн" асари икки жилдан иборат. Биринчи жилди Абдураззокдан илгари ёзилган асарлар, хусусан, Хоғиз Абронинг "Зубдат ат-таворих" китоби асосида ёзилган. Иккинчи жилди эса Абдураззок яшаган ва давлат ишлерида фаол қатнашган даврларга оид бўлиб, унинг ўзи кўриб ёки шуҳидлардан эшлигиб ёзган маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар бош манба қисмидан иборат бўлаб, биринчи қисми 807/1405-832/1429 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олган. Иккинчи жилднинг биринчи қисми шарқшунос олим А. Ўринбоеев томонидан ўзбек тилига таржомма қилиниб, кириш сўз ва изоҳлари билан 1969 йили Тошкентда нашр этилди.

*Абдураҳман Жомий*  
(1414 й. 7.11 Нишонур яқинидаги  
Жом шаҳри - 1492 й. Ҳирот шаҳри)  
Форс, тоҷик шоири, олим

Отаси Низомиддин Аҳмад, бобоси - мавлоно Муҳаммад асли Даҳтдан бўлиб, Жом, кейинчалик Ҳиротда ҳаёт кечиришган. Жомий мадраса ёшидан анча эрта Ҳиротдаги "Дилқаши", "Низомия" мадрасасида ўқиди. Араб тилини мукаммал ўрганди. Самарқандга келиб, Улугбек мадрасасида таълим олади. Тил, адабиёт билан бирга риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, хукук, дин асослари, ҳадис, тафсир илмларини ўрганади. Самарқанддан Ҳиротта қайтгач, тасаввуф йўлига киради. Жомий Хуросонда Шоҳруҳ, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро даврида яшаган. 1476-77 йиллар 25 ёшли Навоий Жомийни ўзига пир деб танийди. Улар ўз асарларида бир-бирларини ҳурмат билан тилга олиб, юксак баҳо берадилар. Жомий "Нафаҳот ул-унс", "Лужжат ул-асрор", "Рисолаи мусики", "Рисолаи муаммо" каби ўндан ортиқ асарини Навоий маслаҳати билан ёзган. Жомий ўз асарларини форсий тилда ёзди, у араб тилини ҳам жуда яхши билган. Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" асарида машҳур сўфиylар ҳақида жуда қимматли маълумотлар берилган. Ундан 100 га яқин илмий, фалсафий, бадиий асарлар қолган.

*Алишер Навоий*  
(1441 й. 09.02 – 1501 й. 01.03. Ҳирот)

Ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сий-

моларидан бири Навоий оиласи Темурийларга яқин зодагонлардан эди. Фиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобур саройида хизмат қиласы, кейин рок Сабзевор шахрига ҳоким бүлиб тайинланған эди. Бу ҳолат Алишернинг Ҳусайн (шахзода) билан бирга тарбияланишига сабаб бўлди. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин Алишерлар оиласи Ирокқа кўчади. 1452 йилда Алишер оиласи Ҳиротта қайтади ва Ҳиротда ўқишини давом эттиради. У болалигидан адабиётни севди. 10-12 ёшидан шеърлар ёза бошлади. 15 ёшдан Ҳусайн Бойқаро билан Абулқосим Бобур саройида хизмат қилди. 1456 йилдан Машҳадда мантлик, фалсафа, риёзиёт, форс-тожик, араб, туркий тилларни ўрганди. Самарқандга келиб Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида таҳсил олди. 1469 йилда Ҳусайн Бойқаро Ҳурсон таҳтини әгаллагач, Ҳиротта қайтиб саройда хизмат қиласи. 1476 йилда давлат ишларидан истеъро олиб, ижод билан шугулланади. Шеърларини тўплаб 1470 йилларнинг бошида биринчи девони “Бадоеъул-бидоя” (Бадиийлик ибтидоси), 1476-1483 йилларда иккинчи девони “Наводирун-ниҳоя” (Бехад нодирликлар)ни яратди. 1483-85 йилда “Ҳамса”, 1488-1501 йилда “Тарихи мулуки ажам”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Рисолаи муаммо”, “Ма-жолосун-нафоис”, “Муншаот”, “Ҳайратул аброр”, “Лисон-ут-тайр”, “Мухкаматул-лугатайн”, “Маҳбуб-ул қулуб”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва бошقا асарларни яратди.

Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўплами кейинги йилларда нашр этилди.

### *Абай (Ибраҳим) Қўлонбоев*

*Қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси.*

*(1845 й. 8 август - 1904 й. 6 июн. Семипалатинск вилояти, ғозирги Абай тумани, Чингиз овуми)*

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган қозоқ шеъриятининг машғали, бастакор, файласуф ва қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоирдир. У ёшлик чориданоқ ўқишига катта зътибор қаратиб, араб, форс тилларини яхши билган.

Абай ўз вақтида завод чиқариб 10 ёшида Семипалатинск шахрида Аҳмад Ризо мадрасасида тальлим олади. Навоий, Саъдий, Фузулий, Ҳўжа Хоғиз каби шарқ классиклари асарларини ўрганади. Отаси уни мадрасадан олиб, бошқарув ва ҳокимият ишларига жалб этади. Лекин

Абай билим олишни афзал құради. Маърифаттарнарлық ишлари билан шүгүлланади. Пушкин, Лермонтов, Крылов, Толстой асарларини үкійди, уларни көзөңчага таржима қылади. Арасту, Сукрот, Афлотун, Гегел фалсафесінің үрганади. 1886-1889-1895 йиллар шоир учук сермахсул, қызғын ижодий давр бүлди. Бу давр тарихда мозақ урууларининг үзаро ички низолари авж олган даври эди. Абай уларни дүстликка, иноклика, биродарлықта үндади, илм-маърифат олишга даъват этди. Бу мавзуда шоиримніг “Менинг злім-көзогим”, “Адаштанинг олди йүк”, “Илм топтай мағтанма”, “Ешикда илм деб үйладым”, “Бойлар юрар молин ардоқлаб”, “Интернатда үкійди” (1886) каби асарларини күриш мүмкін. Абай ижодидан бізгача 300 даан ортиқ шеър, “Маъсуд”, «Искандар», «Азим ҳикояси», «Вадим» номлы 4 та достони етіб келган.

### *Абдулла Авлоний*

(1878 й. 12.07. Тошкент – 1934 й. 24.08. Тошкент)  
Ўзбек олими, шоири, драматург, жамоат арбоби.

Тұкувчи оиласида туғилған, бошланғич мактабни туттаттач, мадрасада үқитан. Араб, форс, рус тилларини үрганиб, Толстой, Успенский асарларини таржима қылған. У 1907 йили ўз уйда «Шухрат» номлы босма газета чиқарди. Чор хукумати газетаны ёпгач, яширин таразда «Осиё» номлы газета чиқара бошлади. Бу газета ҳам маън этилғач, Тошкенттінг Миробод маҳалласида янги усул мактаби очади. Чор хукумати мактабни ёпгач, Дегрез (1903-14 йиллар) маҳалласида икки синфли мактаб очади. Янги мактаблар учун құлланма ва үқиш китoblари ёзади. 1909 йылда мактаб-маориф ишларига ёрдам күрсатадыған “Жамияти хайрия” очиб, етим болаларни үқитади. 1911 йылда «Муаллимі аввал», 1912 йылда «Муаллимі соңғы», 1913. йылда «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», 1915 йылда «Адабиёт» түпнамалари нашар этилди. Дастлабки поэтик асарлари “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (I, II, III, IV жузлар), “Мактаб гулистони” (1916), “Мардтерлер ащуласи” (1917) китбларыда ва “Сабзавер” тасқираси (1914) ҳамда вакъти матбугот сахифаларыда чоп этилған асарларидир. Ўзбек адабиёттің шекспирлік, уни жаһонга танитышта улкан хисса құшған. Асарлари инглиз, француз, немис, испан, араб, қынды, хитой, шығнам, чех, болгар, поляк, румын тилларига таржима қылған.

**Абдурауф Фитрат**  
(1886 й. Бухоро – 1937 й. Тошкент)

Ўзбек ёзувчиси ва олими. Бухородаги Мир Араб мадрасасида ва Истанбул Университетида ўқиган. 1914 йилда ёш бухороликлар ҳаракатига бошчилик қилган. Бухоро Республикаси Халқ Маорифи нозири вазифасида, Москва Шарқшунослик олийгоҳида, Бухоро ва Тошкентдаги ўқитувчилар олийгоҳида, Тил ва адабиёт олийгоҳларида ишлаган. Унинг “Киёмат” қиссаси, “Чин севиш”, “Хинд ижтилофчилари”, “Абулфайзхон”, “Рӯзилар”, “Темур саганаси”, “Абомуслим”, “Уғизхон” каби драматик асарлари, шеърий тўпламлари, публицистик мақолалари, ҳикоялари нашр этилган. Навоий, Фирдавсий, Яссавий, Машраб ва бошқалар ижоди бўйича тадқиқот олиб борган.

**Абдулла Қодирий**  
(1894 й. 10.04. - 1937 й. 05.10. Тошкент)  
Ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири,  
ёзувчи, журналист, таржимон.

Тошкентда дехкон оиласида туғилган. Бойлангич таълимни эски ва рус-тузем мактабларида олди. Оиласи камбагаллашгани туфайли болалигидан мустақил меҳнат қила бошлади. Мажаллий савдо гарларга котиблиқ, мирзалик қилди, газета таҳририятида ишлади. Адабнинг илк ижоди 1913-1914 йилларда бошланган бўлиб, дастглаб у шоир сифатида қалам тебратган. Унинг “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Тўй”, “Фикр айлагил” (1914-1915) каби шеърлари “Садои Туркистон” газетаси ва “Оина” журналида босилган. У “Бахтсиз куёв” (1915), “Ҳеч ким билмасин” каби саҳна асарларини ҳам ёзган. Унинг “Жувонбоз” (1915), “Улокда” (1916) каби ҳикояларида ўз халқини саводли, билимли, маданиятли ва озод кўриш истаги сезилиб туради. 1924 йилда Москва адабиёт институтида ўқиди. Жулқунбой, Совринбой, Мирзо Соврин, Жиян, Овсар, Думбул таҳаллуси билан замонасининг мұхим масалалари, ижтимоий муаммоларини талқин этди.

1926 йилда нашр этилган «Ўтган кунлар» романи Ўрта Осиё халқлари адабиётида янги жанр бўлиб, ўзбек романчилигининг дебочаси эди. 1929 йилда босилган «Меҳробдан чайён» романи эса ўзбек романчилигини янги босқичга кўтарди.

Абдулла Қодирий тилшунос олим, таржимон сифатида ҳам улкан ишларни амалга оширди. Гоголь, Чехов асарларини таржима қилди.

1990 йилда Республика Президентининг Фармони билан Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. 1991 йил эса Абдулла Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. Ҳозирги кунда эса бир катор кўчалар, кутубхона ва институтлар ёзувчининг табаррук номи билан аталади.

**Аброр Ҳидоятов**  
(1900 й. - 1958 й. 03.10 Тошкент)  
Буюк ўзбек актёри. Ҳалқ артисти.

Тошкентнинг Дегрез маҳалласида иморат устаси Ҳидоят Раҳматуллаев оиласида туғилган. 14 ёшида дугор чалиб, қўшиқ айта бошлайди. Маннон Уйгур уни 1919 йилда ўз театр труппасига таклиф қиласди. 1924-27 йилларда Москвада ўзбек театр студиясида ўқиди. Ҳамлет, Отелло, Фофур, Алишер Навоий, Муқанна, Темур Малик образларини ўзбек саҳнасига олиб чиқади.

Аброр Ҳидоятов мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

**Абдуллаев Ҳабиб Мұхаммедович**

(1912 й. 31.08. Ўш яқинидаги Аравон қишлоғи –  
1962 й. 20.06. Тошкент)  
Ўзбек геологи, давлат ва жамоат арбоби, академик.

Ўрта Осиё политехника олийтохини туттаган. 1939 йилда номзодлик, 1946 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қиласди. Ўрта Осиё индустриал олийгоҳида доцент, директор, собиқ ЎзКП МҚ саноат бўлимида мудир, Ўзбекистон Режа комиссияси раиси, 1947 йили Ўзбекистон ФА вице-президенти, Академик Абдуллаев 130 дан ортиқ илмий асар ёзган.

1960 йилда Франция геология, Буюк Британия Қироллик минерология жамиятларининг аъзоси этиб сайланган.

Унинг “Рудаланишнинг гранитоид интрузиялар билан генетик бояликлити” (1954-57), “Ўрта Осиё магматизми ва рудаланиш жараёни” (1960) асари инглиз, немис ва житой

тилларига таржима қилинган.

Ҳабиб Абдуллаев мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

*Абдулла Орипов  
(1941 йил 21 марта)*

Қашқадарё вилояти Косон тумани Некӯз қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат Университети (Миллий университет) нинг филология факультетини тутатган. Нацриёт ва журналларда адабий ходим, бўлим мудири вазифаларида ишлаган. “Митти юлдуз”, “Кўзларим йўлингда”, “Онажоним”, “Ҳайрат”, “Ўзбекистон” шеърий китобларининг муаллифи. Жаҳон классик адабиёти дурданаларини ўзбек тилига таржима қилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

Мустақиллик йилларида Абдулла Ориповнинг 4 жилдлик асарлари тўплами нашр этилди. У Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

*Баҳоуддин Саййид Муҳаммад иби  
Жалолиддин Накшбанд  
(1318-1389 йй. Бухоро)*

Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндуён қишлоғида туғилади. Унинг шарофати билан бу қишлоқ кейинчалик “Қасри Орифон” деб аталади. Ҳожа Баҳовуддиннинг шарифи насаблари ота томонидан Ҳазрат Алига, она томонидан Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Бухорода таҳсил қилиб, Ҳожа Муҳаммад Самоси уни ўғил қилиб олади, кейин Амир Кулолнинг зикр ва тасбижларида ҳозир бўлиб, сўнг етти йил Мавлюно Ориф ва 12 йил Ҳалил Ота деган авлиёлар сұхбатида бўлган, икки марта ҳаж қилган.

Баҳоуддин Накшбанд “Ҳажнома” номли ваъз ва насиҳатлардан иборат манзумаси, “Далил ал-ошиқин” (Ошиқлар далили) ва “Ал-аврод Баҳоийя” (Баҳоуддин вирдлари) номли тасаввуфга оид асарларини ёзib қолдирган.

Ҳазрати Накшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан факирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зеро, бу тариқатнинг асл ақидаси – “Дил ба ёр-у даст-ба кор” – яъни “доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, кўлинг эса ишда”, деган ғояни илгари суради.

У ўз кўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топғем тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга иғъом этган, хукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмагирлик қилиб яшамаган.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган “Нақшбандия” таълимоти Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртларига тарқалган.

Нақшбандия таълимоти Темурнинг мўгуллар истилосига қарши курашиб, мустакил давлат барпо этиб, унда маданий-маънавий ривожланишини таъминлашга интилишида, темурий даври маданий юксалишида катта ижобий аҳамият касб этган.

1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги зўр тантаналар билан ўтказилди. Халқаро илмий конференциялар бўлиб, номи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар қайтадан тикланди.

### *Бобораҳим Машраб (1640 й. Наманган – 1711 й. Балх)*

Бобораҳим Мулла Вали (Валибобо) ўғли Машраб Марказий Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур бўлган буюк мутасаввиф шоир, шарқда яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдони.

Бутун ҳаётини саргардонликда, дунёни кезиб ўтказган, оддий халқ орасида шуҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган жаҳонгашта, қаландар шоир. У Шоҳ Машраб, Девона Машраб, Телба Машраб номларини бежиз олмаган.

Унинг ҳаётини ёритиб келаётган ягона маиба “Қиссаи Машраб” китобидир. Асарда Машраб Маккага йўл олган. Лекин у Маккага етиб бормай йўлни ўзgartирган ва Ҳиндистонга Ҳожа Поншам Ҳожа эшон ҳузурига жўнаган ва уч йил унинг хизматини қилган.

Ҳозиргача ёзилган китоб ва мақолаларда уни ҳажга бормаган деб қайд қилинган. ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган ва машрабшунослар дикқатидан четда бўлган 9968 рақамили қўлёзмада шоирнинг “Мабдаи нур” асарининг икки дафтари, 71 та ғазали берилган. Газалларнинг бирида Машрабнинг ҳажга борганлигини тасдиқловчи байтлар бор:

*Мадина, Маккани тавоғ айлабон ҳам чоҳи Замзамни,  
Чаҳорёрни тавоғ айладим, йиелаб равон кетдим.*

тилларига таржима қилинганды.

Хабиб Абдуллаев мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

*Абдулла Орипов  
(1941 йил 21 марта)*

Кашқадарё вилояти Косон тумани Некӯз қишлоғида туғилған. Тошкент Давлат Университети (Миллий университет) нинг филология факультетини туттаган. Нашриёт ва журналларда адабий ходим, бўлим мудири вазифаларида ишлаган. “Митти юлдуз”, “Кўзларим йўлингда”, “Онажоним”, “Ҳайрат”, “Ўзбекистон” шеърий китобларининг муаллифи. Жаҳон классик адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

Мустақиллик йилларида Абдулла Ориповнинг 4 жилдлик асарлари тўплами нашр этилди. У Навоийномидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

*Баҳоуддин Саййид Муҳаммад ибн  
Жалолиддин Нақшбанд  
(1318-1389 йй. Бухоро)*

Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндюён қишлоғида туғилади. Унинг шарофати билан бу қишлоқ кейинчалик “Қасри Орифон” деб аталади. Ҳожа Баҳовуддиннинг шарифи наслаблари ота томонидан Ҳазрат Алига, она томонидан Абу Бакр Сиддикка бориб тақалади. Бужорода таҳсил қилиб, Ҳожа Муҳаммад Самоси уни ўғил қилиб олади, кейин Амир Кулолнинг зикр ва тасбихларида ҳозир бўлиб, сўнг етти йил Мавлоно Ориф ва 12 йил Ҳалил Ота деган авлиёлар сұхбатида бўлган, икки марта ҳаж қилган.

Баҳоуддин Нақшбанд “Ҳажнома” номли ваъз ва насиҳатлардан иборат манзумаси, “Далил ал-ошиқин” (Ошиқлар далили) ва “Ал-аврод Баҳойия” (Баҳоуддин вирдлари) номли тасаввуфга оид асарларини ёзib колдирган.

Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан факирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зеро, бу тариқатним асл ақидаси – “Дил ба ёр-у даст-ба кор” – яъни “доимо кўнглиниг Аллоҳда бўлсин, кўлинг эса ишда”, деган юяни илгари суради.

куёшнинг ўз ўқи атрофида айланишини исботлади.

Галилей “Оlam тузилишининг икки асосий системаси ҳақида диалог” (1632) асарида гелиоцентрик системанинг түгрилигини исботлаб берган.

**Гулбаданбегим  
(1522-1603 йй. Кобул)**

Ўрта аср Шарқида биринчи тарихчи аёл Захириддин Мұхаммад Бобурнинг 1522 йили Кобулда туғилған тұнгич қызыдир. Бобур вафот эттанида Гулбадан 8 ёшда бўлган, ёшлигидан хат-саводни эгаллагани, чечанлиги, билимга серҳаваслиги, идроклилиги туфайли “она қиз” ҳисобланган. Ақбаршоҳ олим ва шоирларга, бобоси Бобурни ва оғаси Ҳумоюнни кўрган-билганларга улар тўғрисида ва ўз подшолиги ҳақида асар ёзишни топширган. Шу муносабат билан Гулбаданбеким ҳам “Ҳумоюннома” номли тарихий-биографик асар ёзган. “Ҳумоюннома” 1585-1587 йилларда ёзилган тарихий-географик асар бўлиб, “Бобурнома”нинг давоми деса бўлади. Унда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи ва ижтимоий-иктисодий муносабатлари ёритилган. 1902 йилда А. Беверж томонидан инглизчага таржима қилиниб, нашр этилган.

**Георг Вильгельм Фридрих Гегель  
(1770.27.08. Штутгарт - 1831.14.11.Берлин)**

Немис класик фалсафасининг йирик намояндаси, объектив идеалист, диалектика ҳақидағи таълимоти билан фалсафа тарихида катта аҳамиятта эга. Амалдор оиласида туғилган, Тюбинген институтини тутатган.

Гегель фикрича, дунё асосида “Рухий олам” ётади, у абадий, табиатта ҳам, инсонга ҳам борлиқ әмас. Барча реал борлиқ – табиат-жамият “абсолют юя”нинг фаол ҳаракати маҳсули. Унинг фикрича, ривожланиш триада асосида бўлади.

1- Соф тафаккур босқичи.

2- Абсолют юя табиатта айланади.

3- Абсолют юя табиатни инкор этиб яна ўзига қайтади.

Гегель диалектиканинг мұхим қонун ва категорияларини қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, міңдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўтиши, инкорни инкор қонуналарини ишлаб чиқди.

Унинг “Рух феноменологиясы” (1807), “Мантиқ фані”

(1812-16), “Фалсафа фанлари энциклопедияси” (1817), “Хукуқ фалсафаси” (1821), “Дин фалсафаси бўйича лекциялар” (1832), “Эстетика бўйича лекциялар” (1837) каби машхур асарлари маълум.

*Гафур Гулом*  
(1903 й. 10.05 - 1966 й 10.07 Тошкент)

Ўзбек адабиёти асосчиларидан, Ўзбекистон халк шоири, академик Деҳқон оиласида туғилган. Отаси Гулом мирза, онаси Тошибиби адабиёт мухлислари бўлишган. Амакиси Мирзо Абдулла девон тузган. (“Баёзи Мирзо”). Оиласада шоирлар тўпланиб, мушоиралар ўтказиб турилган. Ф.Гулом ёшлигидан Навоий, Ҳофиз, Саъдий газалларини ўрганганд. Отаси (1912), онаси (1918) вафот эттагч кошиблик, аравакашлик килган. Босмахонада ҳарф терган. Муаллимлар тайёрлаш курсини битириб ўқитувчилик қилган, мактабларга мудирлик қилган. Дастробки асарлари “Гўзаллик нимада?” шеъри, “Динамо”, “Тирик кўшиклар” китобидаги “Кўкан” достони, сўнгра “Мен Шарқдан бораётирман” тўплами, “Ассалом”, “Вақт”, “Оналар”, “Чин арафа”, “Истиқбол кўшиги”, “Гун билан тонг” асарлари дунёга келди. Сатирик ҳикоялар ижод килди. Унинг “Нетай”, “Тирилган мурда”, “Ёдгор”, “Шум бола” қиссалари ўзбек насрый жаирининг ривожланишида катта аҳамиятта эга бўлди. Унинг илмий маколаларида классик адабиёт вакиллари ижоди чукур тадқиқ этилди.

2003 йил 100 йилиги тантанали нишонланди. Унинг номида истироҳат бори бор. “Буюк ҳизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

*Демокрит (Demokritos)*  
(таж. мил. ав. 460-370 йй.)

Қадимги юнон материалист файласуфи. Атомистик назария асосчиларидан бири. Флоренцияда туғилган. Фалсафа, мантиқ, физика, математика, техника, ахлюқ, мусиқа каби соҳаларда асарлар яратган. Унинг таълимотида атомлар ва фазо олам асосини ташкил этади. Демокрит жон маддий атомлардан иборат, тана ўлиши билан жон ҳам ўлади дейди.

**Жалолиддин Мангуберди**  
(түсілгән іили номағұм-  
1231 иш Озарбайжонда вафот этган)

Жалолиддин ибын Аловуддин Мұхаммад Хоразмшоқлар давлатининг сүнгти ҳукмдори, саркарда. Уни отаси Газна, Бомиён, Фур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон худудларигача бұлған ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган. Отаси Хоразм шохи Алоуддин Мұхаммад вағсыдан кейин (1220 й.) тахтта чықады. Мұгуллар ҳужумидан сақланиш учун 300 кишилік суворийлар билан Ҳурсонга кетишігә мажбур бўлади. Нисо шаҳрида мұгуллар устидан галаба қозонади. 1220-21 йилларда Афюнистон, Ҳурсон, Багдод, Қандахор, Балх, Кобул ва бошқа жойларда мұгулларниң кўп сонли кўшинларига қашқатгич зарбалар беради. 1221 йил 24 ноябрда Ҳинд дарёси соҳилида Чингизхоннинг барча кўшинлари Жалолиддинга қарши жанг қиласы. Чингизхон мисли кўрилмаган талофат эвазига галаба қозонади. Ўша куни жангдан сүнг мұгуллар Жалолиддиннинг 7 ёшли ўғлиниң тириклийин юрагини сугуриб олади. Жалолиддин Ҳиндистонга чекиниб катта кўшин билан Эрон ва Кавказга қайтиб келади. Озарбайжонни, Ғанжани, Туркистанни, Тифлисни кўлга киритади. Озарбайжонда ўзининг курд нақари томонидан ўлдирилади.

Жалолиддин Мангубердининг мұгул босқынчиларига қарши курашда кўрсатған мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз мұхаббатини қадрлаш ва унинг порлоқ рухини агадильташтириш мақсадида Президентимизнинг “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини инишонлаш ҳақида” Фармони қабул қилинди (1998 й.). 1999 йилда Хоразм шаҳрида Жалолиддин Мангубердига ҳайкал ўрнатылды.

2000 йил 30 августда “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди.

**Жордано Филиппо Бруно (Bruno)**  
(1548 й. Нола - 1600 й. 17.02. Рим)

Итальян файласуфи ва шоири. 15 ёшида монахликни қа-бул қиласи, кейинчалик черковга қарши чиқади. 1575 йилда монахликдан воз кечиб, Римга қочади; Швейцария, Франция, Англия, Германияда яшайди. 1592 йилда роҳиблар уни алдаб, Венецияга таклиф қиласидар ва инквизиция кўлига топширадилар. 8 йил камоқда ётади. Ўз қарашларидан қайтмагач, католик черкови Брунони Римда гулханда ёкиб куйдиради. У Коперникнинг гелиоцентрик тизимини янада ривожлантирди. Куёш системасидан ташқарида тирик мавжудотлар яшайдиган оламлар борлигини таъкидләди. Олам чексиз, ўлдузлар, қуёшлар бениҳоя кўп, деган гояни илгарисурди.

Бруно “Фоялар сояси ҳақида” (1582), “Сабаб, ибтидо ва яккаю ятона ҳақида” (1584), “Чексизлик, коинот ва оламлар ҳақида” (1584), “Кулдаги зиёфат” (1584), “Пегас сирлари” (1585) асарларини ёзиб қолдирган.

**Жаҳон Отин Увайсий**  
(1799-1845 йй. Марғилон)

Ўзбек шоираси, маърифатпарвар. Зиёли оиласида туғилган. Отаси Қайнар девона асли косонлик бўлиб, Марғилонга кўчиб келган. Онаси Чиннишиби мактабдор бўлган. Онасидан савод ўрганиб, мактабдорлик қилган. Шеърият назариясини, арузни, муаммо санъатини ўрганганди. Саройда Нодира ва бошқа хотин-қизларга устозлик қилган. 1842 йилда Насруллоҳон Кўюнни ишғол қилгач Марғилонга қайтган. У 4 девон тузган. Унинг меросидан 269 газал, 29 муҳаммас, 55 мусаддас, бир достон сақланган.

**Жавоҳарлал Неру**  
(1889 й. 14.01. Оллоҳобод - 1964 й. 27.05. Дехли)

Ҳиндистон давлат ва сиёсий арбоби. Кембридж университетини тутгатган. 1912 йилда Ҳиндистон миллий конгрессига аъзо бўлган. 1921 йилда инглизларга қарши миллий тарбиботи учун қамалган. Ҳиндистон Миллий конгрессининг ижроия қўмитаси котиби, бош котиби, раиси. 1947 йилдан умрининг охиригача Ҳиндистон Бош вазири. Халқлар ўртасида төнглик, дўстлик, ҳамиорлик учун, уруш

хавфига қарши кураш сиёсатини олиб борган.

Неру 1955 ва 1961 йилларда қизи Индира Ганди билан Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек халқининг турмуши, ҳаёти, тарихи билан яқиндан танишган. У ўзининг "Хиндистоннинг кашиф этилиши" асарида Бобур ва унинг невараси Акбаршоҳ ҳақида изжобий фикрларни билдирган.

**Заҳирииддин Мухаммад Бобур**  
(1483 й. 14.02. Андижон – 1530 й. 26.12. Аера)

Ўзбек адабиётининг йирик вакили, тарижчи, олим, темурий хукмдорларнинг сўнгти вакилиларидан бири, Хиндистонда Бобурйлар давлатининг асосчиси. Отаси Умар Шайх Мирзо Амур Темурнинг набираси, Фарюна вилоятининг ҳокими бўлган, онаси Кутлуг Нигор хоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи. Бобурнинг болалиги Андижон ва Ахсикентда ўтади. Сарой мұхитида ўқиб, тарбияланди. Илм-фанга, шеъриятта қизиқсан. Довюраклиги учун болалигига Бобур – "шер" лақаби билан аталган. 1494 йил июнь ойида 12 ёшида тахтта ўтиради ва Мовароуинхарни марказлашган давлатта айлантириш максадида кураш олиб боради. 1497-1498, 1500 ва 1510 йилларда Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлса-да, уни ўз кўл остида ушлаб қола олмайди. 1504 йилда Ҳисор тоглари орқали Афғонистонга боради, тарқоқ афрон ва турк қабилаларини бирлаштириб, Кобул ва Газна вилоятларини эгаллайди. Кобулни пойтахт қилиб, мустакил давлат тузди ва 1508 йилда ўзини подшоҳ деб эълон қиласди. Кобулда 1504 йилдан 1526 йилгача Бобурнинг ўзи, сўнгра ўғли Комрон Мирзо хукмронлик қилди. 1522 йилда Бобур Кандахорни эгаллайди. Бу эса унга ўз давлати чегараларини Хиндистон томон кентайтириш имконини беради. 1526 йил апрель ойида Деҳли ёнидаги Панипат деган жойда Хиндистон подшоси Иброҳим Лудийни енгади, Иброҳим Лудий жангда ўлади. Бобур Ганг дарёси бўйлаб юришини давом эттиради ва Шимолий Хиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини эгаллаб, Хиндистонда янги империяга асос солади ва бу империя 1858 йилгача Хиндистонда хукмронлик қиласди. Бобур 1530 йил деқабрда Аграда вафот этади. Дастлаб Жамна дарёсининг чап соҳилидаги Нурафшон богининг марказий қисмига вақтингча дағн этилган. Сўнгра унинг васиятига кўра, 1533 йилда Кобул шаҳридаги Боги Бобурга кўмилган. Бобурнинг эвараси Акбаршоҳнинг ўғли

Жаҳонгиришоҳ 1607 йилда бобосига атаб бу ёрда мақбара қурдиради. Бобурнинг ўзи ва авлодлари томонидан Афғонистонда улкан тарихий обидалар, йўл, работ ва кўпприклар, масжид, мадрасалар ва бошқа кўплаб ижтимоий аҳамиятта эга қурилишлар амалга оширилди. Назм ва насрда салмоқли бадиий дурдоналар яратилди. “Бобурнома” асарининг ўзигина форс, немис, голланд, француз, инглиз, рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Мустақиллик йилларида Зокиржон Машрабов бошчилигида ҳалқаро Бобур экспедицияси ташкил этилди. “Бобурнома”нинг мукаммал қиёсий-танқидий матни тайёрланди ва ўзбек тилитга табдили нашр этилди.

**Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат  
(1859 й. Қўйғон – 1909 й. Ёркент)**

Ўзбек шоири, маърифатпарвар, майдада савдогар оиласида туғилган. Бошлангич таълимдан сўнг мадрасада ўқиган. Араб, форс тилларини ўрганганди. Навоий, Ҳофиз Бедил, Фузулӣ асарларини ўқиган, шеърлар ёзган. Кўёнда Муқимий бошчилигидаги ижодкорлар сафига қўшилган. 1889 йилда Тошкентта келган Маълум муддат “Фарҳод” тахаллуси билан асарлар ёзган. Кейин яна Фурқат тахаллусига қайтади. “Туркистон вилояти газети”да шеър, мақолалар чоп эттиради. 1891 йилда Самарқандга, Бухорага, Марв, Ашхобод, Шош, Боку, Ботуми ва Истанбулга боради. Истанбулдан, Болгария, Греция, Арабистон ва Ҳиндистонга сафар қиласи. 1893 йилда Ҳиндистондан Тибет ўлкасига ўтиб, Хутан орқали Ёркентга келади ва шу ерда умрининг охиригача қолади. У Ёркентда оила қуради. Дўкон очиб, савдо-сотик билан шугулланади. Асосий вақтини ижодта сарфлайди. Унинг лирик шеър ва газаллари, мухаммаслари, маърифатпарварлик руҳида ёзилган мақолалари, саёҳатномалари, кўшиқлари катта аҳамиятта эга.

**Зулфия (Зулфия Истроилова)  
(1915 йил 1 март - 1996 йил 1 август)**

Таниқли ўзбек шоираси, журналист, таржимон, жамоат арбоб. Ўзбекистон Ҳалқ шоираси (1965), Мехнат Қаҳрамони (1984). Шоир Ҳамид Олимжоннинг рафиқаси. Хотин-қизлар педагогик билим юргида (1931-34), Ўзбекистон Фанлар

қўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1935) ўқиган. Ёшлар ва ўсмирлар адабиёти нашриётида мұхаррир (1938-40), Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири (1941-50), “Ўзбекистон хотин-қизлари” (“Саодат”) журналида бўлим мудири (1950-53), бош мұхаррир (1954-85) бўлиб ишлаган.

Зулфия халқаро Жавоҳарлал Неру (1968), “Нилуфар” (1971) мукофотлари ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти (1970) лауреати. Шунингдек, у Болгариянини “Кирилл ва Мефодий” (1972) орденига сазовор бўлган.

Атоқли шоиранинг маданиятимиз тараққиётидаги катта хизматлари эътиборга олиниб, Тошкентдаги кўчалардан бирига Зулфия номи берилган. Тошкент шаҳрида унга ҳайкал ўрнатилган.

*Зикир (Зокир) Мұҳаммаджонов*  
(1921.1.1. Тошкент)

Ўзбекистон халқ артисти. 2003 йили Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтини тутаттан. Ўзбек миллий театри актёри.

Ў театрда, кино ва телевидениеда жаҳон драматургиясининг, ўзбек адабларининг асарларидаги машҳур образларни маҳорат билан яратган. Улардан Горацио (“Ҳамлет”), Цезарь (“Юлий Цезарь”), Навоий (“Алишер Навоий”), Улугбек (“Улугбек хазинаси”), Ҳусайн Бойқаро (“Алишер Навоий”) ва бошқалар шулар жумласидан.

Зикир Мұҳаммаджонов 1994 йили “Щуҳрат” медали, 1996 йили “Дўстлик”, 1998 йили “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган.

*Конфуций*  
(мил. ав. тах. 552.- Цюйфули ш., 479)

Қадимги Хитой мутафаккири, сиёсий арбоб, конфуцийликнинг асосчиси. Лу давлатида амалдор бўлиб хизмат қылган. Хитойда биринчи хусусий мактаб очган. Унинг асосий қарашлари “Лунь юй” (“Сұхбатлар ва мулоҳазалар”) китобида баён этилган. Конфуций таълимоти асосида инсон-парварлик (женъ) тушунчаси ётади. У одамларни “Олийжа-ноб эрлар” (цюнъи) ва “майдада одамлар” (сю жень)га бўлган.

## **Имом ат-Термизий (824-893)**

Абу Исо Мұхаммад ибн Ийсо ибн Савра ат-Термизий 824 йилда Термиз шаҳрида туғилған. Ҳадис ўрганиш мақсадида 850 йилдан бوشлаб Ҳижоз ва Ҳуросонда машхур мұхаддислардан таълим олған. Имом Бухорийни ўз устози деб билған.

Имом ат-Термизийнинг “Китоб ал-жомеъ” (“Ҳадислар мажмуаси китоби”), “Китоб илол” (“Иллатлар китоби”), “Китоби тарих”, “Китоб аш-шамоил ан-навабий” (“Пайғамбарлар аломатлари китоби”) асарлари маълум. Буларнинг ичидә энг машқури “Ал-жомеъ” асари дір. Бу олтіга машхур ҳадис түпласылардан бири дір. Бу китоб “Жомеъ Термизий”, “Сунани Термизий” номлари билан ҳам көрітилади. Ул зот 892 йилда вағфот этади.

## **Камолиддин Бекзод (1455-1537 ий. Ҳирот)**

Мовароуннахр ва Ҳуросонда XV асрдаги Ренессанс (Үйкениш даври) вакилларидан бири, Навоййининг шогирди, “Шарқ Рафаэли”, улуг мусаввир ва миниатюрасоз Камолиддин Бекзод 1455 йилда Ҳиротда, камбағал хунарманд оиласыда туғилған. Уни болалитидағы Ҳиротдаги машхур мусаввир Амир Ружилло (Мирак наққош) ўз тарбиясига олиб, унға туз-ноң, киітим-бош беріб, ҳар томонлама илмілі қилиб вояға етказади. Ҳиротнинг Нигористонидә (санъат академиясыда) наққошлиқ ва миниатюрасозлық хунарини ўрганади.

Бекзод ғоятда межнатсеварлиги, зақматкашлығы, ўтқир ақылу заковати туғайли Ҳиротда машхур мусаввир бўлиб танилади.

Унинг Шарағиддин Али Яздийининг “Зафарнома”сига ишланған миниатюраси, Абдураҳмон Жомийининг “Соломон ва Ибсол” асарига ишланған расмлари, Амир Ҳусрав Деклавийининг “Хамса”сига ишланған 33 тә ажойиб миниатюралари, Абдуллоҳ Хотифийининг “Темурнома” асарига чизилған расмлари жуда машхурдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2000 йилда Камолиддин Бекзод таваллудининг 545 йиллиги көнг нишонланди.

**Комилжон Отаниёзов**  
(1917 й. 20.07. Хоразм. Шовот.  
Бўйрачи қишилови – 1975 й. 5.11. Тошкент.  
Ўз қишиловига дағн этилган)

Ўзбек хонандаси, созанд ва бастакор. Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпогистон халқ артисти. Тошкент мусиқа билим юрти ва консерваториясида ўқиган. Шовот туман театрида хонанда, актёр, ўзбек давлат филармониясида солист бўлиб ишлаган. Тошкентда, Хоразмда, Туркманистонда ашула ва рақс ансамбллари ташкил этган. Мураккаб халқ ашулалари, Хоразм достонлари, сувораларини маҳорат билан ижро этган. "Азиз ва Санам", "Олиқ Гарий", "Сўнгти хон" каби мусиқали драмаларни яратган. Житой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Камбоджа, Таиландда бўлган.

**Лутфихоним Саримсоқова**  
(1896.8.05-1991.14.01)

Ўзбек актёри, жамоат арбоби. Фарлона вилояти Риштон қишилогида туғилган. Фаолиятини 1923 йилда Кўкон хотин-кизлар тўтарагида бошлаган. Кўкон, Андикон, Маргилон театрларида, ўзбек давлат мусиқали драма театрида фаолият кўрсатган. Театр сахнасида Лайли, Ширин, Адельма, Смеральдина, Ойсара, Есуман, Майсара, Мастира сатанг, Кимё образларини яратган. У кинода ҳам кўп роллар ижро этган. "Қасам", "Фарзандлар", "Сен етим эмассан", "Махаллада дув-дув гап", "Шохи сўзана" фильmlардаги роллари билан машхур.

Мустақиллик йилларида "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

**Муқанна (Хошим ибн Ҳаким)**  
(Түсилган ўили номаъум-783 йил. Кеш)

Араб халифалигининг ҳукмронлигига қарши халқ озодлик ҳаракати раҳбари. Марв яқинидаги Коҳа қишилогида туғилган. Боси ва юзига кўк парда тўсив юргани учун "Муқанна" (Ниқобдор) номини олган, ёшлик чоғида кудунгарлик (қийимларга оҳор берувчи) касби билан шугулланган. Эрон ноибларига ҳарбий хизматчиликдан вазирлик даражасига кўтарилган. 769 йилда Марвга қайтиб келиб умрининг охиригача араб халифалигига қарши кураш олиб

боради. У ўқимишли ва билимдон бўлиб, форс ва араб тилларини яхши билган. Муқанна кўзголончилари оқ кийимда юрганлиги учун тарихда “оқ кийимлилар” кўзголони деб ном олган. Уларнинг қароргоҳи Кеш яқинидаги қалья устида жойлашган эди. 775-777 йилларда кўзголончилар билан бўлган жангларда араб кўшинлари мағлубиятга учрайдилар. Кўзголон шиддатли тус олгач халифа Маҳдий Нициопурга келади ва катта кўшин кўзголончилари тор-мор этиш учун сафарбар этилади. Тириклийин кўнга тушибни истамаган Муқанна ўзини ёниб турган оловга ташлаб, ҳалок бўлади.

*Махмуд Газнавий*  
(967-Газна, 1030)

Абдулқосим Маҳмуд ибн Сабуктегин 998-1030 йилларда Газнавийлар давлати ҳукмдори бўлган. Отаси Сомонийларнинг Хурсондаги ноibi. Сабуктегин вафот эттач, (997 й.) таҳт учун курашда ғалаба қозонади. 999 йили у бутун Хурсонни агаллаб, ўзини Хурсон сultonни деб эълон қиласди. Багдод ҳалифаси ал-Қодир томонидан “Яйамин удавла ва амин ул-милла” (“Давлатнинг ўнг кўли ва миллатнинг ишончи”) унвони билан тақдирланади. 1025 йили Мовароуннаҳрга хужум қилиб, Чарониён, кейинчалик Хутталон ва Кўлобни ўз давлатига қўшиб олади. Ҳиндистон ҷилдларига 17 марта ҳарбий юриш қилди. Шеърият билан шугулланган, газаллар битган, жуда кўн нодир китобларни тўплаган.

Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида, Маҳмуд Газнавийнинг араб ва пахлавий тилларини яхши билганлиги, туркий тилда шеърлар битганлиги айтилган. Газнада нодир китоблардан иборат кутубхона ташкил этган. Ўз саройида 400 дан ортиқ олимлар, шоирлар ва санъаткорларни тўплаб уларга ҳомийлик қилган.

*Махмуд ибн Ҳусайн ибн  
Махмуд Қошгарий  
(XI аср)*

Тилшуюнослик илмінинг асосчысы, қомусий олим. Асли Махмуд Иссиккүл бўйидаги Барсон шаҳридан бўлган. Отаси хизмат юзасидан Барсондан Қашқарга кўчган шу ерда ўрнашиб қолган. Шунинг учун ҳам Махмуднинг исми Қошгарий бўлиб кетган. У ёшлигидан атоқли олимлардан таълим олган. Кейин билим доирасини көнтайтириш мақсадида Бухорога келган, Самарқанд, Марв, Нишопурнинг улуг алломалари таълимидан баҳраманд бўлган. У илм оламида “Девону луготит турк” асари билан машхур бўлди. Асарда туркий тилларнинг тарихий ва қиёсий жиҳатдан тадқиқ этилиб, ўзига хос хусусиятлари тавсиф қилинган. Асарга Қошгарий ўзи тузган ва ўша давр учун мукаммал бўлган дунё харитаси илова қилинган.

*Махмуд Торобий  
(Түеилган йили номаълум – Бухоро  
Тороб қишилови, 1238 й.)*

Ўрта Осиёда мўгуллар зулмига қарши кўтарилган халқ ҳаракати раҳбари. Ҳунарманд оиласида тугилган. Галвирчилик билан шугулланган. Тугилган қишлоғига нисбат бериб Торобий деб аталган. Мўгул истибоддига қарши Тороб қишлоғи аҳолиси Махмуд Таробий бошчилигида кўзғолон кўтаради. Кўзғолончилар Бухорони эгаллайдиlar. Карманадан ёрдамга келган мўгул кўшиллари томонидан тор-мор этилади. Жангда Махмуд Торобий ҳалок бўлади.

Махмуд Торобий хақида Ойбек “Махмуд Торобий” достонини ёзиб қолдирган.

Мустақиллик йилларида Махмуд Торобий шахсига катта зътибор қаратилиб, Асад Дилмурод “Махмуд Торобий” (1998) тарихий романини яратди. Бухоро вилоятидаги Жондор шаҳарчасида хайкал ўрнатилди.

*Маҳдуми Аъзам Ҳожаи Аҳмад ибн  
Жалолуддин Косоний  
(1461-1542)*

Йирик мутасаввуф. У Наманган вилояти Косоной туманида туғилған. Она юртида дастлабки маълумотларни олиб, отаси билан дәжкончиллик қилған. Ўзига пир-муршид актариб Тошкентта боради ва Ҳожа Аҳрор билан учрашади. Ҳожа Аҳрор Маҳдуми Аъзамни ўз шогирди Мухаммад Қозийга юборади. Мухаммад Қозий уни ўзига шогирдликка қабул қиласи ва Маҳдуми Аъзам Тошкентда тариқат мактабида илмини такомиллаштира бошлайди. Секин-аста у машхур мұъжизакор авлиё, нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси бўлиб шуҳрат қозонади ва бу тариқатининг асосчиси Боҳоуддин Накібанди Ҳожаи Бузург деб атаб, ўзига гойибан пир билди. Унинг қабрини Бухорога бориб зиёрат қилиб турди. Ҳожа Аҳрордан кейин унинг ишини 1515 йилдан Маҳдуми Аъзам давом эттирди. Накібандияга эттиқод қилган Захириддин Бобур ҳам Маҳдуми Аъзамнинг муриди бўлган, унинг амирлари ҳам Накібандияга катта эттиқод қилганлар. Маҳдуми Аъзам Бобурга атаб ўзининг "Бобурий" деган асарини ёзган.

Ҳожа Абдулбакоийнинг "Жомеъ ал-мақомот" асарида келтирилишича, Маҳдуми Аъзам Бохородаги Маюқ масжидида тез-тез маърузалар қилиб турган. Маърузаларда шаҳарнинг хунарманд, косиб, савдогар ва бошқа аҳолиси қаторида ўша атрофдаги яхудийлар ҳам келиб иштирок этишар ва кўп таъсирланишар экан. Авлиё умрийнинг сўнгги йилларида Самарқанднинг Даҳбед деган кишлогида яшади ва шу ерда 1542 йили вафот этди, қабри хозир ўнча ерда.

Маҳдуми Аъзам тасаввуф, ахлоқ, одобга оид 30 дан зиёд асар ёзган. Улардан: "Танбияи салотин" (Султонларга насиҳат). Бунда шоҳ ва султонларни адолатга чакирилади. "Асрор ан-никоҳ" (Никоҳ сирлари), "Рисолай самоийя" (Дарвешлик мусикаси ҳакида рисола), "Риөолай вужудия" (Вужудиёт ҳакида рисола), "Одоб ас-солиҳин" (Ҳақ йўлдан борганлар одоби), "Одоб ас-сiddиқин" (Содиклар одоби), "Рисолай бакоийя" (Йиги ҳакида рисола) каби асарлари ҳам мавжуд.

*Маҳтумкули*  
(тахаллуси Фироевий; 1733-1791 й)

Туркман шири ва мутафаккири. Шоир Озодий Давлатманднинг ўсли. Бослангич таълимни отасидан олган. Хива, Бухоро мадрасаларида ўқиган. Заргарлик хунарини ўрганган. Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Хиндистонга саёҳат килянган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Фирдавсий ижодидан бахраманд бўлган.

Маҳтумкули шеърларида туркман халқининг жаёти, урф-одатлари тасвириланган “Бўлмас”, “Келгай”, “Билан”, “Найлейин”, “Етмас”, “Булар”, “Кетди замон” асарларида туркман халқини бирлаширишга чакирганлигини кўришимиз мумкин.

*Мунис Хоразмий*  
(1778-1829 й. Хива)

Ўзбек шири, тарихчи, таржимон, ҳаттот, маърифатпарвар. Дастлабки маълумотни туғилган қишлоги Қиётда олади. Сўнгра Хива мадрасаларида ўқиган. Хива хони Аваз Иноқ уни сарой фармонавис котиби этиб тайинлайди. Элтузархон Хива хонлиги тариси ҳакида китоб ёзишини топширган. “Девони Мунис” унинг биринчи шеърий тўплами бўлса, асосий адабий мероси “Мунис ул-ушшок” девони 80 000дан зиёд мисрани ўз ичига олган.

Унинг Хоразм тарихига оид “Фирдавс ул-иқбол” номли муҳим тарисий асарини шогирди - жияни Оғажий давом эттирган.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*  
(1875 й. Самарқанд - 1919 й. Қарши)

Туркистонда жадидлик ҳаракати раҳбарларидан. Ёаувчи, драматург ва жамоат арбоби. Бослангич маълумотни отасидан олиб, 1894 йил отаси вафотидан кейин, тоғаси қози Мұхаммад Сиддиқ тарбиясида ўсади. Араб тилини кичик тоғаси Мулла Одилдан ўрганди. Ўз устида ишлаб, шариатнинг юксак мақомлари - қози, муфтий даражасига ча етади. Беҳбудий 1899-1900 йиллари ҳаж сафарига боради. Ҳаж баҳонасида Миср ва Истанбулда бўлади. Сўнгра Қозон ва Уфа шаҳарларида бўлиб, Оврўла маданияти билан қизиқади. Қозон ва Уфада чиқадиган араб имлюсидаги

газеталарда ўз макролаларини чоп эттира бошлади.

1912-1913 йилларда Беҳбудий Самарқандда "Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журналига асос солади.

Беҳбудий ўзбек ва тоғык тилларида 200 дан ортиқ асар ва макролалар ёди, улар журнал ва газеталарда чоп этилди.

Унинг "Падаркуни" драмасида ёшлиарни илмни, маърифатни бўлишга даъват этилган. Драма 1913 йили Самарқандда нашр этилди. Самарқанд (1914 йил 15 январда) ва Тошкент (1914 йил 27 феврал)да намойиш қилинди.

1977 йили алломанжист "Сайланма" асари чоп этилди. Мустақаблик йилларида унинг исходига катта зътибор берилини оқибатида, 1997 йилда "Ташланган асарлар"и Тошкентда "Маънавият" нашриётида чоп этилди.

*Мұхаммадриэл Эрнисбек үлки Отахий  
(1809-1874 й.)*

Ўзбек шоири, тарихчи олим, таржимон. 1809 йилда Хива ясминидаги Кийёт(Кот) кишлоғида туғилган. Мунис Хоразмийнинг жияни, 3 ёшлигига отдан етим көлтач Мунис кўлида тарбияланади. Мадрасада таҳсил олади. Ўз даврининг санъаткор шоири ва етук олимни бўлиб етишади. Отахий саройда мирзалик қылган. Мунис вафот этгач саройни тарк этиб, ота касби мироблик билан шугууланади. Унинг шеърий асарлари "Таъвиз ул-ошиқин" ("Ошиқлар тумори") девонида тўплантган бўлиб, 18 мисрдан ортиқ шеър ва газаллардан иборат. Унинг "Риёз ул-давла", "Зубдат ут-таворих", "Жомеъ воқиоти султоний", "Гулшами давлат" асарларида Хоразм тарихига оид воқеалар акс эттирилган.

*Мұхаммад Алишукъожа Мирсаҳӯжа  
үлки Мұқимиш  
(1850-1903 Қўйроқ)*

Ўзбек адабиёти асосчаларидан бири, шюрр ва мутафаккир, камбагал номной оиласида тўғилган. Отаси асли тошкентлик бўлиб, 1835 йилда Кўконига кўчлиб борган. Оласи асли хўжандик бўлиб, Сандорим Нодиршайх қизи эди.

Мұқимиш Кўконидаги Нодира бину қылган "Хоким ойном" мадрасасида, сўнгра Бухорога бориб, "Мехтар ойном" мадрасасида ўтган. 1887-1888 ва 1892 йиллари Тошкентта саёҳат қилали. Алмамбай, Нодир Наманғоний каби юнод-

корлар билан юкодай ҳамкорлик қилади. Навоий, Турди, Гулханий, Машраб, Махмур каби шоирлар анъанасини давом эттиради. Ижодининг асосий қисми лирик шеър ва газаллар, ҳажвиятлардан иборат. Унинг икки жилдни “Асарлар тўплами” (Тошкент, 1960-1961), “Танланган асарлар” (Тошкент, 1973) нашр қилинган.

*Моҳандас Карамчанд Ганди  
(1869, Гужарат вилояти  
- 1948.30.1, Дехали)*

Ҳиндистон миллий озодлик курашининг раҳбарларидан бири, таникли мутефаккир, ҳинд халқи уни “Махатма” (“Буюк ҳалб эгаси”) деб атайди. Унинг номи билан борлиқ гандијам төъюмоти Ҳиндистондаги асосий хукмрон партия, Ҳиндистон Миллий конгрессининг расмий мағкураси ҳисобланади. 1887-91 йилларда Англияда юридик мълумот олган. Унинг смесий фаолияти асосини куч инплантасдан курашин “сатъяграҳа” ташкил этган. Ҳиндлар билан мусулмоиларниң ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашта интилди, кастачиликка қарши курашди.

*Муҳаммади Абдуллаҳонов  
(1878-1931 йй. Тошкент)*

Туркистанда жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бири, педагог. Зиёли омласида туғилган Тошкентдаги Юнусон мадрасасида, сўнг Бухорода таълим олган. 1901 йил Тошкентда биринчизардан бўлиб “усули жадид” мактаблари очиб, дарс берган. Шундай мактаблар учун дарслик, кўлланмалар ёзган. Унинг “Адаби изван”, “Адаби соний”, “Уқиш катоби”, “Сабозавор”, “Ер юзи”, “Тавижид” ютублари бир неча мартаади нашр этилиб, дарслик сифатида кўлланылган. Тошкентда «Шўрайи Исломий» ташкилотини тузиб раҳбарлик қилади.

*Муҳитдин Кориқубов  
(1896 й. 01.05. Фаренса. 1957 й. 22.02. Тошкент.)*

Ўзбек кўшикчisi, опера артисти, театр арбоби, ўзбек мусикиали театри асосчиларидан. Москва давлат театр санъати олийгоҳида ўқиган. Умр йулдоши Тамараҳоним билан жаҳон амалий санъати кўргазмасида (Париж)

шунингдек, Берлинда ҳам ўзбек мусика маданийгини намойиш этган. Театрда Солихбой, Фотих, Қосимжон, Невъмат, Фарҳод, Султонбек образларини, операларда Эр Гаргин Новфал, Улукбек, Мажмуд Таробий образларини яратган. Москвада ўзбек опера студиясини, Тошкентда ўзбек давлат филармониясини ташкил этишга катта хисса кўнди. Тамарахоним билан бирга “Билакузук”, “Қани-қани қизалар”, “Қора соч”, “Илила-илила ёр”, “Ёр, нималар дедим сизга” лапарларни яратиб саҳнага олиб чиқкан.

Муҳиддин Кориёкубов 1957 йил 22 февралда вафот этган.

*Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек  
(1905 й. 10.01. – 1968 й. 01.07. Тошкент)*

Ўзбек адабиёти асосчиларидан бири, ёзувчи, шоир, олим ва жамоат арбоби. Ҳунарманд бўзчи оиласида туғилган. Эски усул мактабида, “Намуна” бошлангич мактабида, Тошкент таълим-тарбия билим юртида, Ленинград (Санкт-Петербург) халқ хўжалиги олийгоҳида, Ўрта Осиё Давлат Университетида ўқиган. Олий ўкув юртида ўқитувчи, илмий ходим, бўлим мудири, нашриёт мухаррири, Ўзбекистон Фанлар академиясида ижтимоий фанлар бўлими бошлиги, Ўзбекистон Узувчилар уюшмаси раиси, 1958 йилдан умрининг охиригача “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали бош мухаррири. “Армуон”, “Туйгулар”, “Кўнгил найлари”, “Машъала” шеърий тўпламлари, қатор дестонлари, “Кутлуг кон”, “Навоий”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Кусш қораймас” романлари билан машҳур. Айни пайтда илмий мақолалари, жаҳон адабиёти классиклари асарларининг ўзбек тилига килган таржималари билан адабиёт хазинасига улкан хисса кўшган.

Мустақиллик йилларида Ойбек “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. 2005 йилда унинг 100 йиллиги нишонланди.

*Мирзакалов Исломий  
(1908 й. Ўш - 1986 й. Тошкент)*

У Ўш шаҳрида дежкон оиласида туғилган. Болалар уйида тарбияланган. Ўрта Осиё Давлат Университетининг Шарқ факультетида ўқиган. Ўзбекистон Давлат нашриёти, республика газета ва журналларида масъул

вазифаларда ишлаган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Унинг икки қисмдан иборат “Фарғона тонг оттунча” (1958-1968) тарихий романи, “Инсон ҳусни” (1969), “Одамийлик қиссаси” (1972) асарларида ёшлар ахлоқи, оиласада тотувлик ва ўзаро ҳурмат масаларига эътибор қаратилган. У 200дан ортиқ жаҳон ва рус классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

***Миртемир***  
***(1910.30.05-1978.25.01)***

Туркистонда (Қозогистон) дежқон оиласида туғилган. Тошкентдаги Алмай номли мактабда тарбияланади. Самарқанд Давлат университетидаги ўқиган. Й. Охунбобеевнинг котиби, олийгоҳларда ўқитувчи, республика газета ва журналларида адабий ходим бўлиб ишлаган. Достон, шеърий тўплам, кўшиқ мақола, қиссалари билан танилган. 20 дан ортиқ жаҳон классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

***Мукаррама Турғунбоева***  
***(Фарғона, 1913 й. - Тошкент, 1978 й.)***

Ўзбек раққосаси, балетмейстер, педагог, жамоат арбоби. 1913 йилда 13 майда Фарғонада туғилган. Фарғона педагогика билим юргида ўқиган. Самарқанд мусиқали драма театрида, А. Навоий номли опера ва балет театрида, Тошкент хореография билим юргида, “Баҳор” ансамблида ишлаган. Мусиқали театрларда ҳам раққоса, ҳам актёр сифатида иштирок этган. Ҳалима, Шоҳида, Гуландом, Оқ билак, Зарема образларини яратган. У фаолияти давомида 200 дан ортиқ рақсни, қатор балетларни саҳналаштирган. “Баҳор” ансамблини тузиб, раҳбарлик қилган. Ансамбл билан Миср, Ливан, Хиндистон, Афғонистон, Покистон, Сингапур, Ливия, Марокаш, Малайзия, Германия, Швеция, Венгрия, Польшада бўлган.

Мукаррама Турғунбоеванинг ҳаёти ва ижодий йўлига мустақиллик йилларида эътибор кучайди. “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмасига, Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилди. 1993 йили уй-музейи очилди.

Унга бир қатор Давлат мукофотлари берилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати. 2001 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

*Мирмуҳсим  
(1921-2005)*

1921 йил 3 майдага Тошкентда муолож оиласида туғилган. Узбек халқ шоюри ва ёзувчили, Тошкент Давлат педагогика институтига ўқиган. Республика радио қўмитасида, ёзувчилар уюшмасида, "Совет Узбекистони" газетаси, "Муштум", "Шарқ юлдузи" журналларида бўлим мудири, бош муҳаррир вазифаларида ишлаган. Қатор достон, шеърий тўплам ҳилом, қисса, романлар муаллифи. "Чинниши", "Умид", "Дегрез ўғли", "Меъмор", "Чотқол йўлбарси" романлари машхур. "Эл-юргу журмати" ордени билан тақдирланган.

*Низомий Ганжавий  
(1114 й. Ганжа шаҳри – Озарбайжон 1209 й.)*

Асл исм-шарифи Абумухаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяддир. У озарбайжон шоюри ва маърифатпарвари, дежон оиласида туғилган. Форс тилида ижод кильтган. Фалсафа, ахлоқ, хукуқ, астрономия, география, тиббиёт, математика билан шугулланган. Араб, форс, арман, грузин тилларини ўрганганди. Кадимги юнон фани, Византгия маданияти билан танишган. Шарқда биринчи бўлиб "Хамса" ёзган 20 минг байтдан иборат шеърий девон тузган.

Унинг асарлари асосида кинофильмлар ва балетлар яратилган.

*Нахмиддин Кубро.  
Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий  
ал-Хорағмий  
(1145 й. Хива – 1221 й. Урганч)*

Тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги йирик намояндадаридан бири, кубровийлик оқимининг асосчisi, Хорағминг Хивак шаҳрида таваллуд топган. Шу ерда бошлангич таълимни олгач, болалик пайтидаёқ талаби илм билан Мисрга боради. Мисрдан Хорағмга қайтиб келади, хонақоҳ қуради ва шюигирдлар тарбиялаш билан шугулланади. "Кубровия" ёки "захабия" тариқатига асос солади. Чингизхон кўшинларининг Хорағмга хужуми вақтида жангда ҳалок бўлган.

Ўзидан бир қанча асарлар колдирган. Улардан;

“Фавотих ул-жамол ва фаотих ул-жамол”, “Ал-Усул ал-ашара” (Ўн асос ёки усул), “Рисолат ул-хөйиф ил-хаъим лаумон ал-лаъим” асарлари араб мамлакатлари ва Туркияда нашр этилган.

**Николай Коперник**  
(1473-1543 йй.)

Поляк астрономи, гелиоцентрик система асосчиси. Krakov, Bolonъя университетларида ўқиган. Хукук-шунослик, тиббиёт, математика, астрономия фанларини ўрганганд. У ўз қарашларида Ер ҳам бошқа сайдерлардек Қуёш атрофида ва ўз ўки атрофида айланади деган фикрни илгари суриб, бу йояни ўзининг 1543 йилдаги “Осмон сфераларининг айланishi ҳакида” асарида исботлаган.

**Нодира**  
(1792-1842 йй. Қўйғон)

Ўзбек шоираси, маърифатпарвар ва давлат арбоби. “Комила”, “Нодира”, “Макнұна” тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андикон ҳокими Раҳмон Қулибий бўлган. Фарғона ҳокими Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва 1807 йилда Нодирага уйлантиради. Нодира шу хонадонда шеър ёзиши машқ қиласиди, шоира Увайсий билан танишади. Нодиранинг умр йўлдоши Умархон Амирий тахаллуси билан ижод қиласиди.

1824 йилда Умархон вафот этиб, унинг 14 ёшли ўғли Мухаммад Али таҳтга кўтарилади. Лекин давлатни асосан Нодиранинг ўзи идора қиласиди. Бужоро амири Насруллоҳон 1842 йилда Қўйғон бостириб келиб, уни талон-тарож қиласиди. Нодирини Мухаммад Алихонни, укаси Султон Махмуджон ва набираси Мухаммад Аминхонни фожеали равишда ўлдиради. Нодиранинг “Комила” тахаллуси билан ёзган 19 та, “Макнұна” тахаллуси билан ёзган 333 та, “Ноди-ра” тахаллуси билан ёзган 180 та шеър ва газаллари мавжуд.

**Олим Хўжаев**  
(1910 й. Бухоро – 1977 й. Москва. Тошкентга  
дафн қилинган)

Ўзбек актёри, режиссёр, жамоат арбоби. Бухоро маориф билим юртини тугатган. 1929 йилда ўзбек миллий театрида ишлаган. Яровой, Ҳамлет, Алишер Навоий, Карл Моор, Нолинақха, Комилов, Солиҳбой, Яго, Юлий Цезар, қирол Лир образларини яраттан. Режиссёр сифатида “Юрак сирлари”, “Май тўкилди”, “Бой ила хизматчи”, “Тарих тилга кирди” каби спектаклларни саҳналаштирган. “Улугбек юлдузи”, “Ҳамза”, “Умид” бадиий фильмларида роллар изкро этган.

**Озод Шарофиддинов**  
(1929.1.03 - 2005.4.10)

Ўзбек адабиётшуноси, олим, жамоат арбоби, педагог, таржимон. Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Москвада жаҳон адабиёти аспирантурасида ўқиган. 1955 йилдан Тошкент Давлат Университетидаги ўқитувчи, доцент, “Жаҳон адабиёти” журналининг бош мухаррири вазифаларида ишлаган. Кирдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилган. “Замонавийлик адабиётнинг қалби”, “Келажакка чорловчи повест”, “Лирика ҳақида мулоҳазалар”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Истиқлол мъемори” асарларининг муаллифи, Ўзбекистон қаҳрамони, Беруний номидаги мукофот лауреати.

Озод Шарофиддинов “Ижодни англаш бахти”, “Давондаги ўйлар” китоблари учун биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди. Таникли ижодкор 2005 йил 4 октябр куни вафот этган.

**Птолемей Клавдий**  
(татминан 170 йилда «афот этган»)

Қадимги юнон олими. 127-151 йилда Искандарияда астрономик кузатишлар олиб борган. У “Ал-магест” ва “Сурат ул-арз” номли машҳур асарлар муаллифи. “Ал-Мажистий” асари ўша давргача бўлган астрономия фани ютуқларининг геоцентрик тизимидағи баёнидир. Птоломейнинг географиядан қўлланма асарида мухим географик маълумотлар билан бирга Бухоро, Шош,

Самарқанд, Кузоб, Коң, Бинкент, Зомин, Фароб, Фарюна  
каби шаҳарлар ва ылолтларниң географик координаталари  
келтирилган. Унинг математикага, астрономия, оптикага  
багишланган кўплаб асарлари мавжуд.

*Платон (Афлотум)  
(милад. 427-347 йй. Афина)*

Қадимги юнон файнесуфи. Платон зодаги оиласизда  
туғилган 407 йилда Сократ билан танишиб дўстланган,  
унинг энг язсан шоғирди бўлган Афина шахрида Платон  
академияси номи билан ташланган философлар мактабида  
асос солтан. Унинг асарлари 30 дан ортиқ. Платон  
философиясининг негизини учта асос ташкил этади. 1.  
Логикалик. 2. Адл. 3. Жон Шунингдек, унинг давлат  
түзиллиги, бошқарий масалаларидаги қареншарида уч  
табака жақидаги назарияси мавжуд.

1. Давлатни бошқариб турувчи доимимандлар.
2. Давлатни душмандан ҳимоя килидиган ҳарбийлар;
3. Давлатни ва юкоридаги иккиси табакалии моддий  
жискатдан таъминшаб турувчи деҳдор, жумаримандлар.

Платондан 30 дан ортиқ асарлар ва хатлар сақланиб  
корлган. Улардан: “Аполология” (Сократни ҳимоя ‘килиш),  
“Кратон” (Коқунни ҳурамат қилиш жақида), “Давлат”  
(Адолат жақида) асарларидир.

*Паҳлавон Махмуд  
(1247-1326 йй. Хоразм)*

Хоразмлик шоир ва мутафаккир. Асли кўхна Урганчдан  
булиб, кейинчалик Хивада яшаган. Пўстизидўзлик,  
тептакдўзлик билан шутулланган. Машхур полвон-курашчи  
булиб, Ҳиндистон, Эронда полвонликда донг тараттани учун  
Паҳлавон Махмуд деб аталган. У “Канз-ул-ҳақоик” номли  
маснавий краттаган, кўпълаб рубойлар ижод қўялган.

Паҳлавон Махмуд рубойларида ахлоқ-одоб, пёклик-  
халоллик, инсонларварлик ғоялари асосий ўринда туради.

*Пўлатхон (Исҳоқ Ҳясан)  
(1876 й. Марғилонда отиб ўлдирилган)*

Чор ҳукуматига қарши кўтарилилган жалқ кўзғолони  
раҳбари. Сиёсий ва иқтисодий жискатдан ҳукуқсиз халқнинг

мустамлакачиларга қарши кўзголони Наманган вилоятининг шимолий-шарқий кисмида, Нанай ва Косон қишлоқларида 1873 йилда бошлилади. Кўзголончилар Облик қишлоғидаги Наманган ва Косон бекларининг қўшилари устидан галаба қозонади. Худоёрхон кўзголончилар устига қўшин юборади. Кўшиларга талофат жўриб Чотирол тогларига чекинишга мажбур бўлди. Хон кукмдорларида Абдураҳмон Исо Авлиё, Ходназар додро, Худоёрхоннинг катта ўғли Насридинбек 1875 йилда кўзголончиларга қўшилади. Кўзголончилар Уш, Наманган, Андикон, Асака ва Олтиаринни эгаллайдилар. Худоёрхон 1875 йил 22 июнда Тошкентта иғоб, чор хукумати ранокига ўтади. Абдураҳмон офтобати ва тарафдорлари Насридинбекни хон кўлиб кўтарадилар ҳамда рус хукуматидан ёрдам сўрайдилар. Бу замтда кўзголончилар Наркентни босиб оладилар. 1875 йил 7 августда Кауфман уларга қарши жазо отряди юборади. Кўзголончилар чекинадилар. 1875 йил августда Андикон ишвол қилинади.

Насридинбек Кўниш кочанди. Пулатжон ҳокимликка кўтарилади. Декабрда Пулатжон 80 минг кишилик қўшин билан Наманганга юради, бироқ маргубиятга учрайди. 5000 жанг-чи билан Учкўрюнга чекинади. Максус жазо отряди 1876 йил 19 февралда Пулатжонни кўлга туширади ва 29 февралда Марғилонда осиб ўлдирилади. Кўкон ҳонлиги бекор қилиниб, у Туркистон генерал губернаторлиги таркибида Фарюна видоати деб юритилади.

*Наби Раҳимов*  
*(1911.7.11-1994.23.11. Тошкент)*

Ўзек кино ва театр актёри. Кўкон шахрида туғилган.

Ўзек Миллий театри юшидаги драма студиясида ўқиган. 1930 йилдан театр актёри. Сажнада Яго, Кўзиев, Хюстинов, Жеймс, Тейлор, Бобо Кайфий, Ҳамид Сараж, Герци Алъбе-ни образларини яраттан “Мафтунингман”, “Улугбек юлдузи”, “Кутлуг-қон”, “Барни улонлари”, “Утган кунлар”, “Карвон”, “Беруний” кинофильмларида унтутилмас ролларни ижро этган. 1950-65 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳида дарс берган.

*Рум Гонсалес де Клавихо*  
(Түвилган йили номаълум - 1412 й.)

Испан сайёхи. Кастилия қироли Генрих III (Энрико III) томонидан 1403-06 йилларда Амир Темур хузурига юборилган элчиларга бошчилик қилган. 1403 йил 22 майда йўлга чиқиб 15 ойда Самарқандга Темур хузурига етиб келган. Унинг хотиралари 1582 йилда Аргонте де Молина шаҳрида “Буюк Темур тариси” номи билан нашр этилган. Асарда Самарқанддаги Боги Дилкүшдо ўтказилган қабул маросими, ушбу борг тавсифи, Амир Темурнинг ободонлаштириш ишлари кент ёритилган.

*Разоқ Ҳамроев*  
(1910.30.11. Бухоро - 1981.5.05. Тошкент)

Ўзбек актёри, режиссёр, педагог. Тошкент театр ва рассомчилик олийтохини туттаган. Наманган театри асосчиларидан бири. Театрда актёр, режиссёр, бош режиссёр, бадмий раҳбар бўлиб ишлаган. 1946 йилдан Муқимий номли театрда актёр, режиссёр, бош режиссёр вазифаларида фаолият юритган. Сажнада, кинода Нозим, Ҳисрав, Фердинанд, Муқимий, Ҳамза, Навоий, Хўжа Насриддин, Ибн Ирок, Ҳазрат Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзакарим Кутидор образларни яраттан. Режиссёр сифатида “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Олтинкўл”, “Нуржон”, “Макр ва муҳаббат”, “Муқимий”, “Гули сиёҳ”, “Фарюна тоғ отгунча”, “Тошболта ошик” каби асарларни саҳнага одиб чиқкан.

2003 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

*Страбон*  
(мил. авв. 64-23 йй.)

Қадимги Юнон географи, тарихчиси. Юнон маъбалари ва шахсан ўзининг Юнонистон, Кичик Осиё, Италия ва Мисрга қилган сафарларида маълумотлар асосида 17 китобдан иборат “География” номли асар ёзган. У қадимги Юнон ва Румликларга маълум бўлган мамлакатлар тарихи ва табиий географиясига оид қўймматбаҳо маъба ҳисобланади.

*Сукрот*  
(мил. авв. 470-399 йй. Афгана)

Қадимги Юнон файласуфи. Отаси ҳайкалтарош бўлган. Унинг ҳаёти ва таълимоти ҳақидаги маълумотлар

шогирдлари Платон асарлари орқали етиб келган.

Фалсафий диалектикасининг асосчиларидан бири. У баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўргага кўйиш ва уларга жавоб топиш орқали ҳақиқатни аниқлаш мумкин деб тушиунган. У адолатга жилоф бўлган давлатни бошқаришининг ҳамма шаклларини (монархия, тирания, аристократия, плутократияни) танқид килганилиги учун ўлим жазосига хукм килинган (лекин ўзи замар ичиб ўлган).

*Саъдий Шерозий Муслиҳиддин Абу Муҳаммад  
Абдуллоҳ ибн Мушарифиддин  
(1203-1292 йй. Шероз)*

Шоир ва мутасфаккир, шайх Саъдий номи билан машҳур. Беғоддаги «Низомия» мадрасасида таҳсил олган. 20 йилдан ортиқ саёҳати давомида Макка, Яман, Хинд, Рум, Кашиқар каби Яқин ва Ўрга Шарқ мамлакатларида бўлди. Кўрган-кечиргандари ҳакида “Бўстон”, “Гулистан” асарларини ёзган. “Куллиёт” асарига эса “Араб қасидалари”, “Форс қасидалари”, “Таржебъанд” ҳамда 4 та девони киригилган

*Соҳибқиён Амир Темур.  
(Узинг тўлиқ исми Амир Темур иби  
Амир Тарагай иби Амир Баркул)  
(1336 й. 09.04 Қашқадарё вилояти, Яққабое тўмани,  
Хўжаиевор қўшилови – 1405 й. 18.02. Ўтрор шаҳри,  
Самарқанд гўри Амир мақбарасига дағн этилган)*

Ўрга Осиёдаги йирик марказалашган давлат асосчиси, давлат арбоби, саркарда. Амир Темурниң отаси Амир Тарагай барлос уругининг оқсоқолларидан бўлиб, аждодлари Кеш ва Насаф вилоятларида ўз мулкларига эга бўлган ва бу юртда ҳокимлик қилган. Онаси Таксина хотун Кеш иргининг обрўли бека оғаларидан ҳисобланган. Шайх Шамиддин Кулол Темурбекининг пири бўлган. Отаси Темурни аввал (1352 й.) Амир Жоку Барлоснинг қизи Турмуш оғага уйлантиради. 1355. йилда Амир Темур Ҳусайнининг синглиси Ўлжой Туркон отага уйланади. XIV аср, 50 йилларда Мовароуннаҳр амирларининг ўзаро кураши кучаяди. Мўгулистон хонлари Мовароуннаҳрга бостириб кела бошлайдилар. Кеш вилояти ҳокими Амир Ҳожи Барлос Хурсонга кочади. Хон Туғлук Темур 24 ёшли Амир Темурни хизматта олади ва ўз вилояти доругаси этиб тайинлайди, бу ҳакда ёрлик беради. 1370 йил 11 апрелда

Темур Мовароуннахр амирлигига эришади. Мүгул хони Қозонхоннинг қизи Сароймулхоним (Бибихоним)га уйланади. Хонлик тахтига (1370-1380 йилда) Суюрголмишхон, (1388-1402) Султон Маҳмудхонларни чиқаради. Самарқанд давлат пойтахтига айланади. Темур уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик юришлари натижасида Хоразм, Эрон, Закавказье, Ироқ устидан ғалаба қозонди. Давлат худудлари кентгайди. Марказлашган давлат кучайди, ҳалқаро муносабатларда Мовароуннахрнинг обру-эътибори ошиди. Шаҳарлар гуллаб-яшнади, кўплаб суориши иштоотлари, кўприклар, боғлар, масжид, мадрасалар барпо этилди.

1996 йил Амир Темурнинг 660 йиллиги ЮНЕСКО ташаббуси билан жаҳон миқёсида кеңг нишонланди. Юртимизда Темурийлар тарихи Давлат музейи бунёд этилди. Амир Темур ордени таъсис қилинди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкаллари ўрнатилди. Муҳаммад Али Амир Темур ҳақидаги “Улуг салтанат” номли тетрологиясини ёзди.

*Собир Рахимов*  
(1902 й. Тошкент - 1945 й. 26.03. Гданьск)

Ҳарбий арбоб. Генерал майор (1943) С. Рахимов 5 ёшида отадан етим қолади, подачилик қиласи, болалар уйида тарбияланади. 1922 йилдан ҳарбий хизматда бўлган. Бокудаги ҳарбий мактабда, Олмай ҳарбий академияда ўқиган. Двазия командири сифатида шимолий Кавказда ва 1-Белоруссия фронтида жаиг қилган. Гданьскни эгаллашда ҳалок бўлган.

*Сора Эшонтураева*  
(1911 й. Наманган - 1998 й. Тошкент)

Атокли ўзбек актёри, жамоат арбоби. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани Бешбулоқ қишлоғига туғилган. 1922-25 йилларда Тошкентдаги Зебунисо номли мактабда ўқиган. 1925-27 йилларда Москва драма студиясида ўқиган. 1927 йилдан ўзбек миллий театрдида актёр, 1953-60 йилларда шу театр директори бўлган. Турмуш ўртоғи Аброр Ҳидоятов билан бир қатор образлар яратган. Унинг Турсуной, Дилбар, Онахон, Тамилла, Гулойим, Гули, Офелия, Деадемона, Гонерелье, Иокосита, Олгиной каби роллари машҳур.

У “Соғлом авлод учун”, “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

*Содиков Обид Содикович  
(1913.15.11 - 1987.22.07)*

Ўзбек олимми. Органик, биорганик ва табиий бирикмалар кимёси соҳаси билан шуғулланган. Кимё фанлари доктори, академик, хизмат кўрсаттган фан арбоби. Урта Осиё Давлат Университетини туттатан. Шу ерда аспирант, доцент, кафедра мудири, ректор бўлиб ишлаган. Ўзбекистон фанлар академияси Ҳитмё олийгоҳи директори, Ўзбекистон фанлар академияси Преазиденти бўлган.

Ғўза тарқибидаги мэддалар, ёввойи ўсимликлар таркибидаги алкоюйидларни муҳофаза қилиш, полуфункционал тиббий бирикмаларнинг реакциялари механизмини ўрганиш соҳасида илмий ишлар, тадқиқотлар олиб борган.

*Сайд Аҳмад  
Саидахмад Ҳусанхўжаев  
(1920.10.06. - 2005.5.12. Тошкент)*

Ўзбек ёзувчиси. Шириғизсанъат билим юрги, Тошкент Давлат педагогика олийгоҳларида ўқитан. Республика газета ва журналлари таҳририятларида ишлаган. Ижоди 1938 йилдан бошланган. Дастлабки ҳикоялар тўплами "Гортик", "Эр юрак", "Фарюна киноялари", "Чўл бургути", "Чўл оқшомлари" деб номланган. "Қадрдон далалар", "Хўкм" қиссаларини ёзган. Унинг "Уфқ" трилогиясига "Кирқ беш кун", "Хижрон кунлари", "Уфқ бўсағасида" романлари киритилган. "Келинлар қўзғолони" пьесаси машҳур. Кейинги йилларда "Хандон писта", "Хотиралар китоби", "Қоракўз Мажнун", "От билан сұхбат", "Азроил ўтган йўлларда" асарлари дунёга келди. Ўзбекистон Каҳрамони.

Вафотидан сўнг "Киприкда қолган тонг" номли қисса ва ҳикоялар тўплами нашр этилган.

*Сайди Ҳасанович Сироҳиддинов  
(1920.10.05. - 1988.29.04.)*

Ўзбек математик олими ва жамоат арбоби, физика математика фанлари доктори, академик, хизмат кўрсаттган фан арбоби. У Кўкон шаҳрида туғилган. Урта Осиё Давлат Университетини туттатан. Москва Давлат Университетида катта ходим, Урта Осиё Давлат Университетида кафедра мудири, Урта Осиё математика олийгоҳи директори, Тошкент Давлат Университети ректори, Ўзбекистон Фанлар

академияси Вице Президенти вазифаларида ишлаган.

Ўзарувчан кўпхадларнинг хоссалари, математика, статистика, тасодифий миқдорлар ва тасодифий векторлар йигиндиси учун лимит теоремаларга доир илмий ишлар билан шугулланган. Беруний номидаги мукофот лауреати.

### *Тўхтагул Сотилғонов*

(1864 й. 25.10. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти, Қўйичисув қишлоғи – 1933 й. 17.02. Сассилийда қишлоғи)

Қирғиз халқ оқини ва бастакори, қирғиз адабиёти асосчиларидан бири. Дехқон оиласида туғилган. Чонду, Сортбой, Эсемамен ва бошқа халқ бажшиларидан илжомланган. Халқ эпсларини моҳирлик билан ижро этган. “Алимхон”, “Ойимхон”, “Насилхон”, “Эшон халфа”, “Поли халфа”, “Исёнкор Чакирбай” каби асарлари мавжуд.

### *Топтумуҳаммад Алиевич Саримсақов*

(1915.10.09. Андижон - 1995.17.12.)

Ўзбек математиги, жамоат арбоби, физика-математика фанлари доктори, академик, хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўрта Осиё Давлат Университетини тутатган, шу ерда ассистент, доцент, кафедра мудири, ректор вазифаларида ишлаби. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Вице Президенти, иккичи жаҳон уруши қатнашчиси. Унинг дастлабки илмий ишлари эҳтимоллар назарияси услубларини таҳлил этишга бағишланган. Сўнгра синонтик жараёнларни ўрганишда эҳтимоллик схемаларини қўллаш, топологик ва функционал таҳлил назариялари билан шугулланган.

### *Чингизхон*

(1155 й. – 1227 й.)

Саркарда, давлат бошлиги, Мўгул империяси асосчиси. Мўгул қабилалари иттифоқи - тайжиуитлар бошлиги Есугей баҳодирнинг ўғли. Отаси вафотидан кейин 1183 йилда қабилалар устидан ҳокимликни кўлга киритиш учун курашган, кўп сонли отлиқ армияга эга бўлган. 1206 йилги курултойда “Чингиз” (туркча Тенгиз - океан) унвони билан барча қабила ва уруғларнинг буюк хони деб эълом қилинган. Сибир, Шимолий Хитой, Ўрта Осиёни эгаллаган. Ўлимидан аввал империяни ўғиллари Жўжи, Чигатой, Ўктой, Тулига тақсимлаб берган.

**Улугбек (Мұхаммад Тарагай)**  
**(1394 й. 22.03. Султония – 1449 й. 27.10. Самарқанд)**

Буюк үзбек астрономи, тарихчи, давлат арбоби, Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли. Улугбекни билимден уламолар тарбиялаб вояга етказдилар. У диний ва дунёвий билимларни, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганди. Соҳибқирон ўз набирасига Тошкент, Сайрам ва бутун Мўгулистонни суюргол қилиб берди. Амир Темур вафотидан кейин (1405) мамлакат Мовароуннаҳр ва Хуросонга бўлинниб кетади. Хуросонга Шоҳруҳ Мирзо, Мовароуннаҳрга Улугбек хукмдор бўлди. Улугбек Самарқандни 40 йил мобайнида идора қилди. Бу даврда мамлакат ободончилиги билан бирга Ўрта Осиё жалқлари илм-фан ва маданиятини дунё таракқиётининг олдинги сафига олиб чиқди. Улугбекнинг “Зижи Кўрагоний” асари Оксфорд университетида, Польшада, Англияда, Францияда, Германияда, Америкада, Туркия, Эрон, Афғонистон, Хиндистон ва Европа мамлакатларида таржима қилиниб, чоп этилди. Мазкур асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ўқотган эмас.

1994 йил ЮНЕСКО ташаббуси билан унинг 600 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Миллий Университети унинг номи билан аталди.

**Усмон Носир**  
**(1912 й. 13.11. – 1952 й. 20.12.)**

Ўзбек шоири, таржимон, педагог. Косиб оиласида туғилган. Болалар уйида тарбияланган. Ўрта мактабни туттаттач Кўқондаги Педагоглар тайёрлаш курсида ўқиган, Ўқитувчи, илмий мудир бўлиб ишлади. 1930 йилда Москва киноматография олийтохига ўқишига кирди. Касаллиги туфайли бир йилдан сўнг Кўқонга қайтди. Самарқанд Давлат олийтохига ўқиди. Тошкентда газета ва журналлар таҳририятларида ишлади. “Куёш билан сұхбат”, “Сафарбар сатрлар”, “Юрак”, “Мехрим” шеърий тўпламлари, “Норбўта”, “Нажишон” достонлари нашр этилган. А. С. Пушкиннинг “Богча Сарой фонтани”, М. Ю. Лермонтовнинг “Демон” достони, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сидан парчаларни ўзбек тилига таржима қилган.

**Ҳамид Олимжон**  
(1909 й.12.12. Жиззах-1944 й.03.07. Тошкент)

Ўзбек шюири, публицист, олим, таржимон, жамоат арбоби, ўзбек адабиёти асосчиларидан бири. Дэхқон оиласида туғилган. 4 ёшида етим қолиб бобоси мулла Азим ва онаси Комила оналар қўлида тарбияланган. Жиззахдаги Нармонов номли мактабда, Узбекистон Педагогика академиясида ўқитан. Тошкентда Узбекистон газета ва журнallарида, Узбекистон ёзувчилар уюшмасида ишлаган. Дастрлаб (1916) Учкун тахаллуси билан очерк, ҳикоялар ёзган. Илк шеърлар тўплами 1919 йилда “Кўклам” номи билан нацпр этилган. Сўнгра “Тонг шабадаси”, “Олов соchlар”, “Пойга”, “Ўлим ёвга” асарлари дунёга келди. “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семург ёки Паризод ва Бунёд”, “Икки қизнинг ҳикояси”, “Зайнаб ва Омон” достонлари “Ўзбекистон қиличи”, “Муқанна” номли тарихий драмалар, публицистик асарлари, илмий мақолалари, жажон адабиёти дурдоналаридан ўзбек тилига таржималари ўзбек адабиётини бойитишга салмоқли ҳисса қўшиди.

Тошкент метрополитени бекатларидан бири, Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйи, Самарқанддаги вилоят театрига Ҳамид Олимжон номи берилган. Тошкент шахрида шоир номи билан аталган майдонда ўнга ҳайкал ўрнатилган.

**Ҳалима Носирова**  
(1932.7.12. Қўйон - 2003.3.1. Тошкент).

У Қўйон яқинидаги Тоғлик қишлоғида туғилган. Хонанда, ўзбек вокаль санъатининг намояндаси, опера солисткаси, Боку театр биллим юртида, Москва. Тошкент консерваториясида таҳсил олган. Фаолиятини Узбекистон Миллий театридан бошлаган. 1939 йилдан опера ва балет театрида фаолиятини давом эттирган. “Аршин мол олон”, “Пўргана”, “Ҳалима”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Гулсара”, “Кармен”, “Тоҳир ва Зухра”, “Майсарапанинг иши”, “Зайнаб ва Омон” асарларида бош ролларни ижро этган. Унинг репертуарида ўзбек классик қўшиқлари катта ўрин олган.

Ҳалима Носирова Давлат мукофотлари (1946, 1951, 1968), Ҳамза номидаги Узбекистон Давлат мукофоти (1971), “Буюк хизматлари учун” ордени (2000) билан тақдирланган.

*Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ  
ибн Иброҳим Ибн Арабшоҳ  
(1388 й. Дамашқ-1450 й. Кохира)*

Араб тарихчиси Амир Темур Шом (Сурия)ни эгаллагач (1401) Ибн Арабшоҳни Самарқандга олиб келган. Бу ерда у машҳур олимнордан сабоқ олган. Форс, турк тилларини эгаллаган, адабиёт, илоҳиёт билан шугулланган. Мўгулистан, Хитой, Олгин Үрда пойтахти Саройда бўлган. Ҳожа Тархон (Астрахан)да хукуқ билан шугулланган. Ибн Арабшоҳнинг энг машҳур «Ажойиб ул-макдур фи-ахбороти Темур» (“Темур ҳакидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”), “Фуррат ус-сир фи дувалит-турк ва-татар” (“Турк ва татар жалқлари давлатларидағи сийратлар сараси” асари Олгин Үрта ҳакидаги кўтлаб маъумотларни ўз ичига олади) асарларини ёзив колдирган.

*Шукур Бурҳонов  
(1910 й. 15.09. – 1987 й. 14.08. Тошкент)*

Ўзбекистон халқ артисти, кино ва театр актёри. 1928 йилдан Ўзбек миллий театрида ишлаган. Театрда бир қатор ролларни ўйнаган. Булардан Ҳамза асаридаги Гофур (“Бой ила хизматчи”) образи машҳур. Фалсафий мазмунга эга бўлган образлари: Ҳамлет, Ромео, Брут (“Ҳамлет”, “Ромео ва Жульєтта”, “Юлий Цезарь”), Мирзо Улугбек (“Мирзо Улугбек”), шоҳ Эдип (“Шоҳ Эдип”), Сулаймон ота (“Киёмат кара”). Ўзбек кино санъатида у Коработир (“Тоҳир ва Зухра”), Гофур (“Бой ила хизматчи”), Мирзо Улугбек (“Улугбек юлдузи”) каби роллари орқали ўзбек санъатини жамонга таниди.

Мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

*Шароф Рашидович Рашидов  
(1917.6.11 – 1983.31.10)*

Ўзбек ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби, Жиззах шаҳрида дехқон оиласида тугилган. Жиззах педагогика билим юртини, Самарқанд давлат университетини, Москва олий партия мактабларини туттаган. Мактабда ўқитувчи, директор, газета, журналларда адабий ходим, масъул котиб, мухаррир вазифаларида ишлаган. 1941-42 йилларда

мактабининг асосчиси.

Собир Юнусов 2002 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон ФА ўсимлиқ моддалари кимёси институтига унинг номи берилган.

**Яхё Гуломов**  
(1908 й. 01.05.-1977 й. 12.01 Тошкент)

Ўзбек археологи, тарих фанлари доктори, академик, Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юртини, Самарқанддаги Педагогика академиясини битирган. Илмий фаолияти 1933 йилдан бошланган. Қадимги ва ўрга асрлар тарихи, Хоразмнинг сугориши тарихи; археология, этнография соҳаларида илмий ишлар олиб борган. “Ўзбекистон тарихи”, “Самарқанд тариси” (4-2 томлик) асарлари муаллифларидан. Ўзбекистонда тош даврини ўрганишга катта ҳисса қўшган.

Вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган. Республикаизда Яхё Гуломов хотирасига бағицланган “Академик Яхё Гуломов ўқишилари”ни ўтказиш илмий анъанага айланган. Тошкент кўчаларидан бири ҳамда Ўзбекистон ФА Археология институтига Яхё Гуломов номи берилган.

**Эзоп**  
(мил. авв. 6 аср)

Юнон масалчиси. Эзоп фрикиялик қул бўлиб сўнг озод қилинган. Лидия шоҳи Крез саройида хизмат қилинган. Дельфада ўлдирилган. 300дан ортиқ масаллари сакланиб қолган. Унинг масаллари персонажлари (асосан ҳайвонлар) ўта шартли, воқеалар ихчам баён қилинган, тили содда.

**Юлий Цезарь Гай**  
(мил. авв. 102-44 йй. Рим)

Қадимги Римнинг давлат ва сиёсат арбоби, саркарда, ёзувчи, зодагонлар оиласида туғилган. 73 йили ҳарбий трибуни қилиб сайланган. 48 йилда Помпей қўшинлари тор-мор этилгач умрбод диктатор этиб тайинланган. Унинг ҳокимияти зодагонлар қаршилигига учраб, аслзода сенаторлар томонидан ўлдирилган. Юлий Цезарнинг “Галлия уруши ҳақида хотиралар”, “Фуқаролар уруши ҳақида хотиралар” хатлари машхур.

**Юсуф Ҳос Ҳожиб**  
(1019 й. Боласовунда туеилган,  
вафот этган йили номаълум)

Туркйгўй олим, мутаффаккир. Асл исми Юсуф. “Кутадгу’ билиг” асари муаллифи. Корахонийлар хукмдори Тормочондан Ҳос Ҳожиб (әшик оғаси) мартабасини олган. Адаб ўз асарини 1069-1070 йилда ёзган. Асарда асосий эътибор марказлашган давлат, маъмурӣ хўжалик, маърифат, ободончилик, моддий-маънавий масалаларга қаратилган. Баҳсли масалалар юзасидан ҳам ахлоқ-одоб, илм, инсонийлик ва адолат доирасида фикр юритилган.

**Юнусов Собир Юнусович**  
(1907.18.03-Гашгашт.)

Ўзбек кимёгар олимий, кимё фармации доктори, академик, Мехнат Қаҳрамони, фан арбоби. Арга Осиё давлат университетини, Москва кимё-фармацияни олий тоҳини тутаттган. Ўзбекистон Кимё олийида бўлим мудири, ректори, Ўзбекистон фанлар академиясининг Президенти вазифаларида ишлаган. Ўзбекистон алкоидлар кимёси

мактабининг асосчиси.

Собир Юнусов 2002 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон ФА ўсимилик моддалари кимёси институтига унинг номи берилган.

**Яҳё Гуломов**  
(1908 й. 01.05.-1977 й. 12.01 Тошкент)

Ўзбек археологи, тарих фанлари доктори, академик, Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юртини, Самарқанддаги Педагогика академиясини битирган. Илмий фаолияти 1933 йилдан бошланган. Қадимги ва ўрта асрлар тарихи, Хоразмнинг суюриш тарихи; археология, этнография соҳаларида илмий ишлар олиб борган. “Ўзбекистон тарихи”, “Самарқанд тарихи” (4-2 томлик) асарлари муаллифларидан. Ўзбекистонда тош даврини ўрганишга катта хисса қўшган.

Вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган. Республикаизда Яҳё Гуломов хотирасига бағишланган “Академик Яҳё Гуломов ўқишилари”ни ўtkазиш илмий анъанага айланган. Тошкент кўчаларидан бири ҳамда Ўзбекистон ФА Археология институтига Яҳё Гуломов номи берилган.

## VII. Тарихий – географик жойлар, атамалар архитектура обидалари ва бадимий-адабий ёдгорликлар.

### *Авесто*

Зардуштийлик (Зороастрисм) динининг муқаддас китоби. Авесто – қатъий қонунлар түплами демакдир. Авестонинг туб маъно – можиятини белгилаб берадиган тамойил “Эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал” каби муқаддас учлик (ахлоий триада)да ўз ифодасини топади. Авестода борлик икки ибтидодан – зазулик ва ёвузликдан иборат ҳамда тўрт унсур – олов, ҳаво, сув, тупроқдан иборат бўлиб, улар муқаддас саналган. Авесто ўзбек, умуман, Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ҳалқларининг қадимги давридаги ижтимоий-иктисодий ҳёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини ўрганишда муҳим манба хисобланади.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессияси Авестонинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрнини хисобга олиб, китоб яратилганинг 2700 йиллигини дунё миёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди (1999 й., ноябрь). 2001 йиллининг октябрь ойида Ўзбекистонда ҳалқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбири ўтка-зилди.

### *Агра*

Ҳиндистоннинг шимолидаги шаҳар. Утар Прадаш штатида, Жамна дарёсининг ўнг соҳилида. Агра Бобурийлар пойтахти бўлган. Захирийдин Мұҳаммад Бобур шу ерда вафот этган. Акбар ва Шоҳ Жаҳон даврида равнақ топган (16-17 асрлар) Мусулмон архитектурасининг ажойиб ёдгорликлари “Марварид Маҳмуд”, “Тож Маҳал” мақбаралари барпо этилган.

### *Ажам (Араб эмас)*

Араблардан бошқа шарқ ҳалқларининг умумий номи, шунингдек, араблар яшайдиган Шарқ мамлакатлари, хусусан, Эрон ва Турон ҳам “Мулки ажам” деб юритилган.

## *Академия*

Афина яқинидаги юнонларнинг афсонавий қаҳрамони Академ исми билан аталган жой номи. Кейинчалик илмий, ўкув, бадиий муассасалар ҳамда жамиятлар номи. Академиялар фаолияти Қадимги Юнонистонда Платоннинг фалсафа мактабига асос солишидан бошланган (мил. ав. IV аср). Шарқ мамлакатларида VIII-I асрларда таркиб топа бошлаган. Араб ҳалифалигига Хорун-ар-Рашид ҳукмронлиги (786-809) даврида “Байтул-хикма” (Хикматлар хонаси)га асос солинган. Унинг обсерваторияси ва катта кутубхонаси бўлган. 1010 йили Урганчда Маъмун академиясига асос солинган. Абу Райхон Беруний шу Академиянинг раҳбари эди.

## *Акрополь*

Юнон тилида okros-баланд, polis-жой, қадимги Юнонистонда шаҳарларнинг муҳофазаланган ва баландликка жойлашган қисми. Акрополлар шаҳарларнинг диний ва маданий маркази бўлган.

## *“Алпомиши”*

Ўзбек ҳалқининг қаҳрамонлик достони. Туркий ҳалқларнинг достончилик анъаналари заминидан Бойсун-Кўнгирот қабилицасида юзага келган. Туркий ҳалқларнинг марказлашган давлат ҳокимияти учун кураши куйланган. Алпомишнинг 30 дан ортиқ варианти ёзib олинган. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Алпомиши” классик варианти ҳисобланади. Ўзбек миллий давлатчилигининг ишодеси сифатида Термиз шахрида Алпомиши ёдгорлиги ўрнатилинган. 1999 йилда достоннинг 1000 йиллиги нишонланади.

## *Амир Темур дарвозаси*

Жиззах шахридан 13 км. гарбда 20 км. узуниликдаги “Илон ўтди” дарасидаги Сангзор дарёсининг ўзани, Моргузар ва Нурота тоғлари ўртасида. Сирдарё ва Зарафшон воҳаларини бир-биридан ажратиб туради. Дарада маҳсус соқчилар туриб, карвон ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаган. Самарқанд шаҳрини Шарқдан бўладиган хавфдан кўриқлаган. Амир Темур дарвозаси қояларига Улугбекнинг 1425 йилда мўгул кўшинлари устидан қозонган галабаси таърифи ёзилган.

## *Амир Темур мақбараси (Гури Амир, XIV аср охири- XV аср бошлари)*

Самарқанд шаҳридаги Кўксарой майдонидаги курилган. Ноёб архитектура ёдгорлиги. Амир Темур набираси Султон Мухаммад 1403 йилда ҳалок бўлгач, мақбара куришга фармон беради. Мақбара уста Мухаммад ибн Махмуд Исфаҳоний томонидан курилади. Мақбаранинг ичи тўртбурчак, ташки кўринишси саikkиз томонли призма шаклида. Мақбара гумбази ост кисми диаметри 15 метр, баландлиги 12,5 м бўлиб, 64 қовургали. Гумбаз усти сирли зангори коннилар билан безатилган. Мақбаранинг ўртасига сагана тошлиари ўрнатилган. Амир Темур, унинг икки набираси Мухаммад Султон ва Улугбек, икки ўғли Шоҳруҳ ва Миронзоҳ ва бошқаларнинг саганалари мармар панжара билан ўралган. Мақбаранинг шарқ томонидаги ровоқ пастидаги зиннадан мақбаранинг остки қаватидаги даҳмага тушилади. Даҳманинг шили ўн икки қиррали гумбаз қилиб кия ишиланган.

## *Амир Темур юри*

Сурхондарё вилояти Бойсун тогидаги ибтидоий одамлар манзилгоҳи бўлган юр. Бу юрда учта қатлам бўлиб, юқоридаги ижитаси янги тош даврига, энг куйиси мустеъ даврига мансуб. Горда ибтидоий одамлар жамоа-жамоа бўлиб яшаган. Овчиллик билан шутурулганган.

## *Афросиёб*

Самарқанднинг қадимий урни. Афросиёб Чинчижон хужуми вактида вайрон бўлган. Бу эйж хозирги Самарқанднинг шимолий чегарасига туташган кенг ва бўш тенгликлар. Археологик таддиқотлар натижасида шахарнинг ўрта кисмидаги Самарқанд ҳукмдори Ихшид саройи очилди. Сарой деворида турли тарихий воқеалар акс эттирилган суратлар ва топилаётган ашёвий далиллар шахарнинг бундан 2500-2700 йил аввал курилганлигини исботлади.

## **Аҳмад Яссавий мақбари** (XIV-XV асрлар)

Амир Темур томонидан Ўрта Осиёда қурилган машхур меъморчилик ёдгорликларидан бири. Ҳозирги Туркистон шаҳрида жойлашган. Мақбара ҳашамдор ва улугзор (65,5Х16,5 м), марказий ўқ чизигига нисбатан сим-метрик йўлаклар воситасида саккизга бўлинади. Бинонинг марказий кисмидан юқоридаги хонага Аҳмад Яссавий қабри қўйилган. Ёдгорлик ўз замонасининг машхур меъморчилик асари бўлган.

### **Бақтрия**

Ўрта Осиёдаги қадимги вилоятлардан бири. Тарихий манбаларда Бақтрияна, Бақтра номлари билан тилга олинади. Бақтрия номи қадимги эронча: бохтар - замин, яъни шарқ томондаги ўлка маъносини билдиради. Қадимги Бақтрия чегараси шимолда Бойсун тогларидан Дарбандгача, жанубда Ҳиндикуш тогларигача. Шарқда Бадахшон ва гарбда Туркистоннинг Марв шаҳритгача чўзилган. Бақтрия тўгрисидаги энг қадимги ёзма маълумотлар “Авесъо”, “Рамаяна”, “Ригведа” ва юнон асарларида зикр этилган.

### **Балиқ (Балық)**

Қадимий туркий тилда “Шаҳар” деган сўз. Туркий руник ёзувларда “Девону-лугатит турк”да қайд этилган. Масалан Бешбалиқ (шарқий Туркистон), Хонбалиқ (Пекин шаҳрининг қадимий туркий номи) ва ҳоказо.

### **Бағдол**

Ироқнинг пойтахти. Дажла дарёсининг ҳар икки соҳилида Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Ўрта денгиз мамлакатларини бирлаштириб турувчи йўллар чорраҳасидаги мамлакатнинг энг катта шаҳри. Бағдолни 762 или Ҳалифа Мансур Мадинат-ул-Салом (Тинчлик шаҳри) номи билан барпо этиб, Аббосийлар халифалиги пойтахтига айлантирган.

### **Баҳоуддин ансамбли**

Шайх Баҳоуддин ансамбли. Бухорода XVI асрда бунёд этилган. 1544-45 йилда ансамблнинг энг катта биноси

хонақоҳ қурилган. Комплекснинг асосий қисмига даҳмалар (Даҳмаи Шоҳон, Баҳоуддин даҳмаси), мақбара, 2 масжид, сангхона, ҳовуз, кудук, минора, мадраса ва Абдуллаҳон хонақоҳи киради. Шунингдек ансамбл таркибига ундан 0,5 км. шимоли-шарқда жойлашган “Қасри орифон” масжиди ҳам киради.

### *Бибихоним мадрасаси*

Амир Темурнинг катта хотини Сароймуллохоним-Бибихоним XIV аср охири XV аср бошларида курдирган улкан, маҳбобатли бино. Мадраса XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллоҳон буйргуи билан бузилиб, мадрасадан мақбара қисмигина сақланиб колган. Мақбаранинг олд ва ички томонлари кошилар билан безалган. Мақбара даҳмасига ташқаридаги маҳсус эшикдан кирилган. Даҳма ичидаги тош тобутта Бибихоним дағи этилган.

### *Бибихоним масжиди*

Ўзбек меъморчилик санъатининг ноёб дурдонаси 1399-1404 йилда Самарқандда Амир Темур Хиндистонни забт этиш шарафига курдирган. Масжид ҳоялиси саҳни 63,8X 76 м. бўлиб, тўрт томондан ровоқ ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг умумий саҳни 167X109 м. Бурчаклардаги миноралардан факат шимолий гарбий минора (18,2м) сақланиб колган. Ҳояли тўрида меҳробли ва баланд пештоқли бино бор. Ҳояли ўргасида мармар тощдан ясалган улкан лавҳ ўрнатилган. Масжидга кираверицида баландлиги 33 м., кенглиги 46 м. пештоқ бор. Ўнг томонларида пештоқдан баланд миноралар бор. Кўш табақали дарвоза етти хил металлдан (биринч) ясалган, кейинчалик йўқолиб кетган. Пештоқ ва миноралар жилвали кошилар билан безалган.

### *Бинкат*

Қадимги Шоҳ давлатининг пойтахти Сирдарё ирмоғи – Чирчиқнинг ўрта қисми ўнг соҳилида ҳозирги Тошкент ўринида барпо этилган. У араблар истилоси даврида бузилиб (VIII аср), Жом канали (Бўёсув) атрофида қайта тикланган (IX аср). Бинкат Сирдарё ўрга ҳавzasининг энг лирик шахарларидан ҳисобланган. Ташқи қалъа деворининг бир тарафидан искинчи тарафигача бир фарсаҳ (6 км) бўлган. Бинкат XI асрга келиб Тошкент номини олган.

## **Бириңч**

Бронзанинг бир тури. Таркибидаги иккисе сарық ва қызыл мис, уч ҳисса қалай, бир ҳисса қўрғошин бор. 7 жил металлдан тайерланган олтинсимон бириңч “ҳафт жушт” деб аталган.

## **Бобил (Вавилон)**

Дажла ва Фрот дарёлари орасидаги Месопотамиянинг (Ал-Жазира) жанубий қисмидаги мил. авв. иккинчи минг йилликнинг ўргаларида вужудга келган қулдорлик давлати. Олд Осиёнинг энг катта савдо-сиёсий, маданий маркази бўлган. Бобил шаҳри вужудга кёлмасдан олдин иккиси дарё оралиғида Шуммер ва Аккад давлатлари мавжуд эди. Мил. авв. XXI асрда кўчманчи ассорийлар Аккадни босиб олиб, қудратли давлат барпо эттанлар ва Бобил шаҳрини давлат марказига айлантиргандар. Бобил шаҳри милюднинг II асрида ҳаробага айланган.

## **Бобур мақбараси**

Бобурнинг эвараси Жалолиддин Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгиршоҳ томонидан Афғонистоннинг Кобул шаҳридаги боғи Бобурда 1607 йилда Захириддин Муҳаммад Бобур қабрига қурилган сағана ва қабр тоши, кейинчалик сағанага уч томони ёпик шайлон қурилган. Сағана устига ва унинг бош томонига тик ўрнатилган қабр тоши қора, кулранг мармардан ясалиб, мадхиялар ёзилган.

## **Бобурнома**

Асар 1525-1530 йилларда ёзилган. Ўзбек тили ва адабиётининг дурданаларидан бири. Асада Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хурросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асад асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг бириңчи қисми XV асрнинг иккинчи ярмидаги Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни, иккинчи қисми - XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бириңчи ярмидаги Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми XVI асрнинг бириңчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихини акс эттирган “Бобурнома”да ўша даврнинг смёсий воқеалари мукаммал баён қилинада экан унда муаллиф томонидан ўз юрти Фарғона

вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёning йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида нихоятда нодир маълумотлар келтирилган. Китобда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Фазна ва улар ихтиёридаги кўпдаи-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Хиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

“Бобурнома” Мовароунаҳр, Ҳурросон, Ҳиндистон, Эрон ҳалқларининг XV аср охири - XVI асрнинг биринчи ярмидағи тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юкоридан номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, ҳалқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, мухим тарихий иншоотлари-ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида нихоятда нодир маълумотларни ўзида камраб олган шоҳ асаддир.

### *Бори Баланд*

Самарқанднинг шимолида Чўпонота мақбараси атрофида (ҳозирги Самарқанд-Тошкент автомобиль йўли атрофида) Амир Темур барпо этган бор. Бор Темурнинг ўли Миронҷоҳнинг қизига атаб курилган. Энг гўзал боғлардан бири. Эрон, Озарбайжоннинг энг яхши меъморлари Табриз мармарларидан боғда кўпк тиклашган.

### *Бори Бекишт*

Самарқанднинг гарбида Амир Темур хотини Туман оға учун 1378 йилда курдирган бор. Боғдаги сарой атрофи ҳандақ билан муҳофаза этилган сунъий теналик устида Табризнинг оқ мармаридан бино қилинган. Бир неча кўприклар саройни бор билан боғлаган.

### *Бори Даълатобод*

Самарқанд-Шаҳрисабз йўли устидаги Амир Темур барпо килган бор. Жанглардан талаба билан қайтган Амир Темур шу боғда қабул маросимлари ўткааган. Боғдаги б 6 та жовуз ариқлар билан туташтирилган. Бор атрофи кўпк, баланд

девор билан ўралган. Бөгдаги Ўрда атрофига ҳандак қазилиб, 2 та дарвоза ва осма күпприклар орқали кирилган.

### *Бори Дилкушю*

Самарқанддан 6 км. шарқда, Чумчукли қишлоғида Амир Темур барпо эттан бөг. Бөгда гумбаз шаклида қаср бўлиб, унинг уч томонида миноралар қад кўтарган, фавворалар, миноралар курилган. Амир Темур бу бояни хотини Тўқол хоним шарафиға курдирган.

### *Бори Жаҳоннамо (Дунёни кўрсатувчи ёки ойна бое)*

Самарқанд шахридан жанубда ҳозирги Самарқанд – Шахрисабз йўли устидаги Қоратепа қишлоғида Амир Темур барпо эттан бөг. Бөг яқинида Амир Темурнинг катта қалъаси бўлган. Бөг жойлашган қишлоқ ҳозир ҳам Қоратепа деб аталади.

### *Бори Майдон*

Самарқанднинг шимолида, Чилустун қишлоғида Амир Темур курган бөг. Бөгда чиройли айвои, қизматбахо тошдан таҳт ясалган. Мирзо Улугбек даврида бөг яна ҳам гўзаллаши. Бекка иккиси қаватли, тўрт минорали, устунлари тошдан ясалган кўшик курилган.

### *Бори Нав (Нигиг бор)*

Самарқанднинг жанубидаги Лолазор қишлоғига яқин ерда 1404 й. Амир Темур курган бөг. Бөг тўртбурчак шаклда бўлиб, баланд девор билан ўралган, бурчакларига миноралар кўтарилиган. Бөг ўртасида гумбаз шаклида қаср, ўртасида ҳовуз бўлган. Қишлоқ ҳозир ҳам Лолазор деб аталади.

### *Бори Чинор (Чинор боеи)*

Самарқанднинг Жануби-Гарбидаги, Даргом ариги яқинида Амир Темур барпо эттан бөг. Чинор даражатлари кўплигидан Бори Чинор деб аталган. Бу бөг барпо этилган Ҳўжа қишлоғида ҳозир ҳам чинор даражатлари кўп.

## **Боги Шамол**

Самарқанднинг шимолида Амир Темур набираси, Мироншохнинг қизига атаб 1397 йилда қурдирган бөг. Боги Шамолнинг ҳар бир тарафи 1500 қадам бўлган. Богининг сарой деворлари мармардан, ер (пол)и қора ёюч ҳамда филизидан қадама қилиб ишланган. Бу мавзе ҳозир ҳам Боги Шамол деб юритилади.

## **Бўзсув**

Қадим замонларда Чирчик дарёсидан чиқарилган канал. Узунлиги 159 км. Чиноз яқинидаги Сирдарёга куйилади. Бўзсув Чирчиқнинг ўнг сожилидан бошланиб шимоли-шарқдан жануби-гарбга йўналиб, Тошкент шахридан оқиб ўтади.

## **Далғти қипчоқ**

Сирдарёнинг куи оқими ва Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг куи оқимларигача бўлган ҳудуднинг XI-XVI асрлардаги номи. Хисрав Деҳлавий (1003-1088) биринчи бўлиб кўллаган. Шундан бўён араб ва форс тилларидағи асарларда кўлланилган.

## **“Девони лугатит-турк”**

Махмуд Кошгарийнинг туркий тиллар ҳақидаги қомусий асари (хижрий 469 - милодий 1074/75й). Асар аббосий халифалар авлодидан бўлган баланд мавқели Абулқосим Абдуллоҳ бинни Мухаммад ал-Муктадога багишланган. Асарнинг асосий матни уша даврда кенг минтақа мусулмон Шарқида, бутун Яқин ва Ўрта Шарқ дин, фан тилига айланган араб тилида битилган бўлиб, туркий тилнинг бойлигини, мазмундор ва ранг-баранглигини тушунириш учун ёзилган. Кошгарий асари, ўзи таъкидлашича, “олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда” тузилган. Унда кўп шевашуносликка оид қиёсий қоидалар, грамматик, морфологик, лексик, семантик алломатлар кўрсатилган. Асар фойдаланувиларга осонлик түздириш учун содда ва лўнда ёзилган. Унда қадим турк алифбоси, фонетик қонунлар, орфоэзгик ва орфографик қоидалар пухта тушунириб берилган. Лугатда туркий сўз тузилиши анъаналари,

жумладан, сўз тартиби, феъл шакллари, сўз этимологиясига оид фикрлар баён этилган. Асар 8 бўлимдан, мұқадимма ва хуносадан иборат.

Туркий жалқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўалар, 700 сатрдан ошлик шеърий парчалар ушбу асар саҳиғаларидан ўрин олган.

“Девону лугатит турк”ни ўша даврларда Марказий Осиё минтақасида яшаган туркий жалқлар ҳәёти ҳақиддаги комусий асар деб аташ мумкин.

### *Дин*

Арабча - эътиқод, ишонч. Дин дунёвий нуқтаи назарга кўра ижтимоий-тариский ҳодиса. Кишилилк жамияти тариский тараққиётнинг меълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан бири. Умумий нуқтаи назарга кўра -дин ишонмоқлилк туйгусидир. Бу туйгу инсоннинг руҳий-маънавий эҳтиёжидир.

### *Динин қалъя*

Хива работи XIX аср бошларида Хоразм хони Олло-кулихон Хивани ташки хужумдан сақлаш учун 6 км. кўргон-девор ўрнатган. Курилишга кўп аҳоли жалб этилиб, олти ҳафтада битказилган. Қалъада 10 та дарвоза бўлган. Дишан қалъада шаҳарнинг тим ва қалъалари жойлашган.

### *Замаҳшар*

Хоразмдаги қадимий шаҳар. Мажмуд-аз-Замаҳшарий ватани. Ҳозирги Туркманистоннинг Тошқовуз вилояти Тахта тумани худудида бўлган Кўхна Урганчдан 125, Хивадан 80 чақирим келадиган Замаҳшар ҳаробалари ўрнида бўлган.

### *Зангиота ансамбли*

Тошкент вилояти Зангиота қишлоғидаги мақбара ва бошقا бинолардан иборат архитектура ёдгорлиги (XV-XX асрлар) Гумбазли дарвазажона, иккита минара, пешайвошли масжид, ҳовлининг уч томонида бир қаватли хужралар бор. Зангиота мақбараси ҳовлининг жануб томонида. У пештоқли айвон, зиёратхона, қабрлардан иборат. Зиёратхона икки

қаватли гумбаз билан ёпилган. Гумбаз пештоқлари сирли кошинилар билан безалган. Жанубда Зангютанинг хотини Анбар биби мақбараси жойлашган.

### *Зарафшон (форс-тожик: олтин сочувчи)*

Тоҷикистон ва Ўзбекистондаги дарё. Тарихий манба-ларда Политимет, Нахр-ул-Бухоро, Дарёи Кӯҳак каби номлар билан тилга олинади. XVIII асрдан бошлиб Зарафшон деб аталган. Узунлиги 781 км. Ҳавзасининг майдони 4180 кв. км. Зарафшон Туркистон, Зарафшон, Олой тизмалари бириккан Масҷоҳ (Кӯксув) төр тутунидаги Зарафшон музалигидан Маҷҷоҳдарё номи билан бошданади. 200 кмдан сўнг унга Фондарё кўшилиб Зарафшон номиди олади. Зарафшон яна 100 км. оқиб боргач, Равотхўжа қишлоғига Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўйлаб оқади. Самарқанддан бироз Шарқроқда Чўпонота тепалиги ёнида дарё икки йирик тармоқка Оқдарё ва Корадарёга бўлинади. Бу икки тармоқ Миёнкўл оролини ҳосил қилиб Ҳатирчи қишлоғи ёнида яна бирлашиб, Зарафшон номи билан Навоий ва Бухоро вилоятлари томон оқади. Бухоронинг Қоракўл қишлоғига дарё майда каналларга бўлинисб тугайди.

### *Зижки Кўрагоний*

“Зижки жадиди Кўрагоний” (Кўрагоний янги астрономик жадвали) “Улугбек зижки”. Самарқанд яқинидаги расадхонада Мирзо Улугбек раҳбарлигига яратилган илмий аеар (1437). Икки бўлимдан: батафсил ёзилган муқаддима ва вазиятлари элиттик системада берилган 1018 та юлдузнинг жадвалидан иборат.

### *Исмоил Сомоний мақбараси (848-907)*

Бухородаги тарихий ёдгорликлардан бири. Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари мақбараси куб шаклида ( $10,80 \times 10,70$  м.) 892-943 йиллар орасида бунёд этилган. Мақбарамининг усти гумбаз қилиб ёпилган, гумбаз атрофида тўрт минорача ўрнатилган. Деворлари қалин (1,8 м.). Мақбарамининг тўрт томонида тўртта бир жил әшик ўрнатилган. Бинони безашда ёюч ўймакорлигидан фойдаланилган.

*Истанбул  
(Юон. Константинопол)*

Туркиядаги энг катта шаҳар. Майдони 226 кв. км. Мармара деңгизи ва Босфор бўлоғи соҳилларида жойлашган. Бўғоз шаҳарни иккига Осле ва Европа қисмига бўлди туради. 1970-72 йилда Босфор бўғозига Истанбулнинг ҳар иккала қисмини бирлаштирадиган кўприк курилган. Истанбулга 326 йилда Византий императори Константин асос солган. 1453 йилда Истанбулни турклар босиб олгандан сўнг шаҳар Истанбул деб атала бошланган.

*Каффол Шоий мақбараси*

Тошкентдаги архитектура ёдгорлиги (XVI аср) Ҳазрати имом (Хости имом) номи билан машқур бўлган Имом Абубакр Мухаммад Каффол Шоий (976 йилда вафот этган)нинг қадимги кичикина мақбараси ўрнида бирто этилган. Мақбаранинг тархи хоч шаклида бўлиб, ўртадаги катта хона икки қаватли гумбаз билди ёпилган. Тўрдаги хонада сагана бор, бино пишиқ имшидан ганч коришмаси билан терилган, эшик тепасида бинонинг курилган йили (1541-42) меъмор (Гулом Ҳусайн) ва ҳаттот (котиб Кудрат)нинг исми ёзилган. Мустақалик йилларида мақbara Хости имом ансамбли номини олди ва бу ерда улкан пештоқли ва кўш мажорали (86 м.) жомеъ масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари дуний мадрасининг маъмурий биноси, кутубхонаси барпо этилди.

*Кўкалдони мадрасаси*

Бужородаги Лабидовуз ансамблига кирувчи архитектура ёдгорлиги (1568-69 й.). Бужоро амирлигига вазири, Кулбобо Кўкалдош курдирган. Икки қаватли бино. Ансамблдаги энг катта иморат. Очик майдонда тўури тўрт бурчак шаклида курилган. Мадрасанинг олд тоғации пештоқли бўлиб, кошинглар билан безатилган. Кўкалдони мадрасасида 160та хужра бор.

*Кўкалдони мадрасаси*

Тошкентнинг Чорсу майдонидаги архитектура ёдгорлиги. Тошкент ҳокимининг вазири Кўкалдош курдирган (XVI аср). Мадраса тепалик устига икки қаватли кўлиб курилган. Гумбазлари ва пештоқлари билан бўйи 20 м. дан

ортадиган икки қаватли бино. Мадраса түгри түртбурчак шаклида бўлиб, томонлари 45X65 м. Бинонинг олд томони жанубга, Чорсу майдонига қараган. Дарвозадан киришда чапда масжид ёнида дарвазажона жойлашган. Пештоқи кошнинлар билан безалган.

### *Кўхна Урганч*

Туркманистон Республикаси Тошховуз вилоятида. Хоразм давлатининг X-XIV асрлардаги пойтахти. Асл номи Гурганж, араб географлари Журжон деб аташган. IX асрда асос солинган 995 йилда Гурганж амири Маъмун Ибн Муҳаммад ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қиласди. Шундан сўнг Гурганж Хоразм давлатининг ягона пойтахти бўлиб колади. 1221 йилда Чингизхон шаҳарни б ой қамал қилиб турди ва Амударё түғонини бузиб, шаҳарни сувга бостириди. XVII аср ўрталарида Хива хони Абулғози Баҳодирхон ҳозирги Урганж шаҳрига асос солди. Шундан кейин қадимги шаҳарнинг номи Кўхна Урганч бўлиб қолди. Кўхна Урганчда Фахриддин Розий, Султон тақааш, Тўрабек хоним, Нажмиддин Кубро мақбаралари, жомеъ масжиди, карвонсарой ёдгорликлари сақланиб қолган.

### *Мавзолей*

Юнонча- Movsoleion - қабр ёки мозор устига қурилган монументал иншиот. Карий подшоси Мавсол (милавв. 4 аср) саганаси номидан келиб чиққан. Мавзолейлар қадимги Римда, ўрта асрларда Шарқда (мақбара) кенг тарқалган.

### *Мадина*

Арабча-шаҳар, тўлиқ арабча номи - Мадинат расулийлоҳ ёки Мадинат ун наби - пайгамбар шаҳри. Саудия Арабистонининг Шимолий Гарбий қисмида. Хижоз вилоятида. Маккадан 400 км. шимолда. Қадимги Ясриб илк ўрта асрлардан бошлаб Мадина деб атала бопланган. Бу ерда мусулмонлар жамоаси (Умма) тузилган. VII асрдан бошлаб Мадина мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёраттоҳи ҳисобланади. 632-657 йилларда Араб халифалиғи пойтахти. X асрдан бошлаб Мисрга тобе бўлган, 1517 йилдан Усмоний турк империясига, 1919 йилдан Хижоз кироллигига кўшиб олинган, 1924 йилда Мадинани Ибн Саъуд кўшишлари забт этди, 1932 йили Саудия Арабистонига кўшиб олниди.

## *Мадраса*

Арабча-ўрганмок-мусулмонлар ўкув юрти. Уламолар, мактабдорлар, давлат хизматчилари тайёрланади. Мадрасалар VII-VIII асрларда арабларда пайдо бўлди. Мадрасаларга бошлангич мактабни тугатган ўспириналар қабул қилиниб, уларда уч босқичда бошлангич (адио) ўрта (авсат), ва юқори (аъло) гурухларда машгулотлар олиб борилган. Илк мадрасалар бир қаватли, ўртаси ҳовли, атрофи хужралардан иборат бўлган. XIV-XVI асрлардан мадрасалар 2-3 қаватли, баланд пештоқчи, мимора ҳамда гумбаzlи қилиб қурилган Ҳовли атрофи дарсхоналардан иборат бўлиб, масжидлари ҳам бўлган.

## *Масжид*

Жамоа бўлиб намоз ўқиладиган жой, ибодатхона. Масжидлар асосан кундалик беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган. Биринчи масжидни Муҳаммад (с.а.в.) Мадинада курган.

*Матлаи Саъдайи ва Мажмаи Баҳрайи  
“Икки саодатли юлдузнинг чиқши ва  
икки денизнинг қўшилиш жойи”*

Абдураззоқ Самарқандийнинг тарижий асари. 1467-69 йилда ёзилган. Икки жилдан иборат. Биринчи жилда муаллиф Эрон ҳукмдори Абу Саъид даврини (1316-33 йй.) қисқача бериб, Амир Темур даврига ўтади. Амир Темур фаолияти билан боғлиқ бўлган, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Ўрта Осиё мамлакатларида рўй берган воқеаларни тасвирлайди. Иккинчи жилда Шоҳруҳ, Улугбек, Абулқосим Бобур, Абу Саъид Марзо ва ундан кейин таҳтга чиқкан темурийлар даври яратилади. Асар Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротда Ёдгор Муҳаммад устидан галаба ҳозоранлиги ҳақидаги воқеалар билан тугайди.

## *Мақбара*

Қабр устига қурилган меморалим бино, мавзолей. Марказ, Турбат ҳам деб аталган. Исломда IX асрдан бошлаб халифалар шарафига мақбаралар қурила бошланган. Мовароуннахрда ҳам IX асрдан мақбаралар қуриш одат тусига кирган. Оддий мақбаралар гумбазли чорси хонадан

иборат бўлиб, унга пештоткили эшик орқали кирилган. Мураккаб мақбараларда зиёратхона, гўрхона, тажхона, сардобалардан иборат улкан архитектура комплекслари яратилган. Шунингдек, улар жалқ усталари яратган ноёб архитектура дурдоналарига айланган. (Султон Санжар, Амир Темур, Аҳмад Яссавий мақбаралари, Шоҳи Зинда ансамбллари, Тож Маҳал ва ҳоказо).

### *Мезана*

Миноранинг юқори қисми, муаззин аzon айтадиган жой. Мезана айланана шаклида ва кўп қиррали бўлади. Кўпинча правоқсимон дарчалар галереясидан иборат. Ички деворлари ганч билан нақшланади. Ташибариси умумий миноранинг безагига хос равишда сирлар, парчиналар билан безалади. Мезананинг тепаси, одатда, гумбазча билан ёнилади.

### *Мемориал иншоотлар*

Лотинча- *memorialis*-хотира. Айрим шахс ва мұхым тарихий воқеалар шарафига барпо этиладиган архитектура иншоотлари. Уларниң энг қадимги намуналари Миср эхромларидир. Мил. авв. IV асрда Галикарнасда Шоҳ Мавсал қабри бунёд этилди ва мавзолей шаклидаги мемориал иншоотларнинг яратилишига асос бўлди. Амир Темур, Пахлавон Маҳмуд, Аҳмад Яссавий мақбаралари, шунингдек, Мустакиллик йилиларида яратилган Абдухолик Фиждувоний, Баҳоуддин Накшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом сингари мажмуалар бу турдаги қурилишларнинг дунёдаги мукаммал намуналаридан саналади.

### *Мехроб*

Масжиднинг Макка (Каъба) томонидаги девори ичига тахмон шаклида қурилган жой. Сәждагоҳ, меҳроб ярим айланана, кўп қиррали, тўғри тўртбурчак қилиб, тепаси правоқ ёки ярим айланана гумбазча шаклида қурилади. Намоз пайтида имом меҳробга ўтиб, қиблага юзланади ва намозни бошлайди, қавм эса унга иктидо қиласди (эрғашади).

## *Минора*

Баланд иншоот. Асосан масжид ва мадрасалар ёнида ёки уларга туташ курилади. Муаззин минорага чиқиб аzon айтади. Намозхонларни намозга чақиради. Миноралардан соқчихона мақсадида ҳам фойдаланилган. (Жаркүрөн, Вобкент миноралари) Денгиз соҳилларида кемаларни адашмай қирғокқа келишига ҳизмат қиласидиган (маёк), телевидение ва алоқа мақсадларига ҳизмат қиласидиган миноралар ҳам бўлади.

## *Мир Араб мадрасаси*

Бухородаги яманлик шайх Абдулла томонидан 1530-1536 йилларда Бухоро хони Убайдуллохон (1533-39 йй.) ҳомийлигида қурилган. Ёдгорлик шайх Абдулла шарафига Мир Араб деб аталган. Мадраса ҳовлиси икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Пештоқли айвон ва гумбазли даҳлизининг ён томонларида катта хоналар бор. Жануб томондаги хона масжид мақсадида қурилган. Ҳужралар пештоқли, эшик, хоналар ва мақбара ларнинг ичи ўймакор ганж, сиркор парчинлар билан безалган.

## *Оқсарой*

Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги (XV аср) Темурийларнинг сўнти даҳмаси. Темурийлар жасади қўйилган Ашратхона ва Амир Темур мақбара сида кейинги амирлар учун жой бўлмаганлиги учун Абу Саид (1449-69) ва Султон Аҳмад Мирзо (1469-1494) ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара пишиқ гиштдан ганч билан ишланган. Ўртадаги асосий хона тагида даҳма жойлашган.

## *Оқсарой*

Шахрисабздаги архитектура ёдгорлиги (XIV аср). Амир Темур шаҳарнинг шимоли-шарқида, бош майдон ёнида қурдирган. Оқсарой пештоқининг эни 22,5 м, баландлиги 40 м. бўлган. Гумбаз ичи ва ёnlари бурчакларидаги миноралар сиркор парчинлар билан безалган. Рангларнинг ой ёргуда оқариб жилоланиши туфайли Оқсарой номи билан аталган. Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – том тепасига ишланган ҳовуз бўлган. Ҳовузга сув Тахтақорача довонидан қўрғошин кувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга оқиб тушган.

## *Самарқанд*

Ўзбекистондаги шаҳар. 1938 йилдан Самарқанд вилояти маркази, 1925-30 йилларда Ўзбекистон Республикаси пойтахти. Ўзбекистоннинг жануби-карбидаги Зарафшон дарёсининг ўрта қисмидаги, Даргом ва Сиёб каналлари орасида жойлашган. Самарқанд жаҳоннинг энг кўхна шаҳарларидан бири, ҳозирги Самарқанд ўрнида мил. авв. IV асрдан милодий VI асргача Сўғд давлати пойтахти Мароканда шаҳри мавжуд бўлган. Милав. 329 йилда Александр Македонский қўшиллари Самарқандни вайрон қылган. VI асрда турк хоқонлиги таркибига кирган. Кутайба бошчилигидаги араб қўшиллари 712 йилда Самарқандни эгалаган IX асрнинг 20 йилларидан бошлаб Самарқанд Сомонийлар, XII асрдан Қорахонимийлар, 1210 йилдан Хоразмшоҳ давлати таркибida бўлган. 1220 йилда Чингизхон қўшиллари томонидан вайрон қилинган. 1370 йилдан Амир Темур давлатининг пойтахти сифатида замин сайдалига айланди.

## *Сардоба* (форс – тоғсик, союқ сув)

Сув танқис ерларда уни сақлаш учун маҳсус курилган. Гумбазли ҳовуз. Сардоба деворлари цилиндр шаклида диаметри 12-18 м., чукурлиги 10-15 м., ҳовуз юзаси ер сатҳи билан текис бўлган. Гумбази пишиқ, фишт билан ганчдан ишланган, тепаси туйнукли, атрофларига ҳовузга сув тушибидиган тешиклар қилинган. Кириш учун сардобага эъзик ўрнатилган.

## *Термизий мақбара*

Термиздаги қадимий архитектура ансамбли. Унда ислом олами уламоларидан имом ат-Термизий мақбара (IX аср), масжид, (II аср) хонақоҳ (XV аср) бор. Мақбара қадимий хонақоҳнинг ҳужраларидан бири бўлиб, аллома шу ерда ўз фаолиятини давом эттирган ва шу ерга дағи этилган. Гумбазли масжид, мақбара ганч ўймакорлиги билан безалган. Хонақоҳдаги мармар ёдгорлик нафис нақш билан безатилган. Ёдгорлик деворида ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти тавсифланган.

## **Тиллакори мадрасаси**

Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги, Регистон ансамблида энг кейин қурилган бино. Улугбек давридаги мирзойи карвонсаройи ўрнита 1646-47 йилларда Самарқанд ҳокими Ялангтүшибий Баҳодир фармонига кўра мадраса ва жомъе масжидига мўлжаллаб қурилган. Зархал нақшлар билан жозибадор қилиб безалгани учун ҳам Тиллакори номи билан аталган.

## **Тож Маҳал**

Ҳиндистоннинг Агра шахри яқинидаги Жамна дарёси бўйидаги архитектура ёдгорлиги. Шоҳжаҳон ва унинг хотини Мумтоҳ Маҳал (Аржуманд бегим) мақбараси. Султон Шоҳжаҳон мақбарани севимли рафиқаси васиятига кўра 1632-50 йилларда қурдирган. Оқ мармарли, беş гумбазли, деворлари қимматбаҳо рангли тошлардан мозаика билан безатиб ишланган. Сагана кўйилган хона катта гумбаз билан копланган бош бино бўлиб  $104 \times 104 \times 7$  м. супа устида жойлашаган. Супанинг тўрут томонида бўйи 45 м.лик тўртта минора бор. Зина поядан супага чиқиб, ўйма нақшлар билан безалган эшикдан мақбарага кирилади. Сагана қора мармардан ишланган. Бино хиёбонлар ва катта боғлар билан куршалган.

## **Тошкент**

Ўзбекистон пойтахти. Тошкент вилояти маркази. Республиkanинг шимолий-шарқий қисмida, Тянь-Шань тоглари этакларида, Чирчик дарёси водийисида жойлашган. Чирчик дарёсидан чиқарилган Бўзсув, Салор, Анҳор, Корасув, Оққўрон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш каналлари бутун шаҳар бўйлаб ўтади. Қадимий манбаларда ҳозирги Тошкент ўрнида 2200 йил аввал йирик обод шаҳар бўлганлиги қайд қилинган. Тошкент V-VIII асрларда Чоъ, Шош, Шошкент, Бинкат деб аталган. Буюк ипак йўлида жойлашган. VI асрда турк хоқонлиги таркибида бўлган. VIII асрда араблар истилосига учраган. IX асрда олдинги ўрнидан шимоли-шарқ томонда Бўзсув этагида барло бўлган. XI асрдан Тошкент деб аталган. IX-X асрларда Сомонийлар, X-XIII асрларда Қорахонийлар давлати таркибида бўлган. XIII аср бошида Мухаммад Хоразмшоҳ босиб олади. Мўғул истилоси даврида шаҳар бутумлай

вайрон бўлди. Темур давлати таркибига кўшиб олигандан кейингина қайта қурилди. 1404 йилда Улугбек ихтиёрига мулк тарзида берилди. 1810 йилдан Кўкон хонлиги таркибиди, 1865 йилда Россия империяси томонидан босиб олинди ва Туркистон генерал губернаторлигининг марказига айлантирилди.

### *Улугбек мадрасаси*

Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги. Регистон ансамблиниң мухим қисми. Асосий ташқи кўриниши Регистон майдонига қаратиб қурилган. (1417-20 йй.) Бино икки қаватли, тўғри тўртбурчак, шарқда (81х56м) олд томони улкан пештоқ тўрт томонда тўртга минора бўлиб, тўрт гумбазли. Ҳовли икки томондаги икки қаватда жойлаштирилган 50 та хужра билан ўралган, ҳар бир хужра 3 та хона-қазнок, ётотхона, умумий хонадан иборат. Бинонинг ички ва ташқи томони сирли кошинзар билан безалган. Бинонинг тўрт томонида 4 та дарсхона бор. Ҳудди шунингдек, Улугбек томонидан Бухоро шахрида (1417) ва Фиждувон шахрида (1432-33 йй.) ҳам мадрасалар барпо этилган.

### *Улугбек расадхонаси*

Самарқанддаги XV аср меъморчилигининг нодир намуналаридан. Улугбек фармәйиши билан 1428-29 йилларда Қўҳак (Чўпонота) тепалигида Обираҳмат ариги бўйида барпо этилган. Расадхона цилиндр шаклида, уч қаватли, баландлиги 30,4 м. дан иборат улкан бино. Унинг асосий қисми радиуси 40,2 м. дан иборат гигант сексант бўлган.

### *Ҳўжа Амин мақбараси (Наманган, XVII аср)*

Наманган архитектура ёдгорлиги. Пештоқ ва гумбазли, бир хонали мақбара. Мақбаранинг олд томонида бурчаклари гулдаста нақши баланд пештоқ бор. Пештоқ, равоқ, гулдасталарни безаща куйма сополдан фойдаланилган. Бино гирихлар, ўсимликсизон нақшилар ва араб ёзувлари билан чиройли безалган.

## *Шамсиддин Кулол мақбарасти (XIV-XV асрлар)*

Шахрисабадаги архитектура ёдгорлиги. Амир Темурнинг шири шайх Шамсиддин Кулол дафи этилган (1370). Мақбара тўри тўртбурчак шаклда ( $12,1 \times 10,6$  м.) курнишланган. Мақбара ичидаги даҳма мармари ўйна накш билан изозибадор килиб ишланган.

## *Шердор мадрасаси*

Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги (XVII аср) Регистон ансамбли таркибида Мирзо Улуубек хонагоси ўрнига Самарқанд жонами Алангтўш Беҳодир томонидан курдирилган. (1619-36) Улуубек мадрасаси рўтинасида бир ўқ чизик бўйнаб жойланган. Уртадаги катта ховли атрофидан хўжралар жойланган. Оди томони уздан пештоқ билан безалган. Пештоқ разоқ тепасимда қазил-зарҳал шёр охуни кувомкда. Куёш бодомчикоқ, кийик кўзли юз шаклида тасавирланыб, зарҳал тусли ёду билан хошиялаиган. Пештоқимиг умумий узунлиги  $12,5$  м. иккى ёнида  $31$  м. лик мизора гулдаста ўрнатилган. Орида томонда ҳам искита мизора бўлиб, улар бурож шаклида ишланган.

## *Шоҳи Зинда ансамбли*

Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги. Афросиёб тепалиги жанубида, қабристондаги мақбаралардан иборат. Уларнинг энг қадимиёси Кусам ибн Аббос мақбарами (Мухамад сад. нинг амакиваччаси Аббоснинг ўғли) Самарқандга 676 йилда келиб, шу ерда ўлдирилган ва дағон этилган. Шоҳи Зиндадаги иштоотларнинг кўпчилиги XIV асрга тегишили. Ансамблнинг бош дарвозаси жанубда кўчага қаратиб ўюрилган. Дарвозаҳонани Улуубек 1434 йилда ўғли Абдулазизга атаб курдирган. 40 поюонали гиштигин зинадан, иккичи чордок ва даҳлизга чиқилади. Ансамбл таркибида 20 дан ортиқ иштоот жалқ санъатининг дурдонаси сифатида машкур.

## VIII. «Юксак маънавият - сигилмас куч» асарини ўрганиши юзасидан ёрдамчи тестлар

### 1. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало...

- А) Маънавий меросимизни ўрганиш, анъана, қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш керак.
- Б) Миллий роя ва мағкурани англаш, уни ёш авлод онгига сингдириш, комил инсонни тарбиялаш керак.
- В) Инсонни тушуниш, англаш керак.
- Г) Маънавият - инсоннинг, халқнинг ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-кудрат манбаи эканлигини тушуниш, англаш керак.

### 2. Миллат маънавиятнинг энг муҳим омиллари.

- А) Миллатнинг тарихи, узига хос урф-одат ва анъаналар, хаётий қадриятлар.
- Б) Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий буқомлар.
- В) Аждодлар тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тош ёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, қимматбаҳо нодир асарлар.
- Г) Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган хаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашлар.

### 3. 2007 йилда Тошкент шаҳрини ислом маданияти пойтахти деб ўзлон қилиган ташкилот.

- А) ЮНЕСКО
- Б) АЙСЕСКО
- В) БМТ
- Г) Халқаро ислом конференцияси ташкилоти.

### 4. Ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган шарафта сазовор бўлган зот.

- А) Имом-Ал-Бухорий
- Б) Имом-ат-Термизий
- В) Имом Мотуридий
- Г) Бурхониддин Марғиноний

**5. Давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилган ҳужжат.**

А) 1989 йил 19 октябрда Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган қонун.

Б) 1992 йил 8 декабрда қабул килинган Ўзбекистон Конституцияси.

В) 1993 йил 2 сентябрдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонун.

Г) “2004-2009 йилларда мактаб таълимими ривожлантириш умуммиллий давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони.

**6. “Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозумдур, замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга поймол бўлур” деган фикрларни ёзиб қолдирган зот.**

А) Абдулла Авлоний.

Б) Амир Темур.

В) Абдулла Қодирий.

Г) Маҳмудхўжа Беҳбудий.

**7. Мағкуравий тазийиқка бардош берини учун одам...**

А) Ўз мустақил фикрига, ҳаётиди, миллий қадриятларга, союзом дунёқарашга, мустаҳкам иродага эга бўлиши керак.

Б) Миллий маънавият асосида шаклланган билим, ирода, куч ва тафаккурга эга бўлиши керак.

В) Миллий юя ва қадриятларни, аждодлар мероси ва қадриятларни англаб тушунган, комил инсон бўлиши керак.

Г) Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий, салбий томонларини англаб, тушуна оладиган, маънавиятли инсон бўлиши керак.

**8. Амур Темур сиймосини яратган инсон.**

А) Малик Набиев

Б) Чингиз Аҳмаров

В) Собир Юнусов

Г) Обид Содиков

**9. “Эл-юрг таянчи” монументи ўрнатилган шаҳар.**

- A) Самарқанд
- Б) Қарши
- В) Шахрисабз
- Г) Тошкент

**10. Алишер Навоий бобомизга ҳайкал ўрнатилган шаҳарлар.**

- А) Хоразм, Боку, Москва.
- Б) Боку, Токио, Ҳирот
- В) Москва, Токио, Боку
- Г) Боку, Москва, Дехли.

**11. Маънавий қарашларниң вужудга келиши ва ривожланиш омиллари.**

- А) Тарихий-табиий, ижтимоий-иктисодий, хукукий-демократик омиллар.
- Б) Тарихий, иқтисодий, хукукий омиллар.
- В) Тарихий, табиий, ижтимоий омиллар.
- Г) Тарихий, ижтимоий, иқтисодий омиллар.

**12. Ота-боболарининг тасаввурига кўра, ҳокимият имкони бу-**

- А) Тожу таҳт.
- Б) Ўқён.
- В) Қилич-қалъон.
- Г) Давлат бошқаруви.

**13. Одамзотниң юксак идеаллари ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат түғрисидаги орзу - армонларини ўзида мужассам этта, уларни барқарор қондадлар шаклида мустаҳкамлаб келаётгани роя ва қарашларниң яхлит тизими**

- А) Дин, иймон, эътиқод.
- Б) Иймон, эътиқод.
- В) Маънавият .
- Г) Дин.

**14. Шарқ оламида «Дин ва миллиатнинг ҳужжати» деган юксак уйонга сазовор бўлган аллома.**

- А) Имом-ал-Бухорий.
- Б) Имом-ат-Термизий.
- В) Имом Мотрудий.
- Г) Бурҳониддин Марғиноний.

**15. Бугун биз юртимида халқимиз хоҳиш - иродасининг ифодаси бўлган Конституция ва қонун асосида-**

- А) Демократик, дунёвий давлат барпо этмоқдамиз.
- Б) Демократик, хукуқий давлат барпо этмоқдамиз.
- В) Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз.
- Г) Демократик, дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз.

**16. 1937-53 йиллардаги оммавий сиёсий қатағонлар оқибатида Ўзбекистон бўйича.**

- А) 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган.
- Б) 110 минг киши қатағонга учраб, 12 минг нафари отиб ташланган.
- В) 200 минг киши қатағонга учраб, 23 минг нафари отиб ташланган.
- Г) 120 минг киши қатағонга учраб, 18 минг нафари отиб ташланган.

**17. Юртимида қатағон курбонларини ёд этиш куни -**

- А). 31 август.
- Б). 9 май.
- В) 9 апрел.
- Г) 31 сентябр.

**18. Глобаллашув -**

- А). Бу аввало ҳаёт суръатларининг бекёс даражада тезлашуви.
- Б). Бу аввало жамият тараққиётининг бекёс даражада

тезлашуви.

В) Бу аввало маънавий қарашларнинг бекиёс даражада тезлашуви.

Г) Бу аввало ахборот узатиш тизимининг бекиёс даражада тезлашуви.

**19. «Адабиёт яшаса-миллат яшайди» сўзларининг муаллифи.**

А) Абдулла Авлоний.

Б) Абдурауф Фитрат.

В) Ислом Каримов.

Г) Абдулҳамид Чўлпон.

**20. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қипчогидан 3 300 йил мукаддам тошилган қадимий ёдгорлик.**

А) Қадимий тош танга.

Б) Папируста ёзилган қадимий нома.

В) Пергаментта ёзилган қадимий нома.

Г) Қадимий най чолгуси.

**21. Амир Темур портретини яратиш учун асос бўлган маълумотлар муаллифи**

А) Антрополог ҳайкалтарош М.Герасимов.

Б) А.Темурнинг набираси Мирзо Улугбек.

В) Заҳириддин Мухаммад Бобур.

Г) Ибн Арабшоҳ.

**22. Шарқ илм - фанида «Устоди аввал» деган шарафли ном билан шуҳрат қозонган аллома.**

А) Платон.

Б) Сократ.

В) Абу Райҳон Беруний.

Г) Ибн Сино.

**23. Турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал қилишга оид фалсафий сиёсий қарашлар тизими.**

А) Конфуцийлик

- Б) Ламаизм.
- В) Буддизм.
- Г) Гандизм.

**24. Гўдакнинг улгайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлатий-маънавий асосларга қуриши-**

- А) қандай ўйинчоқлар. ўйнагани билан.
- Б) қандай оиласда ўсгани билан.
- В) қандай мухитда тарбияланганни билан.
- Г) қандай мухитда таълим олгани билан.

**25. Тошкент шаҳридаги Амир Темур ҳиёбонида Соҳибқирон бобомизга ҳайкал ўрнатилган йил.**

- А). 1996 й.
- Б). 1995 й.
- В) 1994 й.
- Г) 1993 й.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. -173 б.
2. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: “Маънавият”, 2008. -140 б.
3. И.А.Каримов. “Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. – Т.: 2009. -19 б.
4. R. Qo’chqorov va boshqalar, «Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch».Т.: “Yangiyul poligraph service”. 2008. -47 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини ўрганиш юзасидан тавсиялар. Н.: “Наманган”, 2008. -22 б.
6. Үрингбоев А. Маънавият - миллатнинг куч - қудрати. Т.: “KARRLO”, 2006. -47 б.
7. Баҳриев О. Маънавият соатларида миллий тарбия. -Ф.: “Фарюна”, 2008. -55 б.
8. Ш. Жалилов “Кучли давлатдан-кучли жамият сари” -Т.: “Ўзбекистон”, 2001. -156 б.
9. Мустақилик: Изоҳли илмий-оммабол лугат. Тўлдирилган учинчи нашри - Т.: “Шарқ”, 2006. 14-б.
10. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиллар)/ Тўпловчи ва маъсул муҳаррир: М.М. Хайруллаев/.- Тўлдирилган қайта нашр.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.-408 б.
11. Ҳ.Ҳомидий Кўхна Шарқ даргалари: Бадиий-илмий лавҳалар.-Т.: “Шарқ”, 2004.- 352 б.
12. Ҳ.Ҳомидий “Авесто”дан “Шоҳнома”га. -Т.: “Шарқ”, 2007. - 320 б.

**Илмий-оммабоп нашр**

**B. T. Ражапов  
I. T. Мамажонов**

**Маънавий  
баркамоллик  
йўлида  
(Илмий-услубий,  
изоҳли-оммабоп китоб)**

**Муҳаррир: Иброҳим Маҳкамов**

**Дизайнер: Темур Ҳасанов**

**Мусахҳих: Нуриддин Муҳаммад**

2009 йилнинг 4 сентябрида теришга берилди. 2009 йилнинг 26 октябрида босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 7,5 босма табоқ. Оқ қоғозга оғсет усулида босилди. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

**«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36- уй.**

**«УАС» кўп тармоқли хусусий фирмасида чоп этилди.  
Амир Темур кӯчаси, 20а-уй**

